



Jàmi àtchilik kàngashi ràisi:  
Àbdullà Ì RIPÌ V

Jàmi àtchilik kàngashi:  
Gulruh A'ZAMOVA  
Saidvafo BOBOYEV  
Àbulqī sim MÀMARASULÌ V  
Ahmàd Ì TÀBÌ YÀV  
Minhojiddin MIRZO  
Shuhrat SIROJIDDINOV  
Shunqor Xudoyberdiev  
Ahmàd USMÌ NÌ V

Bī sh muhàrrir:  
Sī bir O'nàr

Bī sh muhàrrir o'rinbosari:  
Luqmī n BO'RIÒÌ N

Màs'ul kī tib:  
Àkbàrālì MÀMASÌ LIYÀV

Tàhrrir hày'ati:  
Bobur ALIMOV  
Iqbol MIRZO  
Abduqayum YO'LDOSHEV  
Àbdusàid KO'CHIMÌ V  
Sirī jiddin SÀYYID  
Rustam MUSURMON  
O'rozboy ABDURAHMONOV  
G'affī r HÌ TÀMÌ V

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

Ushbu sī n "Yoshlik" jurnàli tàhri-  
riyatining kī mpyutàr màrkàzidà sàhi-  
fàlândi.

Mànzilimiz:  
Tī shkànt. sh.  
O'zbekiston shohko'chasi,  
16-«a» uy.  
E-mail: [yoshlik-xatlar@rambler.ru](mailto:yoshlik-xatlar@rambler.ru)

Tàlâfī n: +99837 245-57-93



© "Yoshlik" 1 2 (231) 2010 y.

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi, «Kamolot»  
yoshlar ijtimoiy harakati muassisligidagi  
yoshlarning àdàbiy-ijtimī iy jurnàli.

1982 yildàn chiqà bī shlàgàn.

## MUNDARIJA

### ADIB XONODONIDA

Usmon AZIM. «Adabiyot fidokor insonlar qalbining yolqinidir»..... 2

### NASR

Fozil TILOVAT. Qora quzg'un. Qissa. .... 6  
G'ulom KARIMIY. Erini er qilgan ayol. Hikoya.....44

### NASR

Orif TO'XTASH. Orzular oldinda turibdi hali. ....14  
O'tkir MUHAMMAD. Naqadar muqaddas Vatan ishlari. ....26  
Mahmud RAJAB. Bugun taqdirso'rovga tutdi. ....47

### BIRINCHI UCHRASHUV

Bobur NABI. Surur. Hikoya.....27  
Nigora TOG'AYEVA. Suyanchim o'zingsan, quvonchim o'zing. ....32

### MUTOLAA

Shodmon OTABEK. Uslubning go'zal qirralari. ....29

### SAN'AT

Hotam FAYZIYEV. «Toshkent – non shahri». .... 33

### XOTIRA

G'ayrat MAJID. Umr oralig'i – qoshdan ko'zgacha. ....40

### JAHON ADABIYOTI

Hozirgi zamon lotin Amerikasish'e'riyati.....42


### YELPUG'ICH

O'ktam MIRZAYORIY. Hiyla..... 48

Bī sishgà 26. 02. 2010 yildà ruxsat bārildi.

Qī g'ī z fī rmāti 60684 1/8. Nàshriyot hisī b tī bī g'ī 6,0.  
Indàks 822 ISSN 0207-9137. Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot  
va Axborot agentligi tomonidan 0253 raqami bilan ro'yxatga  
olingan. Jurnaldàn ko'chirib bī silgàndà «Yoshlik»dàn ì lindi»  
dàb izi hlànishi shàrt. «O'zbekiston» NMIU bī smàõī nàsida  
chī p etildi. Buyurtmà 1 10-619 Manzil: Tī shkànt shahri,  
Navoiy ko'chasi, 30-uy.





...«Боланинг бирор-бир нарсага қизиқиши қонида бўлади. Эсимни билибманки, китоб атрофида ўралашганман. Уйимизда кечалари (айниқса, узун қиш тунлари) эртақ айтиб бериш, жамоа бўлиб китоб ўқиш расм бўлган. Бу нарса менга шу қадар ёқиб қолганки, эртақ айтиб беришларини ортиқча инжиқлик билан талаб қилганларим эсимда. Мактабга ҳам эрта борганман. Саводим жуда тез чиққан. Ёзишни ўзлаштириб улгурмасданок, босма ҳарфларни ўрганиб олиб, китоб ўқишга тушиб кетганман. Уша пайт чоп этила бошлаган халқ достонларини, катталарга таклид қилиб, қироат билан ўқишга тутинганман. Бобом менга деярли ҳар кун достон ўқитар эди. У киши китобни очиб, кеча келиб тўхтаган жойимизни албатта бармоқлари билан кўрсатар, мен эса ўша жойдан ўқишни давом эттирар эдим.

Ўша пайтларда болаларнинг китобга яқинлашуви анча мушкул эди. Одамларнинг яшаш шароити жуда оғир: турмуш ташвишларининг бир қисми болаларнинг ҳали қотиб улгурмаган елкасида – кундузи кўпинча китоб-

## «АДАБИЁТ ФИДОКОР ИНСОНЛАР ҚАЛБИНИНГ ЁЛҚИНИДИР»



га вақт етмас, кечаси эса биргина чироқ дарс тайёрлайман деганларнинг ўртасида талаш...

Болалагимда ёзувчию шоирларни аллақандай сирли, ўзгача оламдаги одамлардай тасаввур этганман. Шу сабабданми, илк бор ўз исмиمنى газетада кўрганимда аллатовур ҳаяжонга кўмилиб юрганларим эсимда...


...Ижодкор ўз йўлида билимдон ва хайрихоҳ одамларни учратиши бу Оллоҳнинг ишоратидир. Истеъдодли одам билан суҳбатдош бўлмоқ ёш ижодкорни беқиёс ўстирадиган улғун манба. Истеъдодларнинг бир-бири билан топишуви, баҳсу тортушувлар, дўстлик ва ҳатто очик-яширин рақобат – маълум бир даврда ижодни мукамаллик сари етаклайдиган йўлдир. Шунинг учун адабиётда тез-тез ижодий давралар пайдо бўлиб туради ва бу давраларнинг савияси ажиб бир тарзда турфа кўриниш олади. Яъни истеъдодларининг даражаси бир-бирига яқин одамлар ҳаётда ҳам қандайдир бир тарзда сараланиб, ижодий давралар ташкил этадилар. Ижодкор учун бу ҳам бир босқич. Мен ижодкорга ўқимишли ва истеъдодли давра ҳам улкан устозлик ролини бажаради демоқчиман...

...Иигирматача китобим чоп этилган. «Юрак» ва «Фонус» деган шеърий китобларим шу кунларда нашр этилди. Биласиз, шеърий китобларнинг адади катта бўлмайди. Китобларимнинг жами адади икки юз минг атрофида бўлса кераг-ов...

Ижодкорнинг кўнгли ёзганларидан ҳеч қачон тўлмайди. Аммо ёлғон камтарликни йиғиштириб айтсам, ижодда нимагадир эришганимни ҳам англайман...

...Янгангиз Раъноҳон, хабардорсиз, бадий таржима билан шуғулланади. Россия Ташқи ишлар вазирлигининг «Золотое перо» мукофоти билан тақдирланган. Жуда меҳнаткаш аёл.





Болаларим адабиётга яқин – чин маънода ўқимишли одамлар. Каттам Улуғбекнинг қўлидан ёзув-чизув келади. Аммо бу ишга жиддий қарагани йўқ. Кичкинаам Шодия ҳам укувлигина, лекин ҳозиргача аллақандай хом режалар гирдобиди – насиб бўлса, бирор қарорга келар. Болаларимдан ёзишга журъат этгани Назокат – Назокат Азим тахаллуси билан эндигина адабиёт аҳлига танилиб келяпти. “Қаҳвахўр қизлар” деган китоб ҳам нашр эттирди. Айтгандай, унинг илк ҳикояси “Ёшлик”да – сизларнинг журналларингизда чоп этилган. Ҳозир бир ижодий ташкилот билан ҳамкорликда катта бир лойиҳа устида ишляпти.

Олтита неварам бор: Шоҳруҳмирзо, Темурмалик, Исмоилбек, Муҳаммадбобир, Сарвар, Комрон...

...Ўзбек ҳақининг шаклланишида, унинг ўзини англаш жараёнида Адабиёт етакчи рол ўйнади. У ҳамisha халқнинг онгини уйғотишга, унинг зўравонлар ўчириб юборишни маъқул биладиган тарихий хотирасини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди; Одамларнинг тақдирини тасвирлаш асносида, бугуннинг суратини чизди; эртанинг орзумандалигида яшади ва бу орзуларни элнинг эрларига юқтирди. У халқнинг руҳи ва онгига айланди. Гўзалликнинг, мутаносибликнинг манбаси сифатида одамларнинг дидини – жамиятнинг дидини юксалтирди. Мен чинакам Адабиёт ҳақида гапиряпман. Адабиётнинг қай даражада тириклиги – Халқ тириклиги даражасини ўлчаб берадиган мезондир.

...Адабиёт – адабий қаллоблар ўйлаганидай, шахсий маанфаатлар дўкони эмас, балки халқ тақдирини ўйлайдиган фидокор инсонлар қалбининг ёлқинидир.

Иллатларнинг эса иккитасини санаб ўтаман. Бири, юқорида ёзганим, адабий қаллоблик – ўзини буюк адиб қилиб кўрсата билиш санъати. Бу – истеъдодсизликнинг энг хавфли кўринишидир.

Хушомадгўйлик ҳам адабий анъана сифатида шаклланиб бормоқда. Бу – жуда уят адабий ҳодиса. Коммунистик ва феодал ўтмишдан қолган бундай ялтоқилиқдан Адабиётимиз жирканмоғи лозим деб ўйлайман. Чунки Адабиётнинг ғурури бўлган халқина ор-номусли бўлади.



...Мен оқимларни жуда ёмон кўраман. Айниқса, улар сунъий равишда ташкил қилинса. Аммо ўзини “модернчман” деб юрганларни ҳам тушунаман: тепада ёзиб ўтганим нусхаларнинг сафида бўлмоқдан улар ор-номус қилган бўлсалар ажабмас. Кейин эса бу туйғуга озгина олифтачилик аралаштириб, “модернизм” деб атаб кўя қолган бўлсалар керак. Мен аввал ҳам айтганман, бунақа шеърий машқлар жаҳон адабиётининг чўнтагидан аллақачонлар тушиб қолган. Улар ҳозир постмодернизмдан ҳам кечмоқчи бўлиб туришибди. Биздаги жуда ҳам модерн қиёфада кўрингиси келиб турганларнинг ёзиши адабиётнинг ривожини туфайли табиий ўсиб чиқадиган бир ҳолдир. Истеъдод эса ҳамisha санокли бўлади, бир тўда бўлмайди. Бизнинг модернчиларларнинг сафида бирикки шоир бор, қолганлари ҳали шеър ёзишни ўрганиши лозим бўлган ҳаваскорлар. Хуллас, “модернизм” сўзи менда “соцреализм” тушунчасидай ёқимсиз таассурот қолдиради. Менимча, адабиётда икки тоифа ижодкорлар бор: истеъдодлилар ва истеъдодсизлар. Тамом...

...Янги йил режалари...

«Ёзаверайлик, қолгани бир гап бўлар», деган эски иш режам бўйича бошлаб юбордим».

## ШОИР ҲАҚИДА

Усмон Азим 1950 йилнинг августида Сурхондарё вилояти Бойсун туманининг Газа қишлоғида туғилган. 1972 йилда ҳозирги ЎзМУ журналистика факультетини тугатган.

1979 йилда илк шеърий китоби – “Инсонни тушуниш” чоп этилган. Шундан сўнг “Ҳолат” (1979), “Оқибат” (1980), “Кўзгу” (1983) “Сурат парчалари” (1985), “Дарс” (1985), “Иккинчи апрел” (1987), “Бахшиёна” (1989), “Ғаройиб аждарҳо” (1990), “Уйғониш азоби” (1991), “Ғусса” (1994), “Узун тун” (1994), “Бор эканда, йўқ экан” (1995), “Сайланма” (1995), “Куз” (2001), “Соғинч” (2007), “Юрак” (2009), “Фонус” шеърий китоблари ва “Жоду” (2003) насрий тўплами босилди.


Таржимон. Элюар, Доғларжа, Вознесенский, Вацентис, Марцинкявичус ижодидан ўзбек тилига ўгирган.

Носир. Қатор ҳикоялари, эсселари, “Алпомиш” кинодостони, “Алишер Навоий” киноқиссалари эълон қилинган.

“Севги” (1998), “Алпомиш” (2000), “Йўқолган одам” (2008), “Гўзаллик сири” (2006) бадий фильмлари сценарийсига муаллифлик қилган.

“Бир қадам йўл” (2002), “Кундузсиз кечалар” (1998), “Қадим замон ҳангомалари” (2003), “Адибнинг умри” (2005), “Алпомишнинг қайтиши” (2000), “Бахт қуши” (2006), “Синфдош ёхуд куёвликка номзод” (2008), “Бор эканда, йўқ экан” (2008) каби драмалари сахналаштирилган. Шунингдек, “Халил Султон”, “Жазави”, “Бозор”, “Абдулла Қаҳҳор”, “Тоҳир ва Зуҳра” каби драматик асарлари ҳам бор.

Ўзбекистон халқ шоири.





Усмон АЗИМ

# Êâëãèë, Íàâáàµîð! Êâëãèë!



## ДЕДАЛ ВА ИКАР

– Юрагим қўймади, уч деб қўймади,  
Фалакка интилдим, аммо бу ҳаёт  
Ерга қўмавериб танни, тўймади...  
Барибир мен қанот ясадим, қанот!..

Болам! Сен не учун мени қийнайсан,  
Сенинг ҳам жонингдан ўтдими турмуш?  
Учиши ҳам азобдир, ахир... Билмайсан!  
Учиши – қисмат оша – бетин зўриқиши.



Қара! Менга қара! Аҳволимга боқ!  
Аммо сен сўзлайсан қандайдир тушдан!  
Учганинг ҳамшиша қисмати чатоқ,  
Ерни–ку гапирма, фалак ҳам душман.

Гарчи падарингман! Қилмагин тақлид,  
Сенга қуриганми жайдари тақдир –  
Масалан, эрмакка уриштиргин ит,  
Ёхуд майхонада уюштир тадбир.

Йўлингдан қайтмайсан! Турибман сезиб!  
Мана, бир жуфт қанот! Сенга ҳам! Олгин!  
Икар!

Болагинам!  
Учганинг кези  
Ўзни қўёшгамас – шамолга солгин!

Беҳуда юксаклик эса толдирар!  
Паст уч! Денгиз узра парвоз ҳам кўркам...  
Тўхта! Қўёш сори борма! Ёндирар!  
Тўхта! Қанотларинг қуяди, болам!..

– Ота! Олов ўтди суягу этдан,  
Азобдир жисмимни қўёш ютиши...  
Фақат қандай гўзал – фалакка етган  
Парвознинг кул бўлиб, ерга тушиши.



– Ҳеч кимни аямас ривож ҳудуди!  
Бизни ямладими? Йўқдир эътироз:  
Кўйиб тушаётган, болам, вужудинг,  
Кўкда қолган эса лаънати парвоз!

24. 10. 2006.

\*\*\*

Жуда хотиржамман бу куз кунлари,  
Сокин гуссаларга юрак йўлиққан.  
“Оҳ”ларсиз дардларга етган мунгларим –  
Жуда тўлиққанман, жуда тўлиққан.

Хазонли суҳбатда кетмайман ёниб:  
Шукр, Тангри кузни уч ойга чўзди...  
Менга ҳам, кузга ҳам оқибат аниқ:  
Фақат англамоққа бахш этдик ўзни.

Намиққан боғлардан тумандай кўчиб,  
Бевазн борамиз – умр руҳга жам:  
Сўнгбарлар тушади бандидан учиб,  
Аммо хотиржаммиз, жуда хотиржам!

Мана, устимизга жим-жит қўнди қиш,  
Бесаноқ кумушранг вужуди билан...  
Яхши иш бошлади, жуда яхши иш –  
Баҳорни яратмоқ бошланди биздан!


Фалакка интилмай, бедор тоқатда,  
Ерга қоришмоқдан топиб чин маъни –  
Чўкиб бораяпмиз фақат тупроққа,  
Илдизга, илдизга етиб боргани...

17.11. 2009

\*\*\*

Чақалоқ заминни кечага ўраб,  
Беланчак шамолда тебратади куз.  
Тўзгин хазонрезнинг кўнглини сўраб,  
Чексиз кузакликнинг расмига кўра –  
Фалакда мўлтирар миллионлаб юлдуз.





Эй, сен! Кечаларда сарсон кездирган,  
Кузимни юз этган, минг этган наво –  
Менга жафо этиб, мендан бездирган  
Дард! Тангри қудратин аён сездирган  
Бу шоминг бошимдан ёғдирар сафо!

Кузлигим муборак ўзимга! Ёнди  
Эту суюгимнинг ҳар бир зарраси!  
Кулларим соврилди, фақат руҳ қолди,



## ЯШАШ

Олов эдим – ўчдим,  
Юлдуз эдим – учдим;

Кўк эдим – ер бўлдим,  
Сўз эдим – шеър бўлдим;

Тоз эдим – қумман, қум:  
Ҳар заррам мунгдир, мунг;

Қийноқлар тўфони – жонимда,  
Замонлар алдоғи – онгимда.

“Воҳ, жоним!..“  
демоққа ҳақлиман –

Негадир бахтлиман, бахтлиман!

\*\*\*

Баҳор тўла гуллар эди...  
Бир гулни суйдим.

Гул “уз, деди, мени”, ошкор –  
Узмадим-қўйдим.

Қовжиратди гул жисмини  
Ҳижроннинг ёзи.

Шундан буён шеър ёзаман –  
Ақлдан озиб...

Шундан буён у йилларга  
Қайтгим келади.

“Эй, гул! Сени севаман” деб  
Айтгим келади.

Узун бу умримдан узун “ух” қолди –  
Қайнаган онгимнинг пинҳон наъраси.

Куз аро бораман. Тақдир дастида  
Ҳаёту ўлимга бош эгмиш юрак.  
Ёмон ўтмагандай умрим аслида:  
Ярашиб яшадим ернинг устида,  
Ернинг тагига ҳам ярашсам керак.

30. 11. 2009

Нима учун бу дунёдан  
Кетганим йўқдир?

Ҳали гулни аниқ тасвир  
Этганим йўқдир.

2009 йил 30 ноябр

\*\*\*

Денгизнинг сўнгги бор.  
Саҳролар тугайди.  
Сен – сўнгсизсан, муҳаббат.

Қўлларингни бер,  
Тафтида исинай.  
О, баттар тирикман  
оловингда ёнганим сайин.

Сени кезиб, чарчамайман,  
Сенда сузиб, чўкмайман.  
Сенда учиб,  
юксалганим сайин юксалган.

Кўзларинг – тиниқ осмон...  
О, нақадар бесарҳад дунёсан!  
О, нафас нафасга туташди!

Тириклик – лабларимиз орасидадир,  
муҳаббат.

\*\*\*

Орамизга ёмонлар тушиди,  
Кўнглимизга туманлар тушиди,  
Кузлар тушиди, хазонлар тушиди...

Ёруғликда ўсган бахт қуши  
Туманларда адашиб учди.

Йўқ, тақдирга ҳижрон кўниммас,  
“Кечир” демоқ, ахир, ўлиммас,  
Бу кузлардан кечайин десам,

Кўнглим туман. Кўнглим кўринмас.  
2009 йил 1 декабр

\*\*\*

Биздан олдин ҳам  
одамлар яшаганми?  
Биз каби яшаганми улар?  
Ўлимни ҳам ўшалар  
ўйлаб топганми?  
Барака топгурлар...  
2009 йил 2 декабр

\*\*\*


Қайда хазон салтанат?  
Қор забт этди дунёни.  
Рух – бетоқат ҳарорат.  
Қиш – музлаган малоҳат –  
Жим ёндирди ёнгини.

Бу мастона оқ сурур  
Айлантирди бошимни.  
Орзулар қайтди махмур...  
Умр... Олтмиш ёшли умр  
Тиёлмади ёшини.

Нафислашди яна дил –  
Қордай енгил, қордай оқ...  
Келгил, навбаҳор! Келгил!  
Эриб кетгим келмоқда.  
Сенинг бағрингда бу чоқ.

2010 йил 4 февраль






# ҚОРА ҚУЗҒУН



**Фозил ТИЛОВАТ**

## Детектив қисса



*Тоғам Раҳматилла Ұроқов хотирасига  
бағишлайман*

1

Жиноят тафсилотлари битилган хужжатларга кўмилган тергов ходими бошини қоғозлардан кўтарганида тун ярмидан оққанди.

Шу пайт телефон жиринглаб қолди.

– Алло, Акмал ака? – хотинининг ташвишли овози эшитилди гўшақдан. – Ҳалиям ишхонадамисиз?

– Ҳозир кетмоқчи бўлиб тургандим.

– Қуюқ туман тушибди, машинани эҳтиёт бўлиб ҳайданг!

У қисқа-қисқа гудок бера бошлаган гўшақни бир муддат тутиб турди-да, сўнг жойига қўйди.

Акмал куни бўйи сирли жиноят тарихи битилган қоғозларга кўмилиб арзирли бир ечим топа олмади. Терговчи сифатида қаёққа боришни ҳам, нима қилишни ҳам билмай боши қотиб турганди. Энди эса уйга бориши, илиққина душга тушиб, озгина тин олиши мумкинлигини англади. Хотинининг кўнғироғи аямажуз қишнинг қаҳри синган пайт баҳор дарагини олиб келган қалдирғочнинг ташрифи каби ҳорғин руҳига илиқлик солди.

Ташқари анчагина совуқ экан. У пальтосининг ёқасини кўтариб олди. Кейин туманнинг қалинлигидан деярли кўринмай қолган йўлни тусмоллаб қадам босганча машинаси томон қараб кетди...


2

Акмал уйига келгач, иссиққина душ ҳақидаги қарорини бекор қилди. Овқатга ҳам иштаҳаси бўлмади. Қизиқ, вужудида чарчоқ, руҳан толиққан, қовоқлари зилзамбил бўлишига қарамай, нимагадир ухлашга ҳам ҳуши келмади. Шундан, ётоқхона эшигини оҳиста очди-да, уни кута-кута ухлаб қолган хотинига термулиб бир пас туриб қолди. Йўлақдан тушган нур ёруғида кўкси очилиб, қора халати остидан ич кийими оқариб кўриниб турган, тим қора сочларини елкалари узра паришон ёйганча ухлаб ётган хотини шу дам кўзларига баайни қалдирғочга ўхшаб кўриниб кетди.

Шу асно хаёлидан «ялт» этиб бир фикр кечди: «Уни деярлик ҳар кеч шу алфозда кўраман. Нега энди, келиб-келиб шу бугун қалдирғочга ўхшатдим? Бояги кўнғироғи боис албатта! Тўхта-тўхта! Ҳм-м-м-м, демак...».

Акмал бир неча кундан бери ўзини қийнаб келаётган бир жумбоққа ечим топгандек бўлди. Жиноят жойидан топилган ёндафтарча, тўғрироғи «Ром» дея бошланиб, бир неча мантиқсиздек туюлган жумлалардан иборат ёзувни





кўз олдига келтирди. У бу топилмани бир-икки кўздан кечириб, кейин жиноятга алоқаси йўқ, деган ўй билан, эътиборидан соқит қилганди. Ҳозир эса, жиноят тафсилотларидан топа олмаган мантиқни шу парчагина варақда кўргандек бўлаяпти.

Хаёлини бир жойга қўйиб, фикрини йиғиб, муаммага ойдинлик киритиш мақсадида, ётоқхона эшигини қанчалар оҳиста очган бўлса, шундай беозор ёпди-да, хонасига кириб кетди.

### 3

Акмал эрталаб жиноятга боғлиқ барча ҳужжатларни олиб кетганди, аммо ишхонага келиб ёндафтарчани столи устида унутиб қолдирганини сезди. Хуноб бўлмади, чунки ўшанда у дафтарчанинг бу ишга алоқаси йўқ деган қатъий фикрда эди. Ҳозир эса уни варақларкан, унутиб қолдирганим яхши бўлган экан, деб хурсанд бўлиб қўйди. Кейин, ўша жумбоқ сатрлар битилган жойни шошилмай ўқий бошлади: «Ром. Бургут боласи чумчуқ ўхшаб яшамас= қ|к. Олтин| чибин нафси ҳак-к отса ўргимчак тўр. туш. Ўз= бино қил/ уй = девор. ёриғи+ чаён чиқ. нишини санчимоқ бўла. Оёқ остинг. илон чумчуқ полапон. ютмоқ пайида Калтакесак думига бевафо. Бўталок тўпи+ ажра/ қ... гўшт/ чўқ...»

Акмал талабалик чоғи маърузаларни ёзиб олишга улгуриш учун қўлланиладиган белгиларни хотирасида тиклаб, матнни қайта-қайта ўқиди. Фақат чатилиб кетган сўнги сўзлардан бирини ҳисобга олмаганда жумлалар мазмунини деярли фаҳмлади. У қисқартма сўзлардан ҳосил бўлган маънони тоза оқ қоғозга қуйидаги тарзда ифодалади:

“Бургутнинг боласи чумчуққа ўхшаб яшамаслиги керак. Олтинлик чибин нафси ҳақалак отгани туфайли ўргимчак тўрига тушади. Ўзинг бино қилган иморат деворининг ёриғидан чиққан чаён нишини санчимоқчи. Оёгинг остида ўрмалаб юрган илон полапонингни ютмоқ пайида. Калтакесак думига бевафо. Туянинг боласи тўпидан ажраса қ... (?) гўштини чўқийди”.

«Бу ҳақиқатдан ҳам кимнингдир тақдирига очилган «ром», – ўйлади терговчи, кейин олдидаги оппоқ қоғозга: «Фолбин ким?» деб ёзди-да, катта сўроқ белгиси қўйди. «Буниси ҳали номаълум. Аммо у ўта закийлик билан мижозининг қисматини зарбулмасалда ифода этгани аён». Акмалнинг мушоҳадаси яна бир саволга бориб тақалди: «Мижоз ким?» “Мантиқан олиб қараганда, – фикрлашда давом этди Акмал, – мижоз ёндафтарча соҳиби. Демак, «ром» – сирли жиноят қурбони, бир кечада дом-дараксиз йўқолган Жобирбекка аталган”.

Акмал, юқоридагилардан келиб чиқиб, жиноятни очиш йўлини қуйидаги тенгламада изоҳлади: “Ёндафтарча билан «ром» бир одамга, яъни мижозга тегишли. Мижоз – жиноят қурбони Жобирбек!” деб қоғозга яна битта сўроқ белгисини қўйди...

### 4

Энди ҳурматли ўқувчиларимизга ҳикоямиз қаҳрамони Акмал ва у тергов олиб бораётган жинорий иш ҳақида ҳийла тўлиқроқ маълумот бериш пайти келди.

Акмал шаҳар ички ишлар бўлими терговчиси. Қорачадан келган, бўйдор йигит. Дзю-до билан боксдан ташқари, спортнинг шахмат турига ўта ишқибоз. Оилали, битта фарзанди бор. Яқинда, эскироқ бўлса ҳам, машина сотиб олди. Энг муҳими ўз ишининг устаси. Фаолия-

ти давомида унга топширилган бирон-бир иш очилмай қолмаган. Ухламаса-ухламайдики, лекин жиноятнинг тагига етмай қўймайди...

Шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг хонасида йиғилганлар бир неча номзодлар ичидан ана шу йигитда тўхталишди: “Менга маъкул!” – деди кўзойнакли барваста киши. Ҳамма унинг жавобини кутиб турганди. Аттестация комиссияси бир овоздан Акмалнинг номзодини шаҳар ИИБ жиноят қидирув бўлими бошлиғи лавозимига маъқуллади.

Ички ишлар вазирлиги Академиясида бир ой малака ошириб қайтган куни, уни зудлик билан шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи ҳузурига чақириб қолишди. Ўзига қолса, янги ҳафтадан янги лавозимда ишга чиқмоқчи эди. Оиласи билан қишлоққа ўтиб келишни мўлжаллаганди. Аммо ота-онасини зиёрат қилиб келиш режаси орқага суриладиган бўлди.

– Зудлик билан пойтахтга жўнайсиз, – деди шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, салом-алиқдан кейин, бирров ҳол-аҳвол сўраган бўлиб. – Бугун шаҳримиздаги нуфузли корхоналардан бирининг директори Жобирбекнинг бир ҳафтадан бери дом-дараксиз экани ҳақида маълумот олдик. Бизга унинг дўсти Шосалим мурожаат қилди.

Айтишича, Жобирбек «Ёшлик» пансионатида даволанишда бўлган. Бир ҳафта бурун хонасидан чиқиб кетганича қайтиб келмаган. Ҳозирча қўлимизда бор маълумотлар шулар. Сизга пансионат жойлашган туман милицияси кўмаклашади.

### 5

Акмал бу иш шу қадар чигал эканини дастлаб хаёлига ҳам келтирмаганди. Шу боис пойтахт аэропортидан таксига ўтириб, пансионатга кетаркан, хаёлини ўзга бир кечинмалар банд этганди: «Қизиқ, кеча кетгандим, бугун эса яна пойтахтдаман. Бу тақдирнинг тухфаси бўлса керак!». Ахир, бир ой малака ошириш даврида, бир-икки сайлгоҳга чиққанини эътибордан соқит қилганда, кўргани фақат Академия ҳовлиси-ю, машғулот хоналари бўлди..

Машина ойнасига юзини босиб, шаҳарни томоша қилиб борар экан, у Тошкентнинг бундан ўн йил бурунги кўриниши билан бугунги қиёфасини хаёлан муқояса қилди: «Жудаям ўзгариб кетибди. Йўллар кенг, равон. Йирик, муҳташам бинолар қурилибди».

Талабалик чоғи, квартира излаб шаҳарнинг айтарлик барча маҳаллаларига бош суқиб чиққан. Шундан шаҳарни жуда яхши биламан деб ўйларди. Ҳозир танимади. «Ажабо! Бор-йўғи ўн йил ичида шунча ўзгариш!»

Бирда ҳайрат, бирда таажжуб билан Юнусободга кета-кетгунча у кўзини ташқаридан узмади. Айтганча, ўн йиллик танаффусдан кейин малака ошириш учун Академияга келганида ҳам кадрдон ўқув даргоҳини танимай қолганди.

Такси ҳайдовчиси боядан бери миқ этмай шаҳарга маҳлиё бўлиб келаётган мижозига бир-икки қараб қўйди-да, радиоприёмникнинг мурватини буради. Тиниқ, дилрабо куй тарала бошлади. Ҳайдовчининг бу иши Акмалга хуш ёқди. Шу кез, беихтиёр таниқли ҳофизининг «Тошкент» деган кўшиғини эслади:

«Донингни еган чумчуқ қайтиб келар Маккадан»...

Машина пансионатга яқинлашиб, тезлиги секинлашди. Акмал кўшиқ таъсиридан чиқди. Идрокини энди дом-дараксиз кетган инсон тақдири билан боғлиқ кечинмалар банд эта бошлади. Жиноят содир бўлган ҳудудга қадам босаркан, хаёлидан кечган дастлабки фикр шу бўлди:

– Тирик бўлса қайтади, қайтмаса излаб топамиз!..

Акмал пансионатда «йўқолди» деб тахмин қилинаётган шахс билан боғлиқ барча тафсилотларни синчиклаб ўрганди. Даволовчи врач, навбатчи ҳамшира, ҳаттоки пансионат боғбони ҳам кўрсатма берди. Жобирбекнинг хонада қолган барча лаш-пушлари ашёвий далил сифатида олинди. Хулласки, криминалистлар, кинологлар, анализ олувчилар қилиши лозим бўлган барча ишлар бажарилди. Ҳамма сўроқ қилинди. Қизиғи шундаки, Жобирбек бир ҳафта ичида барчанинг назарига тушиб улгурган, «оққўнғил бойвачча», деган лақаб олишга ҳам муваффақ бўлган, аммо ғойиб бўлган кун уни ҳеч кимса кўрмаган.

– Бирам яхши одам эди бояқиш, пулдор эди, зинҳор кеккаймасди. Мартабали эди, аммо камтарин, пўрим кейинарди, – деди пансионат ходимларидан ёши ўтинқираган бир хотин.

– Қизларнинг ҳаммаси унга ошиқ эди: барчамиз унинг эътиборини қаратиш учун минг ўлиб минг тирилдик, – деди, бунақа гапларни ошқора, уялмай айтиши мумкин бўлган ҳамширалардан, сариқ соч, мовий кўзли киз Ирина.

– Одамга етмиш икки ҳунар ҳам оз эканини шу йигитда кўрдим, – деди боғбон, таассуф билан бош чайқаб. – Эссиз, эссиз! Рубоб чаларди, кўшиқ айтарди. Кези келганда боғ ишларига ҳам қарашиб юборарди. Ҳамма нарсага вақт топарди. Илоё жони омон бўлсин!..

Шосалим Жобирбекнинг жон дўсти, сирини ишонган кишиси. У деярли ҳар кун Жобирбек билан бирга бўларди. Кези келганда шотири, кези келганда маслаҳатгўйи – бир сўз билан айтганда омадли дўстининг ортидан соядек эргашиб юрар, садоқат билан хизматини қиларди.

Ўша кун унга телефон қилиб, дўстининг ғойиб бўлгани ҳақидаги гапни етказишганида, қутилмаган бундай совуқ хабардан эсанкираб қолди. Кейин, машинасини ўқдек учуриб Жобирбекнинг ҳовлисига келди.

«Аввал хотини, бола-чақасини бир оз тинчлантириш лозим, деган қарорга келдим. Ҳали воқеанинг моҳиятини билмай, эсларидан оғиб қолмасин, деб кўрдим, – деди тергов чоғи Акмалнинг сўроғига жавобан у. – Кейин Тошкентга қараб учдим. Жобирбекнинг ғойиб бўлганига уч кун бўлган экан. Пансионатдагилар аввалига бирор юмуш билан шаҳарга чиққандир, деб ўйлашган. Эртаси кун бир оз ташвишланишган. Учинчи кун, унинг хонасини очиб, шаҳарга чиққанида киядиган костюм-шими шкафда осиглиқ турганини кўришган. Унинг спорт кийимида шаҳарга чиқиши мумкин эмас, чунки ўта маданиятли инсон эди.

Пансионатдагилар, элбурутдан ваҳима кўтармаслик мақсадида, стол устида қолган қўл телефонида унинг уйига сим қоқишган. Телефоннинг ёнида ён дафтарчаси ҳам қолган экан. Телефон рақамини ўша дафтарчадан олишган. Мен Тошкентга келиб, Жобирбек бориши мумкин бўлган барча танишларни кўнғироқ қилдим. Сўраб-суриштирдим – ҳеч қаердан топмадим».

Шосалимнинг кўзлари намланди: «Уни ёлғиз қўймаслигим керак эди», – деди йиғламсираб, сўнг, «Эй худо қаёққа кетган бўлиши мумкин?» деб нола чекиб юборди.

– Сиз уни яқиндан билган ягона кишисиз. Охири пайтлари доимо ёнида юргансиз, айтинг-чи, унинг душманлари бормиди?

Терговчи, у томонга бир оз эгилди-да, бояги саволини бошқачароқ тарзда такрорлади:

– Кимдандир шубҳа, гумонингиз йўқми?

Шосалим, дўсти билан кечган дамларини, яхши-ёмон кунларини хотирлай бошлади.

Жобирбек оиланинг тантиқ фарзанди бўлиб ўсди. Отаси узоқ йиллар бетон заводининг директори бўлиб ишлагани боис, у улғайган рўзғорда етишмовчилик бўлган эмас. Шу боис болалик, ёшлик даврлари беташвиш кечди. Акаси Қодирбекдан фарқли ўлароқ, у ҳаётга энгил-елпи қарарди. Бу табиий ҳол. Отаси – Мурод Шомуродович, қатағон йилларининг зулмини бошидан кечирган, «қулоқнинг ўғли» деган тавқи лаънатни бўйнига осиб улғайган одам эди. Муштипар онаси билан, эшикма-эшик юриб тиланчилик қилган йилларини, очлик ва сувсизликдан лаблари гезариб жон таслим қилган онаизорини кўмишга кўмак сўраб қилган оҳу зорларини эслаб, баъзан кўнгли бузилиб кетарди. Шундай кезлари умр йўлдоши Гулсумбибининг елкасига қўлини қўйиб;

– Онаси, бизнинг болаларимиз, хорлик-зорлик кўрмайди. Мен тирик эканман, уларга бало-қазо яқинлашмайди! – дея ўзининг машаққатли ўтмишига ўчакишиб, тақдири азалнинг йўриқларини тан олмайгани сезмасди.


Кичик ўғил ана шундай тарбия таъсирида улғайди. Аммо катта ўғлининг ўлими, вақт измида эмаслигини, ҳаёт унинг иродасига бўйсунмаслигини кўрсатди. Оталик меҳри, топар-тутари болаларини хору зорликдан асради, илло балои қазодан асрай олмади.

Акасининг фожеали ўлимида эркатойи Жобирбекни айблади. Нафақадаги ота ўзига муносиб ўринбосар бўлиб етишиб келаётган тўнғич фарзандининг тобути устида: «Аканг ўлгандан кўра сен ўлсанг бўлмасмиди» дея нола қилганда, Жобирбек бир ёшга улғайди. Шу-шу отасининг кўзларида унга нисбатан совуқ бир назар қотиб қолди. Жобирбек узоқ йиллар ана шу қотиб қолган дийдани юмшатиш пайида бўлди. Отасининг пойига борини тўқди, ёшлиқдаги шўхликлари учун кечирим сўраб олдида тиз чўқди – фойдаси бўлмади. Отасининг сўник, ҳиссиз кўзларидан барибир бирор маъно ўқмади. У акасининг бевақт ўлими туфайли отанинг кўнглида армон бўлиб қолган ниятларини рўёбга чиқарганида ҳам, бетон заводининг директори бўлиб тайинланганида ҳам ота унинг муваффақиятларидан на қувонди, на тушкун дамларида дардақашлик қилди.

Жобирбекнинг балоғат даври жуда мураккаб кечди. Уйга кеч қайтадиган, ўзи билан албатта, бир ишқални бошлаб келадиган одат чиқарди. Маҳалла-кўй ундан безор, мактабнинг ҳам унинг ахлоқига бир талай эътирозлари бор эди. Аввалига унинг қилиқларини кўриб-кўрмасликка олдилар. Ахир отасининг ҳурмати бор. Кейин-кейин узунқулоқ гаплар отанинг қулоғига етиб борди. Насихат қилди: «Бола, ножўя ишларинг менинг мартабамага, йиллаб мисқоллаб йиққан обрўйимга раҳна солаётганини англамоғинг керак!».

Насихат кор қилмади. У ўз билганидан қолмади. Қайсидир бир овлоқда уч-тўртта безоринамо ошналари билан ожизроқ бир болани дўппослагани, тун ярмидан оққан пайт, мотоциклларини тириллатиб одамларнинг ҳаловатини бузиб, тинчлик бермаётгани ҳақидаги нохуш хабарлар, миш-мишлар йирик завод директорининг хонасига қабулхонада навбат кутмай кирадиган бўлди.





Ота дарғазаб, она икки ўртада кечаётган зиддиятдан дилгир бўлиб яшарди. Мактабни битирув кечаси ўқитувчилар жамоасининг кайфиятида икки хил ҳолатни кўриш мумкин эди. Улар бирда йиғлаб, бирда қувнаб кетишарди. Ўн йил мабайнида фарзандидек бўлиб қолган болалар бағрини тарк этаётганига хафалансалар, шодликларининг боиси кетаётганлар сафида Жобирбекнинг ҳам борлигидан эди чамаси.

Жобирбек пойтахтга кетди. Ўқишга кирди. Одамлар қизиқ-да! Жобирбек уларни тинч қўйса ҳам уни эслашдан, гапиришдан чарчашмасди: «Ўқишга кирибди, ё пирай! Ўзининг «уч»и биланми ё мансабдор отасининг кучи билан кирибдимикин?» деб маломат қилишди. Таажжубланарлиси шундаки, у институтга ўз билими билан кирди. Яхши ўқирди. Фақат, бўлмағур одатларини батамом тарк этмаганди. Янги йил байрами арафасида яна бир ишқал чиқди. Ишқалмисан ишқал! Деворий газетанинг байрам сонидида кимдир унинг номига ҳазил қилиб, икки қатор шеър битиб остига ярми хўроз, ярми товук сувратини чизган экан. Кўп қатори Жобирбек ҳам уни ўқибди.

*Билими зўр, калласига тож кийдирсанг ярашгай,  
Ишқали кўп, орқасидан тухум бўлиб қалашган!*

Шеърни ўқиб, аччиқланмади. Ҳатто “зўр” деб мақтади. Классика бўлиши учун фақат бир нарса етишмайди, деди у, кейин чўнтагидан «зажигалка»сини чиқазиб, «яхши асарлар ҳамиша гулханда ёнган» дея, газетани ёқиб юборди.

10

Жобирбек масаласи институт жамоаси ўртасида муҳокама қилинадиган бўлди. Отасини чақиришди. Комсомол комитетининг секретарига Жобирбек масаласини ёшлар ташкилотининг йиғилишида кўриб чиқиб, институт умумий йиғилишига тақдимнома киритиш топшириғи берилди. Хуллас, айблов мавсуми бошланди.

– Мен ҳеч қандай йиғилишга бормайман! – аламидан бўғилгудек бўлиб бақирди ота, телеграммани олиб кирган хотинига қараб. – Ҳайдашин! Унинг жазоси шу!...

Ноиложликдан «пиқ-пиқ» йиғлай бошлаган онасини тўнгич ўғил Қодирбек юпатди: «Дадамдан хафа бўлманг. Мен бориб кела қоламан!».

У ўша кеч машинасида Тошкентга жўнади. Борди, мажлисда қатнашди. Вазиятни юмшата олди. Жобирбек жамоадан расман кечирим сўради. Ректорат унга нисбатан ҳайфсан билан чекланди. Ҳамма нарса ўз жойига қайтди, фақат Қодирбек шу кетганича уйга қайтмади. Тўғрироғи уйга қайта туриб, Бахмал довоида машинаси ҳалокатга учради.

11

Акмал пансионатда қилиши лозим бўлган барча ишларни қилиб бўлгач, ортга қайтди. Тошкентдаги қидирув айтарлик натижа бермади. Калаванинг учи топилармикин, деб қилган барча уринишлари зое кетди. Шосалимининг ёрдамида Жобирбекни таниган, билган одамлар билан ўтказган суҳбатлари ҳам бесамар бўлди. Ҳеч ким шубҳага асос бўладиган бирор-бир ҳолатни кўрмаган, гумонга сабаб бўлгудек бирон сўзни эшитмаган.

«Тавба! Бутун бошли бир одам йўқолса-ю, ҳеч қандай из қолмас. Буғланиб кетмагандир, ҳарқалай!».

Суҳбат, сўровлар асносида Акмалнинг хаёлида нуқул ана шу саволлар чарх урарди. У бу саволларга жавоб топа олмай қийналар, аммо қачондир бу чигалларни ечишига ишонарди.

Қаршига қайтиб келгач, қидирув-тергов ишларини Жобирбекнинг оила аъзолари, яқин қариндошлари, уни таниган, билган одамларни сўроқ қилиш билан давом эттирди. Том-том маълумотлар йиғди. Иш устида, маҳалла-қўйда, тўй-ўчаларда ким билан гаплашган, ким билан чаплашган – барча-барчасини текширди. Заводлар уюшмасининг раиси Зулфиқоровни айниқса, алоҳида назорат остига олди.

– Мендан шубҳа қилишлари табиий, – деди Зулфиқоров ҳузурга ташриф буюрган терговчини очиқ юз билан қарши олиб, – чунки, ҳамма билади – Жобирбек кейинги пайтларда менинг ўрнимга номзод сифатида кўриниб қолганди.

Одамлар шивирлашиб юрган гапларни Зулфиқоров очикдан-очик тан олиб гапираётгани Акмални бир оз таажжублантирди. «Хушёр бўлиш керак» деди ичида, «Зулфиқоровни «қари тулки» дейишлари бежиз эмасга ўхшайди».

– Одамлар гапирaveraди! – Зулфиқоров котибаси чойнакни қўйиб чиқиб кетгунча жим турди-да, сўнг фикрини давом эттирди: – Билмаганлари учун ҳам гапиришади. Шунинг учун мен улардан хафа бўлмайман.

– Агар ташрифим билан сизни ранжитган бўлсам, узр! – ўнғайсизланди терговчи, кекса одамнинг ёзғиришларидан безовталаниб. – Мен ҳам айнан шу томонини ўйлаб ўзим ҳузурингизга келгандим.

– Аксинча, мен сизнинг чақиришингизни кутгандим. Ҳаттоки, бунга тайёрлангандим ҳам.

– Тайёрлангандингиз?

– Ҳа, тайёрлангандим!

Зулфиқоров ўрнидан туриб, иш столи тортмасидан бир китоб, бир тахлам газеталарни олди-да, келтириб Акмалнинг ёнига қўйди.

– Мана бу китобни Жобирбек ўтган йили чоп эттирганди. Мана бу газеталарда унинг бир қанча мақолалари босилиб чиққан. Биласизми, у кўприқсозликда бетон конструкциялардан фойдаланишнинг янги бир усулини ихтиро қилган.

Акмал киноларда, бадий асарларда олимларнинг кашфиётлари туфайли қандай кўргуликларга дучор бўлганликлари ҳақидаги воқеаларни кўп кўрган, кўп ўқиганди. Зулфиқоровнинг ҳикояси ўша томонга сирғалиб бораётгандек туюлди унга. Шундан ҳожати бўлмаса ҳам, ҳамсуҳбатига луқма ташлашдан ўзини тия олмади:

– Ихтиро?!

– Ҳа, чинакам ихтиро! Унинг иқтисодий самарадорлигини айтмайсизми?


– Агар сизни тўғри тушунган бўлсам, Жобирбекнинг сирли ғойиб бўлиши билан мана шу ихтиро ўртасида боғлиқлик бор, демоқчисиз?

– Ҳам ҳа, ҳам йўқ!

“Зулфиқоров кўпни кўрган одам. Фаолияти давомида кимлар билан мулоқот қилмаган у. Ҳамсуҳбатини Амуга оббориб, сув ичкизмай қайтариб келадиганлар хилидан. Ҳозир ҳам шу ўйинни ўйнамаяптимикин?”. Акмалнинг кўксига шубҳа ғимирлай бошлади.

– Кечирасиз, сизни тушунмадим?

– Мени тушуниш қийин. Яккаю ягона тушунган одам Жобирбек эди. – Зулфиқоров оғир «уф» тортиб хўрсинди. – Сиз мана буларга қаранг!



Акмал китоб ва газеталарнинг Зулфиқоров кўрсатган жойларини кўздан кечирди: «Азиз устозим, маслаҳатчим ва суянчиғим Зулфиқоровга! Ҳурмат ва эҳтиром ила...»

Бу ҳар бир мақола сарлавҳаси ёнида Жобирбекнинг ўз қўли билан ёзилган дастхати эди. Бу Жобирбекнинг иши юзасидан Зулфиқоровга нисбатан туғиладиган ҳар қандай шубҳани йўққа чиқарадиган асос. Ёки аксинча. Акмал калласида кечган бу каби мулоҳазаларни, кейинчалик тергов ҳужжатларига қуйидагича жумлаларда ифода этди: «Бу аччиқ ҳақиқат ёки ширингина ҳийла».

## 12

Гулчехранинг Жобирбек билан биргаликдаги ҳаёти болдан-да тотли кечиби келарди. Икки фарзандларини оқ ювиб, оқ тараб тотув яшашарди. Гулчехра гоҳи-гоҳи ўз бахтидан масрур бўлиб, ширин хаёлларга берилар, келишган, уддабурон, топармон-тутармон эрининг, бири-биридан ширин фарзандларининг сувратига боқиб, «Мен дунёдаги энг бахтли аёлман!» – деб мағрурланарди. Шундай кезлари оёғи ердан узулиб, еттинчи фалақда сузиб юргандек сезарди ўзини.

Бир йил муқаддам нима бўлди-ю, икки ўртадаги меҳр ришталари узилди. Ораларидан қора мушук ўтди. Жобирбек уйдан безиди. Гулчехра жиззаки бир аёлга айланди. Эрини ҳар гал Тошкентга сафарга жўнатаётганида очиқ юз билан кузатиб, очиқ чеҳра билан кутиб олувчи хотин, энди хайрлашиш ўрнига аччиқ-тизиқ гаплар билан тузлар, қайтганида киноя ва кесатик аралаш заҳар сочиб қаршилайдиган одат чиқарди.

– Нима бўляпти ўзи?

Жобирбек шу саволга дуч келса, ўзини тубсиз ўпқонга кулагандек сезарди: на кўздан, на заминдан кўним топмас. Ноиложликдан бу ҳақда ўйламасликка уринарди. Аммо бу безбет ўйлар хаёлига сўраб-нетмай кириб келаварарди: «Хотинига нима етишмаяпти ўзи?! Истагани муҳайё бўлса! Эрка, тантиқ бўлиб боряпти кундан-кун. Ношукр банда!».

Тиламчи узатилган кафтига бир нима ташламагунингча, ҳузурингдан нари кетмагани каби, Жобирбекни ҳам хотини ҳақидаги ўйлар сира тарк этмасди. Кўнглини безовта қилиб турган шилқим саволларни даф этишга жавоб топа олмай қийналарди. Тўғри, Гулчехранинг ҳеч нимадан ками йўқ. Егани олдида, емагани ортида. Рўзгор ташвишлари, бичиш-тиқиш, мол-ҳол, супир-сидир сингари юмушларни унутганига ҳам анча бўлди. Бу ишларни хизматчилар бажаришарди.

Гулчехра бир йил муқаддам тошкентлик бир жувон кўнғироқ қилган ўша кундан бери ҳаловатини йўқотди. Қулоқлари остидан ўша масхаромуз овоз, аёллик шаънини таҳқирловчи сўзлар кетмай қолди:

– Вой, қанақа аёлсиз, Гулчехра опа! – худдики дугоналардай самимий гап бошлаганди у. – Эрингизни сал совутиб, попугини пасайтириб жўнатсангиз-чи Тошкентга. Тўшақда нақ зилзила-я!

– Сиз кимсиз? – Эри ҳақида айтилаётган «мақтов»дан гангиб қолган Гулчехранинг толган гапи шу бўлди. – Телефон рақамини теришда янглишмадингизми, ишқилиби?

– Вой, Жобирбек акамнинг уйларими шу?

– Ҳа-а, шу!

– Мен эрингизни жазманиман! Сизга жоним ачиганидан телефон қилаяпман. Оилаларингиз бузилмасин, дейман. Кеча Жобирбек акамдан, «бунча аёлга ўчсиз – тўшақдаги ишлардан тўймайсиз, десам, дардларини ёрдилар: “Жоним, хотиним бор, аммо у тўшақда жонсиз

тарашанинг ўзи”, дедилар. Опажон, ўзингизга қаранг. Бўянинг! Агар, лозим бўлса, бир-иккита ишқий амаллар бор – ўргатаман!».

Нотаниш рақибасининг қолган гапларини тинглашга Гулчехра ўзида куч топа олмади. Гўшакни шахд билан отиб юборди. Ўтириб, роса йиғлади! Ўша куни илк бора бекаму кўстдек туюлган, аммо алдовлари билан уни шу кунгача лақиллатиб келган ҳаётга лаънатлар ўқиди. Кўнғлида эрига нисбатан бир адоват уйғонди.

## 13

Сакина қилар ишни қилиб қўйди-ю, кўнгли бир оз оғриди. Минг қилса ҳам аёл-да, қанчалар рост бўлмасин, беозор бир хотиннинг кўнглини ранжитгани чакки бўлди. Гўшакни жойига қўйиб, тўшақда ялпайиб ётган эркакка ўгирилди:

– Кўнглингиз жойига тушдимми?

Аёлнинг кайфиятидаги ўзгаришдан довдираб қолган эркак, қошларини чимирганча ўрнидан турмоқчи бўлган жазманининг билагидан тутиб тўхтатди.

– Жоним!

– Шу қилиб юрган гуноҳим учун ҳали дўзаҳда жавоб бераман. Буниси энди ортиқча! – бургутнинг чангалидан қутулмоқчи бўлган полапондек типирчилади у.

Эркак ўзини оқламоққа тушди:

– Кечиринг, кечиринг мени, жоним! – Кейин бир оз маъюсланди. Жувонда ачиниш ҳиссини уйғотмоқчи бўлди: – Мени ҳам тушунинг-да, ахир! Нима қилай, ўзим айта олмасам? Ўртага одам солишга мажбур бўлдим. Ҳаммаси яхшиликка-ку! Мақсадим, сиздек офатихон бўлсин дейман. Тўшақда тарашадек ётавермасдан, алангалансин, ёнсин дейман.


Жувон “ялт” этиб унга қаради. Бу нигоҳдан кўп маъно уқиш мумкин эди. Бу қарашларда, «ҳали сен мени ёнди, деб ўйлаяпсанми? Сенга ўхшаган ҳар бир бойваччанинг оғушида ёнаверсам – куйиб кул бўламан-ку! Сен аланга деб ўйлаган бу ёнишлар, аслида ясама, ичим тутунга тўлиб кетганини қайдан ҳам биласан? Сен каби овсарларнинг пулини шилиб олиш учун ёлғондакам ёниб, ёлғондакам чирсиллаётганимни тушунишга сенга йўл бўлсин!» деган ҳақиқат учқунлари бор эди. Эркак уни англамади. У ортиқ шакаргуфторликка ҳожат қолмаганини пайқаб, ваннага томон кетаркан: «Чўнтагимда бир даста пул бор! Сизга аталган!» деди. Сўнг «ол», деган маънода курсининг суянчиғига ташланган костюмига ишора қилди.

Жувон аввалига пулни олгиси келмади. Ҳали ҳам қилиб қўйган ножўя ишини ўйлаб, гарангсиб турарди: «Бечорада нима айб?» дерди ичида бир овоз уни қийноқ-қистовга олиб: «Сен ахир бу муҳораба майдонига фақатгина ўзингни қалқон қилиш учунгина тушгансан – унутма! Қоидани бузиб нима қиласан? Эркакларнинг найзасига қалқонингни тутиб юравермайсанми – бир беозор аёлга тиг санчганинг нимаси?».

Бўлар иш бўлди, деган хулосага келди у, охиратим куйгани аниқ, кунлигим куймасин ҳартугул, дея пулни олишга қарор қилди.

Костюмнинг ён чўнтагидан иккита паспорт чиқди. Ҳужжатнинг бири Жобирбекники, иккинчиси бошқа бир кишининг номида эди. Паспортларни жойига қўяркан, «бунақа одамлар нафақат хотинига хиёнат қилиб, бошқа тўшаққа киришдан қайтмайди, ўзига хиёнат қилишдан, бошқа ном, бошқа қиёфага киришдан ҳам тойишмайди!» деган ўй кечди хаёлидан. Кейин менга барибир эмасми,





деди-да, нариги чўнтақдан бир боғлам пулни олиб, сум-качасига солди. Тез-тез кийинди. Стол устидаги қоғозга шоша-пиша бир нималарни ёзди ва хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, меҳмонхонани тарк этди.

Ваннадан елкасига сочиқ ташлаб чиқиб келган эркак, жувоннинг кетиб қолганига таажжубланмади. Энди уни ё кўради, ё кўрмайди. Кейин стол устидаги хатга кўз тушди. Унда ката-катта ҳарфлар билан:

“Тўшақдаги тарашанинг ёниши учун эркакда бироз чўғ, жиччагина тафт бўлиши керак, ака!” деб ёзилганди. Эркак, суюқоёқ жувоннинг таъсирчан чиқиб қолганиданми ёки тузиб қўйган режаси бўйича яна бир иш силлиққина амалга ошганиданми, хандон отиб кулиб юборди.

## 14

Гулчеҳра ўша куни илк бор Тошкент сафаридан қайтган эрининг истиқболига пешвоз чиқмади. Совға-саломларни қўлтиқлаб уйга кирган эрига истаристамайгина салом берди. «Тан-жонинг соғми?» деб берган саволига эса: «Тарашадай тиришиб ётибман», деб бемаъни бир жавоб қайтарди. Жобирбек тушунмади, аммо ўйлаб ўтирадиган вақт эмас. Кўприксозлиқ бошқармасига чақиртиришибди. Германиядан мутахассислар келадиغان экан. Унинг лойиҳаси билан танишишмоқчи эмиш. Шундан у уйда узоқ қолмади. Телефондан хизмат машинасини чақиртирди-да, кўчага чиқди.

Жобирбекдан рухсат бўлган, машинани ўқдек учириб уйи томон кетиб бораётган Шосалимнинг қўл телефони жиринглаб қолди. «Оббо, – деди у тезликни бир оз пасайтириб, – уйга етиб боролмайдиганга ўхшайман».

Аммо у йўлдан қайтмади, кўнғироқ қилган Жобирбек эмас, Гулчеҳра экан.

– Тинчликми, янга?

– Салимжон, сиздан бир нимани сўрасам...

Гулчеҳра нимадандир иймангандай жим бўлиб қолди.

Фикридан қайтди чамаси.

– Сўрайверинг, янга!

– Сиз акангиз билан ҳамини биргасиз. Кеча кечқурун Тошкентда у киши билан бир жойдаминглар?

Шосалимнима дейишини билмай қолди. Гулчеҳранинг эри ҳақида биринчи марта сўраб-суриштириши: «Нима десамикин?». Борини бор ҳолича гапиргани маъқул. Қош кўяман деб, кўз чиқариб қўямасин тагин.

– Ҳа, кечгача бирга эдим. Кейин, меҳмонхонада қолдириб, бир-икки юмушларимни битириб келдим.

– Ёлғиз ўзлариними?

– Ҳа!

– Қайси меҳмонхонада?

– «Қурувчи».

– Мабодо сизда ўша меҳмонхонанинг телефон номери йўқми?

Шосалимда телефон рақами бор эди. Аммо бермади. Ишқалга аралашмагани маъқул. «Йўқ» дейишдан кўра бошқа усул қўллади.

– Маълумотлар бюросидан сўраб берайми?

– Йўқ! Ўзим сўраб оларман. Фақат сиздан илтимос, бу ҳақда акангизга гапириб юрмасангиз!..

Шосалим телефонни ўчириб, уловига газ берди. Машинанинг овози унинг сўзларини босиб кетди:

– Ўзингиз айтмасангиз, Шосалим бошини тигга тутадиган аҳмоқ эмас, янгажон!.

Вилоят ҳокимлигининг катта мажлислар залида тендер йиғилиши бўлиб ўтди. Унда воҳанинг бир неча ҳудудларида қурилиши мўлжалланган янги кўприк иншоотларининг лойиҳалари танловга қўйилди. Вилоят ҳокими ва марказдан келган казо-казолар тендер ғолиби бўлган лойиҳа муаллифи Жобирбекни қутлашди. Шу пайт ҳоким кўприксозлиқ бошқармаси бошлиғига лўқма ташлади:

– Ҳа, Муҳтарам Калонович! Нега қарсак чалмаяпсиз? Оғзингиздагини олдириб қўйганингизга хафамисиз ё? Ишлаш керак, ишлаш!..

Муҳтарам Калонович китоб жавонидаги ўша ҳолат акс этган фотосуратга боқиб, ўша воқеани яна бир карра хаёлидан ўтказди: “Бу жинқарча яна йўлимга ғов бўлди: вилоят кенгашига муқобил номзодлар эмишмиз. Тавба! Ким ўйлаб топди шу муқобилликни, билмайман! Бир камим энди шу бола билан беллашмаганим қолди. Янгилик яратган бўлса, яратгандир. Нима бўпти? Дунёда қанчадан қанча олим кўз кўриб, қулоқ эшитмаган мўжизаларни ихтиро қилапти. Бирортасиям вилоят кенгашига... дарвоқе, ҳамма жойда ҳар ҳил аталади-ку, сенатгами ёки думагами ураётгани йўқ-ку, ўзини?».

Агар телефон жиринглаб қолганида, Муҳтарам Калонович ҳайҳотдек кабинетда ҳали анча вақт қоққан қозикдек туриб қолган бўларди. Залворли столини айла-ниб ўтиб, ҳашаматли креслосига чўқди-да, истар-истамай гўшакни кўтарди.

– Ким бу?

– Муҳтарам Калонович, гўшакни ўзингиз кўтарганингиз яхши бўлди. Сизда муҳим ишим бор эди.

– Қабул куни шанбада! Рўйхатга ёзиллинг, марҳамат, гаплашамиз!

У яна нимадир демоқчи эди, бояги киши унинг сўзини бўлди:

– Бу сизнинг фойдангизга, сайлов масаласида.

Муҳтарам Калоновичга айни шу кунларда сайлов масаласи бош масала бўлиб турар, чамаси телефон қилган одам буни жуда яхши биларди. Узоқдан кўнғироқ қилмаган шекилли, рухсат бўлгач, кўп ўтмай кабинет эшигидан унинг боши кўринди.

Муҳтарам Калонович ҳамма нарсани кутган бўлиши мумкин, аммо буни кутмаганди. Шул боис ҳам кутилмаган бу ташриф уни довдиратиб қўйди: “Сиз?” деди у меҳмонни ёнидаги курсига таклиф этаркан.

– Ҳа, кўриб турганингиздек, мен!

– Мен билан қайси муҳим масалада гаплашмоқчи эдингиз?


– Сайловдаги рақибингиз Жобирбек масаласида, – деди бояги кимса, «рақибингиз» сўзига алоҳида урғу бериб. Кейин қўшиб қўйди: – Сизнинг фойдангизга албатта!..

## 16

Сакина ўзини излаб келган нотаниш кишилар билан аввалига учрашишни истамасди. Бугун дам оладиган куни. “Лоақал, бир кун эркаксиз яшайин, изн беринглар, баракка топгурлар!” – деди у телефон дастасини қўйишга чоғланаркан.

– Биз сиз ўйлаган масалада эмас, балки бошқа бир мақсадда сиз билан учрашмоқчимиз.

– Бошқа масалада? – ҳайрон бўлди у. – Менинг шундан бошқа иш қўлимдан келмайди.



Шундан сўнг, келганлар Жобирбек ҳақида гап-лашмоқчи эканликларини билиб, кўришишга рози бўлди.

– Келинлар! Манзилимми? “Қорасарой , 193”, – деб у нотаниш меҳмонларни уйига таклиф қилди.

– Жобирбекни номини эшитса хотинларнинг иштонбоғи ечилиб кетадиган бўлибди. – Киноя қилди Сакинанинг чоғроққина ошхонасидан жой олган икки меҳмоннинг бири. – Мана, сиз ҳам биз билан учрашмоқни хоҳламай турган эдингиз, унинг номини эшитишингиз билан қарорингиз ўзгарди қўйди.

– Жобирбекнинг бу фронтда ҳам машҳур эканини билмаган эканмиз, – масхараомуз жилмайди иккинчи меҳмон, чой дамлашга тутинган Сакинанинг калта кўйлаги остидан кўриниб турган оппоқ, силлиқ сонига ишора қилиб.

– Ўша муттаҳамнинг номи ўчсин! – Жиғибийрони чиқди Сакинанинг.

– Ий-е, тинчликми? У киши вилоятимизнинг нуфузли катта амалдорларидан – ҳурматлари зўр! – Атайин уни алқаган бўлди иккинчи киши .

– Бир гал ишрат қилгандик. Ҳотамтойлик қилиб қўлимга бир даста пул тутқазди. Ўшандаёқ кўнглим сезганди-я, олмасам бўларкан. Ясама экан пуллари.

– Йўғ-э, наҳотки? У кишининг шунақа қилиқлари ҳам бор эканми ҳали? – росмана ҳайратланган бўлди иккала меҳмон.

– Вой, сизни алдаб фойда топаманми? – Сакина чой кўйиб узатаркан, ҳикоясини давом эттирди. – Пуллари «кўк»ига алмаштирмоқчи бўлиб, яхшиям банкда ишлайдиган дугонамга борган эканман. Акс ҳолда, вой-бўй, шармандаликни кўринг эди. Ҳай майли, муддаога кўчайлик, – жиддийлашди Сакина, – манда нима ишларингиз бор эди?

– Биласизми, ўша Жобирбек деганлари ҳақиқатан ҳам бузуқки бир муттаҳам одам! Лекин... лекин, нимагадир шу кунларда ошиғи олчи. – Меҳмонларнинг бири сўзлари Сакинага қандай таъсир қилаётганини билмоқ учун бир муддат жимиб қолди. Кейин чой хўплади. Қараса, Сакинанинг вужуди қулоқ. Давом этди: – Шу одам бир акахонимизнинг йўлига ғов бўлиб, сайловга халақит беряпти. Шунга бир оз ёрдамнинг керак .

– Очироқ сўзлайверинг, нима қилиб беришга мумкин?

– Битта мактуб битиб берсангиз, – тилга кирди меҳмонларнинг иккинчиси, – ўша ишрат кечаси билан боғлиқ воқеаларни, ясама пул ҳақида ҳам.

Сакина ўша куни Жобирбек хотинига телефон қилдиргани учун бир хафа бўлган бўлса, берган пуллари сохта чиққани учун хафалиги очикдан-очик адоватга айланганди. Шундан у бир оз иккиланди-ю, лекин таклифга кўнди. Хатни бошлашга бошлади-да, кейин бир нимани эслаб, таққа ёзишдан тўхтади. Эркаклар саросималаниб қолишди.

– Бунинг менга зарари тегмайдими?

– Ишонтириб айтаманки, йўқ! Бу фақатгина унинг ўзига кўрсатилади. Номзодини сайловдан олса, бас! Шундан кейин бу хатнинг бир чақалик қиймати қолмайди.

– Унғача-чи?

Сакинанинг қочирими ўринли бўлди. Шу кез меҳмонларнинг бири: «Ҳа-я, унутибман», деди-да, юз долларлик қоғоздан учтасини столнинг устига чиқариб қўйди. Сакина меҳмонларни кузатаркан, яна бир нима эсига тушди:

– Дарвоқе, телефонимни кимдан олдингизлар?

Эркаклар аввалига бир-бирларига қараб жилмайишди. Сўнг бири: «Сиз билган Жобирбекдан!» – деди. Сакина тушунмай, елкасини қисди. Кейин: «менга барибир эмасми», деди-да, эшигини ёпиб олди.

17

Жобирбек Шосалимни дўст деб ғоят қадрларди. Шосалим вилоят марказидан узоқроқда ўсиб улғайди. Оилада ёлғиз ўғил бўлгани сабаб ҳарбий хизматни Қаршида ўтади. Кейин маълум бир муддат қишлоғига кетди. Уйланди. Отасининг қирқини ўтказиб, эр-хотин шаҳарга кўчишди. Бетон заводига ишга кирди. Ўшанда Жобирбек цех бошлиғи, Шосалим унинг кўл остидан оддий ишчи бўлиб ишларди.

Бир сабаб бўлди-ю, Жобирбекнинг меҳрини қозонди у. Ўшанда кечки пайт цехда электр симларининг қисқа туташувидан ёнғин чиқди. Иш вақти тугаган бўлишига қарамай одамлар кўплашиб ўтни ўчиришга муваффақ бўлдилар. Оловни-ку, ўчиришга ўчиришди, лекин эртага цехга комиссия келиши керак эди. Бу аҳволда цех бошлиғининг ҳолига вой: камида қаттиқ ҳайфсан олиши турган гап. Шунда, унинг жонига Шосалим оро кирди:

– Оғайнилар, – деди у, ўзи каби оддий-оддий ишчиларга қарата, – цехнинг обрўйи ўзимизнинг обрўйимиз. Агар бир кечанинг баҳридан ўтсак, ҳамма нарсани жой-жойига қўйишимиз мумкин. Мен кечга қоламан, ким таклифимни қўллаб-қувватласа – қолсин; хоҳламаганлардан ранжиш йўқ.

Жобирбекнинг кўзига Шосалим шу лаҳзаларда нажот қалъаси бўлиб кўрингандир. Ўзи бундоқ таклифни ўла қолса киритишга журъат этмас, ўзининг обрўйи учун ишчиларни кечки сменада ишлата олмасди. Аммо бу ташаббусни оддий ишчи йигитнинг кўтаргани айнаи муддао бўлди. Кимдир истаб, кимдир истамай, лекин ҳамма ўша кеча цехда ишлаб чиқди. Жобирбек эрталабга яқин ҳамма ишлар қилиб бўлингач, барчани кечқурун уйда кутажани айтиб зиёфатга чорлади.

Меҳмондорчилик жуда қуюқ бўлди. Жобирбек кундузи келган комиссия цех фаолиятини юқори баҳолаганини айтиб, барчага миннатдорчилигини билдирди: “Сизнинг бу фидойиликларингизни ҳеч қачон унутмайман”. Кейин уйига кириб тугунча қилиб боғланган ўнта чопон кўтариб чиқди. «Кўйинг-кўйинг» дейишларига қарамай барчага тўн улашди. Меҳмонлар кетар чоғи, ҳамма билан кучоқлашиб хайрлашаркан, Шосалимнинг енгидан тортиди-да: «Сиз бир муддатга қолинг», – деди шивирлаб.


Шундан кейин шу каби ҳолатлар кўп бор тақдорланди. Жобирбек ҳар бир ютуққа эришганида, мансаб пиллапояларидан кўтарилганида қадрдон жамоасини зиёфатга чорлаб, ҳар гал меҳмонларни кузата туриб Шосалимни алоҳида олиб қоларди. Заводга директор бўлган куни ҳам шундай бўлди. Меҳмонлардан ажралиб, ҳовлига қайтиб киришгач Жобирбек унинг тирсагидан тутиб, ҳовли чеккасида усти брезент билан ёпиб қўйилган машинанинг ёнига етаклаб борди. Кейин чўнтагидан калитини чиқазиб, унинг кафтига қўйди.

– Машина муборак бўлсин!

– Менгами? – Шосалим росмана ҳайратдан довдираб қолди.

– Бу ҳали ҳаммаси эмас! – Жобирбек энди уни зиёфат столи томонга етаклади. – Эртадан бошлаб хизмат машиналаримдан бирини қабул қиласиз – ўнг қўлим бўласиз. Узоқ сафарларга, айрим шахсий ишларда ҳамроҳлик қиласиз.





Шосалимининг бошига омад қуши, тўғрироғи омадининг эгизак қушлари кўнганди. Шундоқ қимир этса, омад қушлари учиб кетадигандай қотди-қолди у.

18

Гоҳ у иш билан, гоҳ бошқа бир юмуш билан Тошкентга қатнашга тўғри келарди. Кейинги пайтлари йўл азоби сезила бошлади: «Толиқиб қолаяпман, ҳалитдан!».

Жобирбек, машинанинг орқа ўриндиғида, ёнидаги юмшоқ ёстиқчага ёнбошлаганча хаёл суриб борарди. Ташвишлар ҳам кўпайиб кетди. Тавба! «Катта йўлнинг катта бўлар муаммолари» деб тўғри айтишган экан. На уйда ҳаловат бор, на ишда тиним. Бир томондан муваффақиятларга эришиб завқланасан киши, бошқа бир томондан дилни хира қиладиган ишлар.

Айниқса, бир ой бурун сайловлар даврида Муҳтарам Калоновичдек одамнинг тарафдорлари тарқатган бўхтон ақлга сиғмайди. Наҳотки, одам боласи бир-бирига шу қадар разиллик қила олса?! «Айниқса, Муҳтарам Калоновичнинг сайловчилар билан бўлган учрашувда қандайдир уйдирма мактубни дастак қилиб, мени ёмонотлиқ қилмоқчи бўлгани шундай одамга муносиб иш бўлмади. Ҳалиям, сайловчиларимга раҳмат. Ҳаммалари оддий одамлар, лекин ким қаяққа юр деса, эргашиб кетадиганлардан эмас. Айниқса, анави ўқитувчи амаки созлади-да!»

Жобирбек Сакинадан номаълум одамлар ёздириб олиб, ўқувчиларимиз учун анчадан буён нотаниш қолиб келаётган бир нусха, Муҳтарам Калоновичнинг кабинетига келтириб пуллаган мактубни сайловчиларга ўқиб бергач, мунозара учун минбарга чиққан кекса мактаб ўқитувчисининг сўзларини эслади.

– Мен адабиёт ўқитувчисиман, – дея ўзини таништирганди у. – Мавзу бериб, ўқувчиларимга иншо ёздирарман. Текшираман. Баҳолайман! Энг яхшиларини кўпчиликка ўқиб бераман. Муҳтарам Калонович, мени кечиринг-у, кўлингиздаги мактуб сизнинг ўз ўқувчингизга ёздирган иншоингиз бўлса керак. Мавзунинг ўзингиз берган бўлсангиз керак!..

Мажлис аҳлига айна шу гап керак бўлиб турган экан, гулдурас қарсақ чалиб юборишди.

«Шундай чоғлари Гулчеҳра менга таянч бўладими десам, унинг муносабати тамоман тушуниксиз. Кейинги пайтлари болаларнинг ҳам юриш-туришлари ўзгарган. Гулчеҳра таъсир ўтказаяпти назаримда. Лекин, нега? Нима учун?». Айниқса ўтган гал Тошкентдан қайтганидаги ҳолат уни тамоман лол қилди. Гулчеҳра унга қовоғини солиб салом бергани ҳолда, Шосалимга жилмайибгина, «Яхшимисиз?» деди. Болалар-чи, дадам келдилар деб эмас, Шосалим амаким келдила, деб кўчадан югургилаб киришганида, Жобирбекнинг ичидан бир нима «чирт» этиб узилгандек бўлди.

Жобирбек хаёлида кечган ёмон бир ўйдан сапчиб тушди. Бамайлихотир рул бошқариб бораётган Шосалимга шубҳали нигоҳ ташлади. Кейин ўз ишидан ўзи уялиб кетди: «Унда нима гуноҳ! У бечора ўз ишини қиляпти. Гулчеҳрани янга деб ҳурмат қилиши, болаларимни амакидек яхши кўриши табиий-ку! Айб ўзимда, иш деб, отамнинг кўнглини юмшатаман деб оиламдан эътиборимни, меҳримни аяганга ўхшайман! Бунга чек қўяман албатта!».

У рўзғори шундоққина кўз ўнгида эски девордек нураб бораётганини кўриб турарди. Фақат уни таъмирлашга, сақлаб қолишига ишонгани ҳолда ҳозирча вақт топмаётганди. Ҳозир ҳам қатъий бир қарорга кела олмади.

Гулчеҳра одобли бир оила фарзанди эди. Дилидаги ҳадеганда тилига чиқавермасди. Ўзи билан ўзи куйиб, жизғанақ бўлиб юраверарди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Эрига дардини дастурхон қилиб ёзса, эътирозларини айтса бўларди. Гарчи эрининг ишидан кўнгли дарз кетган, энди уни чегалаб бўлмаслиги кундек равшан бўлса ҳам тўлиб кетган юрагини бир оз бўшатиб олиши мумкин эди! Йўқ! У яна жим. Сўз демас, киноя-ю, кесатикларини, зарда-ю идаоларини нигоҳларида жамлаб отгани-отган. Жобирбек эса бу каби боқишлар тилсимини еча олмай хуноб эди.

Ўша нотаниш жувон кўнғироқ қилган кунлари сиқилиб юрган Гулчеҳра ота-онасини кўргани борди. Қанчалик яширмасин, онаси унинг ичида бир дард борлигини сезди.

– Рўзғоринг тинчми ўзи, қизим? – сўради она безовталаниб.

Гулчеҳра шу жойда ўзини тутиб тура олмади. Бир неча кундан бери сассиз йиғлаётган юракнинг сирини кўзлари фош этиб қўйди! Онаси унинг дардларини тинглагач, қизини юпатди:

– Бу ҳар бир аёлнинг бошида бор қисмат! Эракка киши уйдан етти қадам узоқлашдимми, бўйдоқ ҳисобланади. Шунга кўникишинг керак! Биз-ку, оддий одамлармиз, ҳатто пайғамбаримизнинг хонадонларида ҳам шундай можаро бўлган.

– Қандай можаро? – Гулчеҳра ажабланиб онасига боқди.

– Ҳазрати Алининг хотини Фотима онамиз, биласан, пайғамбаримизнинг қизлари бўлган. Эрлари устиларига хотин олмақчи бўлганларида, ичларига бир қалтироқ кирибди. Бу ҳақда оналарига, оналари оталарига айтибдилар. Шунда пайғамбаримиз (С.А.В): «қизинг чиқиб дарахтни қучсин, қалтироғи қолади», деган эканлар. Фотима онамиз, ўшанда бир улкан теракни қучган эканлару, қалтироғлари теракка ўтган, дейишди.

Ривоят Гулчеҳрага бир оз бўлса-да таскин бўлди. Онасининг сўзларидан тасалли топиб, уйга қайтди, хиёнатни кечирди ҳам. Лекин, эрига кўзи тушди, дегунча, унинг ўзга бир аёлга хотинининг ҳиссизлигини сўзлаб турган ҳолатини кўз олдига келтирар, ўз-ўзидан хомуш тортар, истамаса ҳам эридан жиркана бошларди: «Наҳотки нунта олмасам?». Бот-бот ўзига ана шу саволни берад, ахир бунақада бирга яшашдан маъно йўқ-ку, дея даҳшатга тушарди. Кейин онаси сўзлаб берган яна бир ривоятни эслади.

Одам билан чўчка дўстлашишибди. Чўчка дўстини уйига меҳмонга чақирибди. Дастурхон ёзиб, топган-тутганини олдига қўйибди. Кейин бир оз мақтов олиш илжинида, «Қандай?» – деб сўрабди.

– Ҳаммаси яхши, гап йўқ! – дебди одам. – Фақат, уйинг бир оз сассиқ экан.


Одамнинг нонкўрлигидан чўчка жаҳлланибди. Зиёфат муштлашув билан тугаб, чўчқанинг боши ёрилибди. Дўстлик ришталари узилиб узоқ вақт юз кўрмас бўлиб кетишибди. Йиллар ўтиб, алоқалар яна тикланибди. Энди одам уни уйига чорлабди. Меҳмон қилибди. Кейин, хижолат ичра сўрабди:

– Дўстим, бир вақтлар бошингни ёриб қўйгандим. Жароҳатинг битиб кетдимми?

– Жароҳат-ку, битиб кетди, аммо, – дея оғир хўрсинибди чўчка, – уйинг сассиқ деганинг ҳеч эсимдан чиқмайди.

Гулчеҳра баъзан эрининг сувратини кўлига олиб, «Азизим, нима қилиб қўйдингиз ахир? Хиёнатингизни кечирдим, – ўкириб-ўкириб йиғларди у, – аммо «пуп, сассиқ», деганингизни унутолмайман, унута олмаяпман!»...

*Давоми 16-бетда.*



# Ў дҶоёаò ì ëäèí äà òóòèääè м àèèè

**Ориф ТЎХТАШ**

## САРҲИСОБ

*Сўнгимни билмадим.*

*Аввалим аён –*

*Ҳануз ёдимдадир болалик пайтим.*

*Кейин ўсмирликни кузатдим шоён,*

*Кўз очиб юмгунча улгайдим.*



*Чорак аср яшаб кўйганим ҳақдир,*  
*Тайин ҳеч нарсага улгурмаганим.*

*Яна нелар ваъда қиларкан тақдир?*

*Вақтнинг ҳисобида ҳар бир қадамим.*

*Кунлар шиддатидан учоқлар ортда,*  
*Тонг отар, кун ботар – яна ой сайри.*

*Йиллар пешонамга қаламин тортар,*

*О, у битикларни ўқиб бўлсайди!*

*Бир инсон умрининг мазмуни шулни:*  
*Тугилмоқ.*

*Шошилиб яшамоқ.*

*Кейин...*

*Қачон эркалаймиз манов кўнгилни,*  
*Унинг сўроғига мен нима дейин?*

*Қаранг, у кўксимни ургани-урган,*  
*Нола қилолмасдан тили йўқ қушим.*  
*Унга уқтириб ҳам бўлмайди бир гап,*  
*Десам: фурсатим йўқ, сабр қил, тушун!*

*Аммо англагандай бўлар баъзида,*  
*Ҳатто ҳозир мана шайти сусайди.*  
*Эътибор қилолмам эътирозига,*  
*Билганим – у мендан недир тусайди.*

*... Сўнгимни билмадим,*  
*бугуним бекор,*  
*Бесамар кечмоқда ҳар лаҳза, пайтим.*



*Ёзганларим эса шунчаки ошкор –*  
*Юрак саволидан тугилган айтим!*

## ҲАСРАТ

*Дунё деганлари дирҳамми, она,*  
*У тўкис эмасми, бир камми, она?*  
*Юклари эзди-ку елкамни, она,*  
*Дардли дунёсида таскиним қани?*

*Билмасангиз, девдим мушуқларимни,*  
*Лек буткул йўқотдим хуш кунларимни.*  
*Заҳри ўтди кузак, қиш кунларимнинг,*  
*Баҳор куним қани, ёз куним қани?*

*Шеърингни тингламас шовқин шаҳарлар,*  
*Шомга ўхшаб борар берух саҳарлар.*  
*Одамлар кулғуни қайдан топарлар?*  
*Бугун ўша шавқим, тошқиним қани?*

*Ўзимни алдайман, сизни алдайман,*  
*Бунда «севдим», деб бир қизни алдайман.*  
*Энди кўзингизга қарай қандай ман,*  
*Ёлгон яшайман, рост куним қани?*

*О, бу сўзни не деб айтай онажон?*  
*Олисдаман, уйни ташлаб – жонажон.*  
*Ёнимдадир қозоғ, қалам, кўч-кўрон,*  
*Аммо... кўнгил деган рост иним қани?*

*Уни излаб хунобдирман кун-у тун,*  
*Қишлоқда қолдирдим балки унутиб.*  
*Онажон, келсангиз бирор кун ўтиб,*  
*Фақат шу... кўнглимни менга илиниб,*  
*Шаҳарга йўл олинг, қоларман кутиб,*  
*Сиз ва ундан бўлак таскиним қани?!*



## СЕН КЕТДИНГ...

Сен кетдинг.

Ва лекин кетаринг олди –  
Дединг: «Бўлди. Тамом! Нуқта кўйинг, бас!»  
Ортиқ саволларга на ўрин қолди...  
Билдикки, тақдирнинг ҳукми ўйинмас.

Мен қотдим.

Осонмас алвидо демоқ,  
Ортингдан термулиб, кўзим ёшланди.  
«...Нуқта кўйинг, тамом!» дединг-у бироқ –  
Мен учун ҳаммаси... кейин бошланди!



## ОТАМГА

Ота, юзингизга тушган ажиннинг –  
Ҳар бири менинг ҳар шўхлигиммиди?!  
Бу оқ толалар-чи? –  
Олисда юриб –  
Ҳар дам ёнингизда йўқлигиммиди?

Ўқиб, одам бўлгин, – дердингиз кўпроқ,  
Ҳали-ҳамон илм-у толибман, ота.  
Бугун сочингизнинг тенг ярми оппоқ –  
Бўлганин ҳам сезмай қолибман, ота!

Биламан, қишлоқнинг ишлари талай,  
Кеч тугаб, бошланар саҳармардондан –  
Мен бугун шаҳарда юрибман ҳай-ҳай,  
Ёлғиз ўғил бўлиб, бермасдан ёрдам.

Бугун зиммангизда буларнинг бари,  
Сизга кўмакдошлик қила олмадим.  
Орзулар олдинда турибди ҳали,  
Етиб бўлармикан, била олмадим?!

Аслида, қишлоққа ошиқар юрак,  
Аслида шаҳарга йўқдир тоқатим.  
Ўз-ўзимга сабр-у қаноат тилаб,  
Ёзиб ўтирибман мусофир хатим.

Ота, юзингизга ярашмас ажин,  
Ота, бардам бўлинг, суянганим – Сиз!  
Ёқалари текис, юраги гижим –  
Бўлиб юрган бу мен – шоир ўғлингиз!

## РОЗИМАН

Согинчи ўртайтиди.

О, нечук дамки –  
Болалик қолдирган издан розиман.  
Келар кўкламларга кўз тутсам ҳамки,  
Ўтган баҳорларим, Сиздан розиман!

Етишдим умримнинг чорак асрига,  
Хотира қайтарар дилни аслига,



Томирларим тўташ ҳар бир фаслига –  
Югурган ёз-у қиш, кўздан розиман.

Бепоён ўлкамнинг бағирларида,  
Тогни елкалаган адирларида,  
Ҳислар териб ўсдим ёмғирларида,  
Пойим ўпган дала-туздан розиман.

Нимадир ялт этди тафаккуримда,  
Унга бўлсин меҳрим, ташаккурим-да!  
Сўзлар билан қолдим яшаб, умримда,  
Кўнглимни қуришаган сўздан розиман.

... Билмам, қанча фурсат бўлолдик ҳамдам,  
Сўнг юзим саргайди фироқдан, гамдан.  
Майли, қалбим, яна минг бора алдан,  
Ўша...  
алдаб кетган Қиздан розиман!

## ЮРАГИМ СЕНИКИ . . .

Юрагим сеники – нима қилсанг қил!  
Ихтиёр сендадир, сендандир ҳукм.  
Кўксим кенглигидан келиб кўрган қур,  
У менга қалб, сенга ватандир чунки.

Озод яшагайсан унда, азизам,  
Ёғийлар дастидан чекмагайсан дард.  
Бутун мамлакатинг узра мен ўзим –  
Хитой деворидан мустаҳкам сарҳад.

Барча балоларга ўзим нишонман,  
Тошми у, найзами ва ёки ўқми?..  
Юртинг осмонида учмас, учолмас,  
Шундай экан, нечун ҳадик ва кўрқув?!

Баралла кўшиқ айт ишқинг мадҳида,  
Жаннатий бир кўркка бўлурсан шоҳид.  
Ҳеч ким халал бермас, гоҳи-гоҳида  
Борса меҳрим борар дарвозанг қоқиб.

Унда ўй сурасан тиниқ, бокира,  
Ҳузурингда баҳор, тегранг лолагун.  
Қўлгичингга чопар лабинг соҳили,  
Бахтнинг кучогида масрур малагим!

Кипригинг қитиқлар туйғулар тонги,  
Шафақдаги шеър ҳам сенга аталган.  
Ватан сеникидир, сен учун мангу,  
Сен қандай кечасан бундай ватандан?!

... Бир умр сен билан яшагим келди,  
Бироқ мени қийнар шундай эҳтиёж:  
Менинг ватанимни топиб бер энди,  
Менинг мамлакатим дарвозасин оч!



Шосалим Жобирбекнинг яна бир сиридан воқиф ягона киши эди. Ўтган йили марказий газеталардан бирининг мухбири заводга келганди. Жобирбек билан суҳбатлашди. Нималарнидир ён дафтарчасига ёзиб олган бўлди. Мулоқот асносида, “ҳамма ёқни бетонлаштириб юборибсиз-ку, табиат қўйнига ҳам чиқиб турасизми?”, деб сўради. Жобирбек бундай илмоқли гапларни тезда фаҳмларди. Дарҳол тоғли Яккабоғ оромгоҳларидан бирида дастурхон тузашларини буюрди. Завод цехларини айланиб чиқишгач эса, мухбир қизни бир пиёла чойга тақлиф этди.

Тоққа Шосалимнинг машинасида чиқишди. Зиёфат қизигандан қизиди. Даврада Жобирбек, мухбир ва Шосалимдан ташқари яна икки киши бор эди. Улардан бири қўрада кабоб пиширарди. Иккинчиси эса қозонда гўшт қовуриб турар, дастурхондаги таомларни янгилаш ва бошқа майда-чуйда юмушлар ҳам уларнинг зиммасида эди.

Шосалим ўртада ўтириб қадахларни тўлатар, гоҳ директорни мақтаб, гоҳ мухбирни алқаб “тост” сўзларди. Зиёфат авжида, каллалар ҳам қизиб, ўртага уят латифалар ҳам аралаша бошлади.

– Роса қизиб кетдим, – деди қиз катта пиёлани Шосалимга узатиб. – Менга муздеккина сув беринг!

– Чалоп тайёрлаб бера қолай, иссиқнинг тафтини олади! – деди Шосалим, қизнинг жавобини ҳам олмай, чалоп тайёрлашга тутинаркан.

– Чалоп? У нима? – қизиксинди қиз.

– Саволингиз менга бир воқеани эслатди, – деди Жобирбек, ширакайф кўзларини зўрға очиб. – Собиқ Иттифоқ даврида вилоят раҳбарларининг иккинчи котиблари, биласиз, рус миллатига мансуб кишилардан бўларди. Бир гал ана шу котиб райком секретари ҳамроҳлигида тоққа чиқибди. Чорвани кўрибди. Ҳаво иссиқ; куёшнинг тафтидан лоҳас бўлиб, катта бир тошнинг устига ўтириб олибди. Кейин ҳузурида қўл қовуштириб турганларга қарата: «Такка чиқдик азиб-язиб. Энди битта жалаб бўлса, би-и-р маза килардик», дебди.

– Нима, нима? Жалаб? – қийқириб юборди қиз.

Унинг ҳикоядан таъсирланиб кетгани даврадагиларга хуш ёқди. Мақсад ҳам ўзи шу! Мухбирнинг кўнглини овлаш керак. Корхона ҳақидаги таассуротлари, аслида мана шундай даврада шаклланади.

– Ҳа, жалаб, дебди. Ўзбек тилини бузиб гапирар экан-да! – ҳикоясини давом эттирди Жобирбек, янада дадилланиб. – Хуллас, каттанинг гапи гап! Бажариш керак. Райком секретари хўжалик раҳбарини чеккага тортибди.

– Қишлоғингизда жалаб борми?

Хўжалик раҳбари «йўқ» деган маънода елка қисибди: «Ўзимиз ҳам онда-сонда Қаршидан опкеламиз! Биттаси бору, ўрта ёшли хотин, лекин ўрисга кўнармикан – билмайман».

– Боринг. Кўндиригиз! – қатъий буйруқ берибди райком секретари.

Хўжалик раиси қишлоқдаги якаю-ягона бева аёлни авраб-савраб, сочини қатикқа ювдириб, қошига ўсма қўйдириб олиб келгунча бир оз вақт ўтибди. Вилоят раҳбари эса, бот-бот безовталаниб, «Бир жалаб олиб келиш шунча кийинми? Бизни хатинлар буни тез бажаради», деб кўяркан. Ниҳоят раиснинг қораси кўринибди-ю, райком секретарининг елкасидан тоғ қулагандек бўлибди.

– Мана, айтганингизни бажо қилдик, – дебди хўжалик раиси, ёши етмишлардан ошиб қолган ўрис амалдорга, ўрта ёш жувонни рўпара қилиб.

– Нима бу? – сўрабди амалдор, кўзлари ола-кула бўлиб.

– Буми? – ҳайрон бўлибди хўжалик раиси. – Бу сўраганингиз – жалаб! – Кейин, бева аёлга ҳадиксираб қараб, «кечирасан, Потма!» дея узр сўраб қўйибди.

– Ҳей, калла! – дебди ўрис амалдор. – Чорвада ишлайсан, жалабни билмайсан? Катикни оласан, чашкага соласан. Сув қуясан, ложка билан чаласан – жалаб бўлади.

Мухбир қиз латифанамо бу ҳикоядан қотиб-қотиб кулди. Қийқириқлар латифага, латифалар қадахларга уланиб кетди.

Эртаси куни тонгда Жобирбек зил-замбил калласини кўтариб, ўзини илк бор нотаниш тўшақда кўрди. Кейин бир неча кун ўзидан ўзи жирканиб юрди. Бир-икки ой ўтиб, ўша кўнгилисиз воқеани энди-энди унута бошлаганди, Тошкентдан мухбир қиз кўнгироқ қилиб қолди.

– Жобир ака, нима иш қилиб қўйдингиз? Мен сизга ишониб тоққа чиқиш ҳақидаги таклифингизни қабул қилгандим! – Қизнинг иддаоларидан Жобирбек ёмон бир иш қилиб қўйганини фаҳмлади. Аммо, ҳеч нимани эспай олмади. – Биламан, кайфингиз баланд эди, – нолинишда давом этди қиз, – мен роса қаршилиқ қилдим. Кучим етмади! – У энди йиғламсираб ҳиққиллай бошлади. – Юзим шувут бўлди, Жобирбек ака!.. Сиз ҳузурингизга борган ҳамма аёлларни шундай қиласизми?

Жобирбекнинг пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди. Тили калимага келмади – қовоқ арига ўхшаб нимадир деб гўлдиради:

– Кечиринг, кайфчиликда!

– Мен сизни айбламайман, йигитчиликда бўлади. Тушунаман. Қолаверса, ўзимдан ҳам ўтди. Тоққа чиқмаслигим керак эди. Мен-ку, барисини унутмоқчи эдим, аммо...

– Нима, аммо?

– Бола!..


Жобирбекнинг кўз олди қоронғулашиб кетди. Боши арининг уясидек ғувиллар, хаёлида ечимсиз саволлар чарх урарди: “Энди Гулчехранинг юзига қандай қарайман? Болаларимнинг-чи? Лекин, муштипар қизни бу аҳволда қолдириб бўлмайди, болани ҳам!”.

Орадан бир неча кун ўтиб, Шосалимни Тошкентга жўнатди...

Жобирбек кейинги пайтлари хотинидаги ўзгаришни пайқаб Гулчехра ўша воқеадан хабар топдимикан, деб чўчиб юрарди. Агар хабар топган бўлса, кимдан деган савол қийнарди уни: “Бу ишлар бости-бости бўлиб кетганига анча бўлди. Наҳотки жабрини бир умр тортсам!?”. Жобирбек ўз-ўзини айблашдан чарчамас, «ўша норасиданинг уволига қолдим» деб қийналарди у.

Ўшанда Шосалим Тошкентдан «қиз ҳомиладан кечибди» деган хабарни олиб келганди. Жобирбек бир ҳисобда қувонганди. Ҳатто операция чоғида, жарроҳ қизни бир умрга майиб қилиб қўйганини, энди биргина орзуси, Тошкентдан бир ҳовли сотиб олиб – шунда беташвишгина яшамоқчи эканини айтиб юборганда ҳам унчалик оғринмади.





Ишни батамом бости-бости қилиш учун Шосалимни яна Тошкентга жўнатди. У зиёфатда хизматда бўлган икки танишини бу сафар йўлга ҳамроҳ қилиб олди. Ахир 50 минг доллар билан якка– ёлғиз йўлга чиқиб бўларканми?

Агар шу воқеа бўлмаганида, Жобирбек Гулчеҳра билан аллақачон гаплашиб олган бўларди. Муносабатларини ойдинлаштиришни кечиктириб келаётгани ҳам шундан. Бир кўнгли, «Воқеани бошдан-оёқ сўзлаб берсам, мени тушунармикан?» деб ўйлар, бир кўнгли ич-ичида шу кўнгилсиз воқеага асло қайтмасам, ҳеч қачон эсламасам, дерди. Кейин, яна мушоҳадага бериларди: «Воқеадан уч кишигина воқифмиз – мен, Шосалим ва қиз. Хотиним уч кишининг бирдан эшитиши мумкин холос. Мен айтганим йўқ. Нима деб айтаман, ахир? Шосалим? У айтмайди – унақа пасткаш эмас у. Демак, биргина у қоляпти. Лекин, олганини олди-ку? Ками бўлса мендан сўраши керак!... Йўқ, йўқ, имоним комилки, Гулчеҳранинг хафагезаклигига бошқа сабаб бор! Қандай сабаб? Билмайман, уф-ф-ф!».

Ана шундай кечинмалар оғушида янги бозор қурилишини айланиб чиққач уст-бошини қоқди-да, машинаси томон кетаётгани, рўпарасидан бир лўли хотин чиқиб қолди.

– Ман санга бир пол очай, сан эшитгин! О-о-о, руҳинг безовта, кўзларингда дард, ўйингда ҳаловат йўқ! Чарчагансан болама, чарчагансан! Бер, атаганингни – бер! Ман санга бир пол очай.

Жобирбек табиатан ромга ҳам, ромчиларга ҳам ишонмасди. Аммо ҳозир беихтиёр ўзини ромчининг измига топширди. Санамай пул берди. Кейин унинг лўлича жаврашларига астойдил қулоқ тутиб турди.

– Бургутнинг бачаси экансан, чумчуққа ўхшаб яшайсан, тартанак уясига илашгансан...

Ўша ёндафтарчаданги бизга таниш жумлалар. Жобирбкнинг кулгиси қистади: «Илон, чаён, тартанак, чумчуқ. Нима бало, ромчиси тушмагур, зоология ўқитувчисими, дейман!».

Бир оздан сўнг машинада кетиб бораркан, ром тафсилоти ўта маънили экан, деган хулосага келди. Кейин, ёдимдан кўтарилиб кетмасин, деб ёндафтарчасини олди-да, сўзларини қисқартириб-қисқартириб, ўзи тушунадиган тарзда қоғозга тушириб қўйди.

Жобирбек бу бошқотирмадан кейинроқ бирор маъно уққанми йўқми – билмадигу, аммо Акмал жиноят ишини очишда, калаванинг учини айна шу ром тафсилотларидан топгандек бўлди.

## 22

Акмал тергов ишларининг бориши ҳақида шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи майор Нурхўжаевни хабардор қилиб турарди. Бугун ҳам ҳар галгидек хонада уни майор Нурхўжаев, яна фуқароча кийимда икки киши кутиб туришган экан.

– Акмал Чориев, – уни бояги икки нотаниш меҳмонга таништирди Нурхўжаев, – мазкур жиноят иши юзасидан қидирув-тергов ишларини олиб бораяпти. – Кейин, Акмалга юзланди: – Қилинган ишлар юзасидан батафсил маълумот берсангиз.

Акмал жиноят ишига оид тафсилотлар тиркалган папкадаги ҳужжатларни бир неча нусхада кўпайтирганди. Даврадагиларга биттадан тарқатиб чиқди. Сўнг тафсилотларни бирма-бир баён этишга киришди. Тинглагучилардан ана у иккитаси бу пайт Акмал берган тергов

ҳужжатларини синчиклаб кўздан кечирмоқда эди. Сиртдан қараганда Акмал билан қизиқмай кўйишгандек, унинг сўзларига эътибор беришмаётгандек туюларди. Шундан Акмал бироз хижолат тортди. «Эҳтимол, уларга халақит бераётгандирман», деб ўйлади ичида. Кейин ҳужжатлар билан яхшилаб танишиб олишлари учун имкон яратмоқ бўлиб, бир муддат сўзлашдан тўхтади. Бояги кишилар «нега тўхтадингиз» дегандек «ялт» этиб унга қарашди. Акмал сўзини давом эттириши лозимлигини англаб, воқеалар ривожини тўхтаган жойидан давом эттирди, меҳмонлар яна қоғозларга эгилишди.

Акмал бир пайтнинг ўзида ҳам ёзиб, ҳам суҳбатдошини тинглашга қодир бўлган қадимги юнон файласуфи Цицерон ҳақида ўқиганди. Ҳозир шундай қобилият соҳиби бўлган анави кишиларни кўриб, ҳаваси кўзиди.

Меҳмонлар тергов-қидирув тафсилотлари билан танишиб бўлишгач, ниҳоят ҳужжатлардан бош кўтаришди. Тўрда, майор Нурхўжаевга яқинроқ турган, сийрак сочли, кўзойнак таққани давра аҳлига бир кўз югуртириб чиқди-да, ҳаммага тегишли дегандек, ўртага савол ташлади:

– Тўпланган маълумотлардан келиб чиқиб, кимда қандай мулоҳаза бор – марҳамат!

Майор Нурхўжаев яна Акмалга юзланди:

– Биз ишнинг боришини кунда мулоҳаза қилиб борамиз. Вазият ҳозирча тўлалигича ойдинлашгани йўқ. Лекин, Чориевнинг айрим хулосаларига умид боғлаш мумкин, деб ўйлайман.


Бошлиқ шу сўзларни деб, Акмалга «айт» деган маънода бош ирғаб қўйди. Рухсат бўлгач, Акмал қидирув ишлари асносида воқеаларнинг ўзи учун сирли бўлиб туюлган учта муҳим нуқтаси ҳақидаги фикрларини ўртага ташлади.

## 23

Тергов давомида Акмал маълумот олишга муваффақ бўлмаган яқо ягона одам Жобир бекнинг отаси Мурод Шомуродович бўлди. Табиатан камгап бу одам, катта ўғли Қодирбекнинг фожеали ўлиmidан кейин тамоман узлатга чекинган, ўзининг кичкинагина ҳовлисида охиратини кутиб яшаб келарди.

Акмал унинг ҳузурига бир неча бор ташриф буюрди. Аммо бирорта ҳам саволига жавоб олмади. Худди «Соқов рицар»нинг ўзгинаси, нурсиз кўзларини бир нуқтага тикканича «миқ» этмай тураверди: «Қизиқ, шунақа одам ҳам бўларкан-да!». Мурод Шомуродович ҳақида ўйлаганида Акмал бир нимани тушунмасди: «Хўш, Қодирбек унинг тўнғич ўғли бўлган. Лекин, Жобирбек ҳам ўғли-ку! Майли, катта ўғлидан айрилди, тақдир! Аммо, кичик ўғлидан тирик ажралиб турибди-ку! Ахир тўнғичига бўлган меҳру муҳаббати кичигига кўчиши керак эмасмиди?.. Бунчалар ҳам қажри қаттиқ бўлмаси!? Ахир, тўнғичига шунча йил мотам тутиб келаётган отани кенжа ўғлининг дом-дараксиз гойиб бўлиши, наҳотки заррача ташвишлангирмаси?»...

Акмал бу ишларда балки ўзининг қўли бордир деган хаёлга ҳам борди. Лекин дарҳол бу фикрдан қайтди. Агар шунга ўхшаш сабаблар билан айб тақаладиган бўлса, кўпчиликдан шубҳа қилишга асос етарли эди. Масалан, Муҳтарам Калонович. Сайлов туфайли Жобирбекдан панд еди. Адоватлашиб қолди. Тўғри, Муҳтарам Калонович Жобирбек йўқолишидан икки-уч кун бурун бандаликни бажо келтирди. Лекин унинг тириклик чоғи тузган режасини гумашталари охирига етказган бўлиши мумкин-ку!



Ёки мана хотини – Гулчеҳра! Жаҳлланган кезлари, бола-ларига «Хув, етимча қолгурлар» деб ўшқириб берганини қўшнилари бир неча бор эшитишган экан.

Шуларни ўйлаб, Акмал шошма-шошарлик билан хулоса чиқаришдан тийилар, санамай саккиз демасликка ҳаракат қиларди. У отанинг ҳузурига сўнгги бор келганида Жобирбекнинг дангиллама ҳовлиси этагидаги эшик орқали уникага ўтганди. Қайтишда яна шу йўлдан қайтди. Усти айвонча қилиб ёпилган чиройли қилиб безатилган каровотда Гулчеҳрани аллақандай қоғоз парчаларини ёйиб, термулиб турган ҳолда кўрди. Бир оз ўнғайсизланди. Кейин шунчаки ўтиб кетишни эп кўрмай, томоқ қириб қўйди. Гулчеҳра бир оз ўйчан, намчил кўзларини ердан кўтариб, унга томон ўгирилди.

– Узр, янга! Мен отанинг ҳузурларига келгандим! – нариги ҳовлига ишора қилди у. – Ирим қилиб, келган йўлимдан қайтган куним эди!

– Ҳечқиси йўқ, хизматдаги одамсиз!

Гулчеҳра қоғоз парчаларини кафти билан яширмоқчи бўлди. Агар шундай қилмаганида, Акмал эҳтимол ҳозироқ бу ҳовлини тарк этган бўларди. Энди эса, мана шу майда-майда қийқимлардан иборат бир парча қоғоз унинг эътиборини ўзига тортганди.

– Янга, азбаройи қизиқувчанлигим учун узр сўрайман аввало. Термулиб турганингиз, у қанақа варақ. Агар Жобирбекка алоқадор қоғоз бўлса – танишсам дегандим.

Гулчеҳранинг авзои ўзгарди.

– Бу бизнинг шахсий муносабатларимизга тегишли бир хат. Унинг ишга алоқаси йўқ чиқар?!..

– Шундай бўлган тақдирда ҳам, рухсат беринг, кўрай!

Акмал яқинроқ келиб қўлини узатди. Жувон ноилож қолганди. Ўзи учун аламли бу мактубни элга овоза қилиб бадтар мулзам бўлишни истамас, аммо ҳозир уни терговчига беришдан ўзга чораси қолмаганди:

– Анави, тошкентлик жазманининг хати. Тошкентга кета туриб унутиб қолдирганми, ёки атайин, – Гулчеҳра, яна кўзларига ёш олди, – аламдан йиртиб ташлагандим.

Акмал кутилмаган топилмадан ҳаяжонланиб кетди. Бу мактуб сайлов даврида бир марта юзага қалқиб чиққан-у, шу билан эътибордан четда қолган – Сакина Хаджиева исмли аёлнинг тилидан битилган мактуб эди. Кейнчалик суриштирувлар даврида Акмал ана шу хат билан қизиққан, аммо топа олмагач, уни «Муҳтарам Калонович ўзи билан гўрга олиб кетган» деган хулосага келиб, бу далилдан тамоман умидини узган эди..

– Бу мактуб Жобирбекка қандай тушиб қолганини билмайсизми?

Гулчеҳра терговчи мактубга ўзгача бир назар билан қараётганини кўриб ҳушёр тортди:

– Муҳтарам Калонович берган бўлиши керак!

– Муҳтарам Калонович?

– Ҳа! Ўлимлари олдидан эримни чақиртирган эдилар!

Акмал миясига қуюлиб келаётган саволларга жавоб топмоғи лозим эди. Энди саволлар ечимсиз қолмаслиги аниқ, қолаверса, қўлида тилсимлар калити турибди.

– Янга, рухсат берсангиз, қоғозларни маълум бир муддатга олиб кетсам.

– Бутунасига олақолинг! Бир ҳисобдан кўзимдан нари бўлгани дуруст! – розилик билдирди Гулчеҳра.

Акмал аввалига гапни нимадан бошлашни билмай қаловаланиб қолди. У шу туришда нуфузли олимлар қаршисида номзодлик иштини ҳимоя қилаётган аспирант-дек ҳис қилди ўзини. Назарида хулосалари ўта жўн, эътиборга молик эмасдек туюлди. «Қабул қилишмас-я», деган бир ҳадик кўксини кемира бошлади. Кейин, орқага йўл йўқлигини фаҳмлади. Фикрини Гулчеҳрадан ўша мактубни олган нуқтадан бошлаб баён қилишга киришди:

– Воқеалар ривожининг учта энг муҳим нуқтасига эътиборингизни қаратмоқчиман: биринчидан, Муҳтарам Калонович ўлими олдидан сайловдаги ашаддий рақиби – Жобирбекка уни ёмон отлик қилишда дастак бўлган мактубни топширган. Нима учун, деган табиий бир савол туғилади. Назаримда, умрининг сўнгги дамлари виждони олдида ўзини оқламоқчи бўлган. Иккинчидан, Жобирбек эртаси кунпеш, марҳумни кўмиш маросимидан кейин шошилиш равишда Тошкент сафарига отланган. Пойтахтга кетаётгани маълум, аммо пансионатга бораётганини ҳеч ким билмаган. Нега? Бизнинг тахминимизча у ўзини безовта қилишларини хоҳламаган. Унинг танҳо ўзи, гувоҳларсиз бажариши лозим бўлган қандайдир юмушлари бўлган.

Учинчи нуқта шуки, ҳамиша Тошкентга Шосалим билан бирга бориб келиб юрган Жобирбек бу сафар уни ҳамроҳ қилмаган. Сирли сафари ҳақида, ҳаттоки энг яқин дўстига ҳам ҳеч нима демаган. Хуллас, биз барча чигил жумбоқларнинг ечимини – мана шу мактубда деб ўйлаймиз.

Акмал сўзини тугатгач, ҳадиксираб даврадагиларга кўз ташлади. Уни эшитиб турган меҳмонлар куйи эгилган ўйчан бошларини кўтардилар. Юзлари ёришганини кўриб Акмал энгил нафас олди. Қуйироқда ўтирган ингичка мўйлаби ўзига ярашиб турган йигит луқма ташлади:

– Таклифингиз?

– Иккита нуқтада доимий назорат ўрнатишни таклиф қиламан. Биринчиси, Жобирбекнинг уйи орқали қариянинг ҳовлисини; иккинчидан, Шосалимнинг қишлоқдаги уйини доимий кузатувга олишимиз лозим.

– Асос? – кўзойнакли киши юзланди унга.


– Асосим шуки, Жобирбек билан отаси ўртасида узоқ вақтдан бери зиддият мавжуд бўлган. Бу ҳақда ҳамма биллади. Ота ўғли билан деярли сўрашмай, сўзлашмай ҳам қўйган. Аммо Жобирбек отасининг ҳолидан хабар олишни қанда қилмаган. Кунда-кунора кириб турган. Фаразимча, у фақатгина шу мақсадда кирмаган. Жобирбекнинг жони ана шу ҳовлида яширинган бўлиши керак!..

– Бойлиги, демоқчисиз-да? – Майор Нурхўжаев унинг сўзига аниқлик киритди.

– Бу балки пулдир, балки ихтиро, – деди Акмал, Зулфиқоровнинг сўзларини эслаб. – Хуллас, бу энг бе-хавотир жой. Ҳеч ким шубҳа қилмайди. Кар ва соқовга айланган ота эса, билиб-билмай, улкан илонга ўхшаб ўғлининг бисотини қўриқлаб ётибди.

Жобирбекнинг Шосалимсиз иш битирмоқчи бўлгани эса, бу икки ўртада зиддият пайдо бўлганининг белгиси бўлиши керак. Балки у жон қушчасига ҳамла қилмоқчи бўлган илонни қўйнида асраб юрганини пайқаб қолгандир. Уни даф этмоқ учун аввало, тортанак уясига чувалашиб қолган оёқларини бўшатиб олмоғи лозимлигини англагандир. Шунинг учун ҳам унинг Тошкентга сўнгги сафаридан





кўзлаган мақсади: биринчидан, мана бу мактубни битган жувонни топиш, иккинчидан, мухбир қизни учратиш бўлган, деган эҳтимолимиз бор.

– Муқаддам берилган маълумотларга кўра, мухбир қиз билан орани очиқ қилган эди-ку? У яна нимага керак бўлиб қолдикин? – кетма-кет саволга тутди уни вилоят ички ишлар бошқармасидан келган вакил.

– Жобирбекнинг хизмат машинасида Асқар ака деган амаки ҳайдовчилик қилади. У киши бир воқеани сўзлаб бердилар. Айтишларига қараганда, Жобирбек Тошкентга кетмасидан икки-уч кун бурун завод меҳмонхонасида телевизор томоша қила туриб алланарсадан жуда дарғазаб бўлиб кетган. Шосалимни сўраттирган. Уни излаб топиша олмаган. Бир оз ҳовури босилгач эса, бу масалага ортиқ қайтмаган.

Биз Тошкент телевидениеси билан боғландик. Асқар ака тусмоллаб айтган соатларда қандай кўрсатувлар эфирга чиққанини аниқладик. Дастурларни кўчиртириб келдик. Ногиронлар куни муносабати билан берилган бир лавҳада, бундан бир йилча бурун мухбир сифатида заводга келиб-кетган жувон намойиш этилган бўлиб чиқди. Кўрганлар уни танишди. Иккита ногирон боласи бор экан. Эҳтимол, ўшаларни деб шундай ишга қўл ургандир.

Жобирбек ҳам ўша куни ана шу лавҳани кўриб тутақиб кетган чамаси. Шосалимни излаб қолиши ҳам шундан бўлиши керак! Чунки қиз билан боғлиқ можарони бости-бости қилиш учун эллик минг доллар пулни Тошкентга Шосалим олиб бориб берганди-да. Демак, шубҳа туғилган: ё қиз Шосалимни алдаган, ёки Шосалим Жобирбекни чув туширган.

Шосалим сўроқ пайти: «Жобирбек пулни хотиним кўрмасин деб, отасининг дарвозаси томонидан чиқариб берди», – деган эди. Бу эса Жобирбекнинг бисоти отасининг ҳовлисида эканидан, Шосалим бундан бохабар эканидан далолат беради.

Вазирлик вакили кўзидан ойнагани олиб, дастрўмолчаси билан унинг шисаларини тозалай бошлади. Бир муддат нималарнидир мулоҳаза қилиб турди. Кейин:

– Жобирбек мактубни айнан Муҳтарам Калоновичдан олгани тасдиқланганми? – деб сўради.

– Йўқ. Жобирбек билан Муҳтарам Калонович палатада ёлғиз бўлишган. Марҳумнинг хотини айтишича, Жобирбек кетгач эрининг ҳузурига кирганида, уни кўзлари жиққа ёш ҳолида кўрган.

– Ҳм-м-м, қизиқ! – Вазирлик вакили яна кўзойнагани тақиб олди. – Жудаям қизиқ! – Кейин Нурхўжаевга юзланди у. – Бу ишни тезроқ охирига етказиш керак. Одамлар орасида миш-миш гапларнинг урчиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Шундоқ ҳам бир-икки куракда турмайдиган узунқулоқ гаплар тарқаб кетибди. Ишни тезлаштириш учун сизларда ҳамма имконият бор, деб ўйлайман. Кадрлар масаласида-ку, – у Акмалга ишора қилди, – гапирмасак ҳам бўлади. Фақат, манёвр учун мутахассис керак бўлса – марҳамат!

25

Фуқароча кийинган икки нотаниш кишининг – Акмал уларнинг ички ишлар вазирлигидан эканини йўғин сўнггида билди – бугунги ташрифи ҳам аслида шаҳар аҳолиси орасида тарқаб кетган турли миш-мишларнинг олдини

олиш, тергов-қидирув ишлари билан танишиб, жараёни тезлаштиришга қаратилган эди.

Шаҳарда уч ойдириқ ҳаммининг оғзида шу гап эди. Ҳар ким бу воқеани ўзичи талқин қилар, ҳар куни янгидан-янги тахминлар тўқиларди: кимдир Жобирбекнинг тақдирига азбаройи қайғурганидан, кимдир эрмакка ўчлигидан, кимдир ўта қизиқувчанлигидан – хуллас, ҳеч ким бу мавзунини четлаб ўтолмасди: «Жобирбек чет элга қочиб кетганмиш!» – сайлов пайти юзага қалқиб чиққан бир жувоннинг мактубида, унинг чўнтагида иккита паспорт кўрганлиги айтилган маълумотни дастак қилиб сўзлаб юрди одамлар аввалига. Кейин, «ҳукумат қамаб қўйганмиш – ихтиросини чет элга сотгани учун», деган фаразлар тарқади. Хуллас, шаҳар кунда бир янги маълумот эшитарди, фаразлар бисёр, фақат Жобирбекдан дарак йўқ эди.

– Элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди, – шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг хонасига эрталабдан бери танда қўйиб олган меҳмонларнинг бири деворга осиглик соатга бир қараб олди-да, барчага қарата деди: – Токи масалага ойдинлик киритиб, ишни охирига етказмас эканмиш, миш-мишлар улғайиб бораверади. Билинги, бундай асоссиз миш-мишлар терговни ҳам чалғитиши мумкин.

Майор Нурхўжаев меҳмоннинг охириги гапидан бир оз саросималаниб қолди. Акмал ҳам уни «Миш-мишларга чалғиб, тергов ҳаракатларини охирига етказма олмаяпсизлар» қабилида тушинди. Фақат меҳмон фикрини давомини айта бошлаганидагина бир оз тинчланишиб, ҳатто билинар-билинмас табассум билан бир-бирларига қараб олишди.


– Умумий тергов ҳаракатлари натижаларидан қониқиш ҳосил қилдик, – деди у ҳамроҳига юзланиб. Иккинчи меҳмон, боши билан тасдиқ ишорасини бергач, давом этди: – Бу ҳақда вазирга етказамиз, Чориевнинг таклифини ҳам эртагаёқ генерал ҳузурига кўриб чиқамиз. Балки ёрдамга иккита яхши ходим жўнатармиш.

Акмал шундагина меҳмонлар ички ишлар вазирлигидан эканини фаҳмлади. Ўзини шу пайтгача худди болалардай ҳис этди. Бирдан жиддий тортди. Лекин ичидан хурсанд эди у. Чунки вазирлик вакиллари унинг ишидан қониққанликларини айтишди. Таклифларини маъқуллашди. Айниқса Акмалнинг таклифини генерал ҳузурига кўриб чиқамиз, дегани жуда ёқди. Ахир, генералнинг назарига тушиш – бу ҳазилакам гап эмас!

Эртаси куни Тошкентдан иккита ходим етиб келди. Майор Нурхўжаев хонасида, Акмал ва бояги ходимлар иштирокида ҳаракат режаси тузилди. Қидирув ишлари поёнига етгунга қадар режанинг махфийлиги сир тутилдиган бўлди.

26

Эрталаб гаражга келган Асқар ака заводга вақтинчалик Шосалим директор этиб тайинланганини эшитиб ҳайрон қолди: «Шосалим – директор?» – ақли шошиб қолди бу янгиликдан. Ахир Шосалим директор бўлади, деб ким ҳам ўйлаганди? Кейинги бир неча йил мобайнида у умуман заводдан узоқлашганди. Уни Жобирбекнинг шахсий ҳайдовчиси сифатида танишарди одамлар. «Қизиқ замон бўлди-да, – ўйлади Асқар ака, – бир умбалоқ ошсанг-у, директор бўлиб қолсанг! Омад деганлари шу бўлса керак? Бир ҳисобдан шуниси ҳам яхши.



Синашта одам!» Шу пайт Асқар аканинг кўнглидан оғриқли бир фикр кечди: «Наҳотки, Жобирбек шу кўйи жим-жит бўлиб кетса!? Қандай яхши киши эди-я! Унга қанча-қанча ёрдамлар қилганди. Институтда ўқиётган қизига шартнома пулларини ўтказиб бериб турарди. Ўғлини уйлантирганда тўй харажатларига қарашворганди. Эй, Худо, қайда бўлса ҳам омон бўлсин ишқилиб!», – юзига фотиҳа тортиди у. Кейин машинани ўт олдириди-да, ташқарига ҳайдади.

Чиқаверишда уни диспетчер хотин тўхтатди:

– Асқар, медосмотр прошёл?

– Да, брось Нина, отпусти меня! – Шу расмиятчиликни одатдагидек четлаб ўтмоқчи бўлди у.

– В этот раз серьёзно! Асқар, иди, время не теряй!

Асқар ака Нинани ҳеч қачон бундай жиддий қиёфада кўрмаганди. Шундан вазият бошқачароқ эканини, ҳатто директорнинг ҳайдовчиси бўлса ҳам, қоидага бўйсунуши лозимлигини фаҳмлади: «Оббо, Шосалим-эй! Тартибни остонадан бошлабди, – ёмон эмас. Интизом – яхши!».

Асқар ака машинани чеккага чиқариб тўхтатди. Кейин, кўриқдан ўтиш учун тиббий кўрик хонасига қараб кетди.

«Асабларингиз жойида эмас!» – дейишди унга. Бирikki ҳафта ҳордиқ олиши кераклигини айтиб машинадан четлатишди. Машинани эса вақтинча Илҳомжон деган янги йигит юргазиб турадиган бўлди.

Асқар акани шифокорларнинг қутилмаган хулосаси танг қолдириди. Бир кўнгли, норозилик билдирмоқчи бўлди-ю, «балки Шосалим ўзига синашта одамни ҳайдовчиликка олгандир» деб фикридан қайтди. Бўйсунушдан ўзга чораси қолмаганди. Фақат машинасига бир оз ачинди: «Ёш йигит, устига-устак тажрибасиз, машинани асраб минсин-да ишқилиб!» – ташвишланди у.

Шосалимнинг тиббий кўрикка алоқаси йўқ эди аслида. Ҳайдовчиларнинг алмаштирилишидан-ку, умуман беҳабар эди. У бугун эрталаб эртачи ўрнидан туриб, устбошини тузатишга киришди: оқ кўйлак кийди, рангли галстук тақди. Костюм-шим, қора туфлида у биб-бинойи директор бўлди-қолди. Ўзини ойнага солиб, «Одамни одам қиладиган усти-бош экан-да!» деди. Ўзига-ўзи суқланиб турганди, телефон жиринглаб қолди.

– Табриклайман!..

Шосалим бу товушни эшитди дегунча, қарама-қарши хислар орасида муаллақ қолар: на қувонар, на қайғура оларди. Ана шу товуш соҳиби туфайли у бугун хаёлига келмаган юсак мартабага эришди. Аммо бу товуш унга кун сайин тубанлашиб бораётганлигини ҳам эслатиб турарди. Ҳозир ҳам худди ана шундай ҳолатга тушди:

– Раҳмат! – зўрға жавоб қилди у.

– Нима, хафамисан? – сўради сирли овоз.

– Йўқ! Аксинча!

– Шосалим, унутма! Сенинг номзодингни тасдиқлатиш менга осон кечмади. Мана, энди директорсан. Бардам бўл! Заводдаги ишлар ўз йўлида – сенсиз ҳам завод ишлайверади. Шартимиз эсингдан чиқмасин – уқдингми?

Шосалим «Уқдим» дейишга ҳам улгурмай қолди. Кўнғироқ қилган сирли товуш соҳиби гўшакни кўйиб кўйди.

27

Гулчеҳра тунни мижжа қоқмай ўтказди. Ранги-рўйи бир аҳвол қизчасининг соғлиғидан хавотирда эди. Кейинги кунларда, тўрт ёшли Лайло кечқурунлари алаҳлаб

чиқадиган одат чиқари. Уйқусида гапирди: «дада, кетманг, дадажон!», деб йиғламсираб уйғониб кетарди у. Кейин бир муддат ўпкасини боса олмай, хўрсиниб-хўрсиниб йиғларди-да, яна ухлаб қоларди.

– Эй Худо, гуноҳларимни кечир! – зорланиб нола қиларди шундай кезлари Гулчеҳра, айриқлиқ дамлари кун сайин катталашиб бораётганидан маъюсланиб. – Эримга қилган аччиқларим, зарда-ю зардобларим учун ўзимни жазола! Норасидаларимга раҳимнг келсин, эй Аллоҳ! Дадасини болаларимнинг бошига қайтар. Ўтинаман Сендан!..

Эрининг тўсатдан ғойиб бўлиб қолгани Гулчеҳрага дастлаб унчалик таъсир қилмади: «Ўлиб кетмайдими? Усиз ҳам куним ўтади!» – алам ва изтиробларини кўнглидан кечган шу совуқ сўзда ифода этди у. Кейин, ҳафта-ўн кун ўтиб, жазманлари билан улоқ чопишиб ҳолдан тойган айғир эри қайтганида айтиш учун, аччиқтизиқ гаплардан жумлалар тузиб юрди. У нимагадир эрининг йўқолиб қолганига ишонмас, буларнинг бари Жобирбек томонидан ўйлаб топилган ҳийла – тошкентлик жазманлари билан узоқроқ муддат, олисроқ бир жойга бориб келиш учун тузилган режа бўлиб туюларди.

Орадан кунлар, ҳафталар ўта бошлади. Одамларнинг бирда ачиниш, бирда очикдан-очик ҳақоратомуз боқишлари қалбини чил-чил синдиради. Айниқса, ўғли Қодирбек ва қизи Лайлонинг дадасини сўраб берган саволларига жавоб топа олмай қийналарди. Назарида, Жобирбекнинг йўқолиб қолишига ҳамма уни айблаётгандек бўлиб туюларди. Нигоҳлар таъқибидан қочишга уринар, аммо яширингани жой топа олмасди. Кейин фаҳмлардики, у ўзини-ўзи таъқиб қилмоқда эди. Шундай кезлари йиғлар, илтижо қилар, қани энди фойдаси бўлса: «Сизни уйдан бездирдим, бегим! Жонингиздан тўйдирдим, мендан аразлаб қаерларда юрибсиз ахир? Минг бор узр, келинг, пойингизни кўзларимга суртай – қайти-и-и-нг!»... Юрагини қоплаб ётган музлар эриб, кўзларидан сел бўлиб оқарди унинг.

Шосалимнинг вақтинчалик директор этиб тайинлангани-ю, Асқар аканинг ўрнига бошқа бир йигитнинг ҳол-аҳвол сўраб кела бошлагани – аввалига уни бир оз тинчлантирди: «Демак, буларнинг бари вақтинчалик, эримнинг топилишига ҳали ишонч бор. Ҳар қалай, остонамиздан оёқларини узишмаяпти-ку!» – умидланарди у.


Янги ҳайдовчи Илҳомжон ҳақиқатдан ҳам Жобирбекнинг остонасидан нари кетмасди. У уззу-кун шу атрофда айланиб юрар, Жобирбек хонадонининг юмушларини бажариб туришга масъул этиб тайинланганди. Шу билан бир қаторда, унинг бу хонадон билан боғлиқ, амалга ошириши лозим бўлган мафвий юмушлари бор эдиким, энди ана шу хусусида сўз юритамиз.

Гулчеҳра қайнатасига Қодирбек орқали кечки овқат чиқарганди, у «бобомнинг тоблари қочиб қопти» деган хабар олиб келди. Гулчеҳра дарҳол Илҳомжонга телефон қилиб, отани касалхонага олиб бориб кўйишини сўради.

Мурод Шомуродовични юраги бир оз безовта қилган экан. Ранги докадек оқариб кетган бу саркаш қария, хасталикнинг оғриқ азобларига миқ этмай дош берарди. Уни ЭКГ қилишди. Сўнг обдон текширишди.

– Касали жиддий эмас, бир ҳафтага ётқизамиз, – деди шифокор, Илҳомжонга унинг кийим-бошлари солинган пакетни тутқаза туриб. – Ҳаммаси жойига тушиб кетади!





Эртаси куни қайнатасини кўргани Гулчеҳра келди. Ота келини билан совуққина бош ирғаб саломлашди-ю, аммо набираларига боқиб юзлари ёришиб кетди. Болалар ҳам қийқиришиб унинг кучоғига отдилар ўзларини. Гулчеҳра бир-бирларини кўрганда бир муддат бутун оламни унутиб юборадиган бу уч болакайни холи қолдириб ташқарига чиқди-да, сўнг врачнинг ҳузурига кирди.

Врач Шомуродовлар хонадонидан тушган бу беморга алоҳида эътибор қаратган, ЭКГ натижалари, анализ хулосалари, рентген маълумотларини шахсан ўзи назорат қилиб борарди. Муолажани ўз зиммасига олганди. Бу оиланинг аввалдан шаҳарда катта мавқе тутишини, ҳозир ҳам барчанинг диққат-эътиборида эканини яхши биларди. У хонасига Гулчеҳра Шомуродова кириб келганида ўрнидан сапчиб туриб, алоҳида мулозамат кўрсатиб қаршилади. Эри туфайли бошларига тушган ташвишга ҳамдардлик билдирган бўлди. Кейин Жобирбек ҳақида янгиликлар бор-йўқлиги билан қизиқди.

– Нажот, авваламбор Худодан, – маъюсланди Гулчеҳра, – қолаверса, орган қидираяпти. Қариндош-уруғлар ҳам тинч ўтиришгани йўқ. Бир томони Тожикистон, Москва, ҳатто Малайзиягача бориб келишди – дараклари чикмаяпти.

– Ажабо, бутун бошли одам бирданига йўқ бўлиб қолса! Қизиқ! – врач лабини чўчайтириб, боши билан сарак-сарак қилиб қўйди. – Қаёққа кетган бўлиши мумкин?

Врач билан бу мавзуда суҳбат қурмоққа Гулчеҳрада хоҳиш йўқ эди. “Қаёққа кетган бўлиши мумкин?”. Ҳозир ҳамма шу саволнинг атрофида айланарди; фақат, кимдир азбаройи унинг ечимини топа олмай қийналар, кимдир бу ташвиш барчанинг ташвиши бўлиб қолгани-ю, ўзи ҳам шундан мустасно эмас эканлигини кўрсатиш учунгина шу савол атрофида кезинарди. Бу ечимсиз савол бугун барчани қизиқтираётганини Гулчеҳра биларди. У яна бир нарсани яхши билардики, бир тоифа одамлар жавобнинг фақат ижобий бўлишини хошлашар, яна бир тоифа одамлар эса, оқибат қандай бўлишидан қатъи назар, саволга жавоб топсалар бас – врач ана шу тоифадан эди. Шунинг учун ҳам врачнинг бемани саволига истар-истамай жавоб қиларкан;

– Қаёққа кетган бўлсалар ҳам омон бўлсалар, бас! – деди гапни қисқа қилиб. – Отамнинг аҳволлари қалай? Илҳомжоннинг айтишига қараганда, хавотирга ўрин йўқ эмиш – шундайми?..

– Ҳа, ота бардам! Фақат биласизми...

Врач ўзининг шахсий мулоҳазаларини тиббий кўрик натижалари сифатида айтиш ўринлимикин, деган уй билан бир муддат жимиб қолди. Бу қисқа муддатлик сукут Гулчеҳранинг безовталанишига сабаб бўлганини кўргач эса уни тинчлантирди:

– Қайнатарангиз соппа-соғлар. Анализлар шунини кўрсатапти. Аммо у кишининг юрагида зардоб йиғилган. Бу кучли бир ҳаяжон билан кўздан йиғи бўлиб потраб чиқиб кетса ажаб эмас. Эҳтимол, соғинчдандир!..

Гулчеҳра врачнинг гапларини эшитаркан, қайнотасининг доимо бирдек – тош қотган қиёфасини кўз олдига келтирди. Кейин суҳбатдошининг «Эҳтимол Жобирбек топилиб келиб қолса – шу воқеа рўй берар?» деб тушунди. Ичида эса, «эҳтимолдан йироқ бу» деган уй кечди.

Гулчеҳра бу хонадонга келин бўлиб тушган кезларини аҳён-аҳён эслаб турарди. Бирда ширин, бирда аччиқ хотиралар билан ёдга оларди ўша кунларни. Дастлаб, Шомуродовлар хонадонидан совчи келганини эшитиб, дугоналарининг унга ҳавас билан қарашларидан сархуш бўлиб юрди. Кейин Жобирбекни кўрди. Танишди. Кўркамгина, маданиятли бу йигитга кўнгли қўйди. Ширин-ширин орзулар қанотида парвоз қилиб юрди. Тўйдан кейин, қайнанаси Гулсум аянинг меҳрибонликларидан кўнгли ийиб кетган чоғлари, бирин-кетин икки фарзанд туғилганида Жобирбек хўроздек диконглаб оламга сиғмай қувонган пайтлари – ҳаётдан масрурлик ҳиссини туйди. Фақат тўнғич фарзандининг ўлимидан кейин, одамови бўлиб қолган қайнатасига нисбатан қалбининг аллақайси бурчида тушуниксиз бир ҳис яшарди. У хотинидан бошқа биров билан деярли гаплашмайдиган, қувонччи ҳам, қайғуни ҳам бир хил – бепарво қаршилайдиган бу одамга қандай муомала қилишни, қай тахлит муносабатда бўлишни билмай қийналарди. Бир гал энди келин бўлиб тушган чоғлари қайнатасига рўбарў келди. Шарт ўзини чеккага олди-да, таомилга кўра таъзим бажо қилди:

– Ассалому алайкум, отажон!

Шомуродов бир муддат келини бўлмиш оиланинг бу янги аъзосига қараб жойида қотди. Кейин эшитилар-эшитилмас қилиб: «Ваалайкум ассалом, бахтли бўлинг!» деди-да, йўлида давом этди.

«Менга гапирдилар!» – қувончдан терисига сиғмай кетди у. Аммо хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Шу-шу қайнатасидан бошқа бирорта ҳам сўз эшитмади. Бир сарфар қайнонасига юрагини ёрди :

– Отам бизни унчалик хушламайдилар. Яхши гапириб эркалатмасалар ҳам, нукул тергаб, койиб турсалар ҳам рози эдим – овозларини эшитиб турсак бас эди!


Гулсум ая оғир ўйга ботди: “Болам, – дея гап бошлади кейин у, – отангиздан ранжимангизлар! У кишининг дарди ёлғиз менга ва Худога аён. Сизлар бунга асло эътибор қилманглар, хўбми?” – Гулсум ая фақат икковларига тегишли исмсиз бу дардни дастурхон қилмади. Шу дард билан оламдан ўтди бечора.

Жобирбек ўзи билан отаси ўртасида тилмочлик қилган, шу икки қарама-қарши соҳилни бирлаштириб турган – кўприк вазифасини ўтаган онаизорининг хурматини қилди. Қозон-қозон ош тарқатди элга. Казо-казо дин пешволарини чорлаб, онасининг ҳақиға дуои фотиҳалар ўқитди. Йил маъракасида қабрининг устига даҳма қурдирди. Қабрни бетонлаб, чиройли қора мрамар билан безади.

Жобирбек отам даҳмани кўриб кўнгли ийирмикин деб ўйлаганди. Бундай бўлиб чиқмади. Қабр бошига келган ота унсизгина йиғлади. Совуқ мрамар тошни силаб-сийпаларкан, нукул «чакки бўлибди» дегандек бошини чайқади. Жобирбек ҳайрон: отасининг қилиқларидан тутқақар, аммо ўзини-ўзи босишга куч топарди. Чунки отаси ҳаммаша ҳақ бўлиб чиқарди.

Бир куни Гулчеҳранинг тушига қайнонаси кирди. Марҳума тўшақда ётиб Гулчеҳрага илтижо қилармиш: «Болам, бунча мени қалин қилиб ўраб-чирмадиларинг. Кўрпаларни олиб, устимни енгиллатинглар – нафасим сиқилиб кетаяпти-ку!».

Гулчеҳра тушини эрига айтган эди, Жобирбек индамади. Бу туш бир неча бор такрорланди. Бир гал унинг ўзи



хам шунга ўхшаш бир туш кўрди. Шундан сўнг ишчиларни олиб бориб, онасининг қабри устидан бетон ва мрамор тошларни кўпортириб ташлади. Шундан кейингина арвоқ уларни безовта қилмайдиган бўлди.

29

1964 йили Қарши чўлини ўзлаштириш ҳаракати бошланди. Тарихда мисли кўрилмаган ишлар рўй бера бошлади. Амударёнинг сувини 123 метр баландликка кўтариб берадиган олтита насос станцияси қуриб ишга туширилди. Чўлга обихаёт келди. Поёнсиз сахро улкан қурилиш майдонига айланди. Мамлакат аҳамиятига молик бу вазибаларни бажариш, минг-минг гектарлаб қуриқ ерларни ўзлаштириш, янги типдаги турар жой манзилларини барпо этиш учун – барча куч ва имкониятлар шу ишга сафарбар этилди. Бир қатор завод ва корхоналар ишга туширилди. Ана шулардан бири, тўғрироғи энг йириги – бетон заводи эди. Заводга шу соҳанинг ёш мутаххасиси, маҳаллий раҳбар Мурод Шомуродов директор этиб тайинланди.

Мурод Шомуродов ўз даврининг ватанпарвар кишиси эди. У астойдил бел боғлаб ишга киришди. Ҳафталаб уйга келмас, янгитдан ташкил этилаётган “совхоз”лар учун турар-жой манзиллари қуриш билан банд бўларди. Уни «чўл бургути» деб аташарди. Ҳақиқатан ҳам бургутга ўхшарди: ушлаган жойини узиб оладиган шартаки одам эди у.

Шомуродовнинг уйига кўп бормаслигининг бошқа бир сабаби ҳам бор эди. Кўз очиб кўргани, суюкли Шоҳсанамни бир неча ойдан бери хастраланиб, тўшакка михланиб қолган. Муродбек унинг шундоққина кўз ўнгида қовжираб бораётганини кўриб ўртанарди. Ўзини иш билан овулар, ғойибдан; “Шоҳсанам оёққа туриб кетди”, деган хушхабар келишидан умидланар эди. Бир кун уйдагилар уни чақиртиришди. Қайнонаси раҳматли унга останада пешвоз чиқди.

– Болам, Шоҳсанам сизга муҳим бир гап айтмоқчи, – кўзларига ёш олди кампир. – Нима деса, хўб денг болам! Ўтинаман сиздан – биз ҳаммамиз шунга кўндик!..

Муродбек ўйлаб ўйига етолмасди: «Қанақа муҳим гапи бўлиши мумкин?». Шоҳсанамнинг бошида ўтириб, уйғонишини кутди. Дарвоқе, Қодирбек кўринмайди? – аланглади у ёқ-бу ёққа. Ўғлига кўзи тушмагач, холаларидан бири олиб кетган бўлса керак, деган хулосага келди. Шу пайт қўлига Шоҳсанамнинг совуққина бармоғи текканини пайқайди. Кўзлари хотинининг нурсизланиб қолган нигоҳлари билан тўқнашди. Шоҳсанам зўрма-зўраки жилмайишга ҳаракат қилди.

– Келмайсиз, бевафо...

Муродбек умри бино бўлиб, бу қадар самимий гина эшитмаганди. Бу қадар беғараз, ёқимли ранжишни кўрмаганди. Кўзлари ёшланди:

– Агар менга қолса, ёнингдан сира ҳам жилмаган бўлардим, жоним!

– Биаламан, – Шоҳсанам унинг хижолат тортишини хоҳламади. – Отам билан энамга ўзим айтиб эдим. Менга боғланиб қолмаслигингиз керак. Иш билан овуниб юргангиз маъқул.

Муродбек Шоҳсанамнинг тўзғиб кетган сочларини тўғрилаб қўйди.

– Менга бир гап айтмоқчи эмишсан?

Шоҳсанамнинг кўзидан бир томчи ёш юзига думалаб тушди-да, оғзининг бурчига бориб тўхтади. Бемор қуруқчиб қолган лабларини хўлламоқ бўлдими, тили билан ўша бир қатра сувни артиб олиб лабларини намлади.

– Мен энди тузалмайман, тўрам!

– Ундоқ дема – ноумид шайтон! – унинг гапини шарт кесди Муродбек.

– Менинг куним битган, – бояги гапини бошқа бир жумлада такоррлади Шоҳсанам. Кўзларини эрига тикди: “Сиздан бир ўтинчим бор!” – унинг синиқ нигоҳида ана шу ўтинч, ана шу илтижо савол аломатида акс этди.

– Айтганимни қиласизми?

Муродбек ҳозир шу дамда, шу лаҳзада Шоҳсанам «ўл» деса, ўлишга тайёр эди. Шунинг учун ўйлаб-нетиб ўтирмай «ҳа» деди.

– Уйланинг!

– Нима? – Муродбек ток ургандек бир сапчиб тушди, қулоқларига ишонмади. Бу борада, шубҳага асос бўладиган бирон иш қилмаганди. Бировга нолинган одам эмасди. Иш билан овуниб, турмушидаги кемтикни билдирмай келаётганди.

– Шоҳсанам, нималар деяпсан? Менга сендан бошқа ҳеч ким керак эмас!

– Биаламан! – Шоҳсанам унинг кўлини меҳр билан силаб қўйди. – Шунинг учун ҳам кўзим очиклигида уйлансангиз, дейман. Гулсумга уйланинг!..

– Гулсумга? – Муродбек эсидан озаёзди. Бу қандай томоша ахир? Гулсум Шоҳсанамнинг синглиси-ку! Ҳали ўн гулидан бири очилмаган қизалоқ. Ўзининг орзу-ҳаваси, кўнгил майллари бор, ахир! Ўғлимизга муносиб оналик қилади деб, Гулсумнинг хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашмаслик бу ўта худбинлик-ку! – деб ўйлади у ичиди.

Муродбек ана шу мулоҳазаларини ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлганди, Гулсум уни тўхтатди. Хотинининг кейинги гапи барчасидан ошиб тушди.

– Гулсумнинг сизда кўнгли бор!..

У кўзида потраган ёшларни кўрсатмаслик учунми ёки ўзи айтган «ҳақиқат»нинг тахир таъмини ҳазм қилишга қийналдими, бошини ўгириб юзини яшириб олди: “Менга қолса – Қодирбек ўксимаса бас!..”.

Муродбек бошқа бир сўз демади. Бу фикр унга ҳам роса чиғириқдан ўтгани, оила даврасида обдон муҳокама қилиниб, кейин унга ҳавола этилгани аниқ эди. Қайнисинглиси Гулсумнинг Қодирбекни олиб қаёққадир кетгани-ю, қайнотасининг қораси кўринмаётгани, айниқса муштипар онанинг «биз ҳаммамиз шунга рози» деган сўзлари шундай хулоса чиқаришга асос берарди.

– Ўтинаман, йўқ деманг! – илтижо қилди Шоҳсанам.


– Ёлғиз ёдгорим Қодирбек учун сўрайман – Гулсумга уйланинг!

Муродбек ўпкасини боса олмади. Унсиз йиғлади, кейин розилигини билдириб, Шоҳсанамнинг қўлларини сиқиб қўйди.

30

Илҳомжон ўша куни Муродбек Шомуродовични касалхонага жойлаштириб қайтгач, уст-бошини ташлаб чиқиш баҳонасида Жобирбекнинг уйи орқали отанинг ҳовлисига ўтди. Марҳума Гулсум аянинг бурчақдаги ҳужрасини титиб кўриши лозим. Шубҳа уйғотмаслик ва эҳтиёткорлик юзасидан қўл фонарини ёқиб ҳужрага кирди. Барча бурчақларни титкилаб чиқди. Айтарлик, эътиборга лойиқ бир нима топмади ҳисоб. Ҳафсаласи пир бўлди. Шу пайт унинг бурчағига ўрнатилган голланд печкаси унинг нигоҳини ўзига тортди.





– Қизик, – деди у металлни чертиб кўраркан. – Хужра деворининг нариги томонида – Муродбек ота яшаб турган уй, аммо, у хонада голланд печнинг ярмини кўрмагандим. Қолаверса, томда тутун чиқадиган мўри ҳам йўқ. Демак, бу ўзига хос сейф бўлиши керак? – Илҳомжон эгилиб печнинг эшикчасини очди-да, ичкарига қўл суқди. Қўли аллақандай қаттиқ бир нарсага тегди. Фонарини тўғрилаб эгилиб, ўтхонанинг ичкарасига қаради – калит тешигини кўрди. Кейин ҳар қандай қулфни оча оладиган махсус мосламани олди. Уни калит тешигига тиқиб, аста-секин ўлчамларини мослаб, қулфнинг тилсимларини очиб борди. Сўнгги операцияни бажариб бўлган эди ҳамки, «ширқ» этган товшу чикди – голланд печнинг қоқ ўртасида тирқиш пайдо бўлганди. Илҳомжон уни тортиб очди. Сейфдан иккита папка, тўрт юз минг америка доллари ва беш юз минг сўм ўзбек сўми чиқди. Илҳомжон ҳаммасини катта салафан халтага солди. Кейин сейфни ҳозирча очик қолдириб, аввал уйни, кейин ҳовлини тарк этди.

Эртаси куни эрталаб белгиланган вақтдан бир оз эртачироқ Жобирбекниқига келди. Гулчехра қўнғироқ қилганди. Касалхонага ўтиб келмоқчи экан.

– Тайёрланиб туринг, мен ҳозир! – Илҳомжон қўлидаги пакетни кўтариб кўрсатди Гулчехрага. – Амакининг уст-бошларини уйларига қўйиб чиқай.

Гулчехра ишонди, чунки у Илҳомжоннинг худди шу юмуш билан кеча отанинг ҳовлисига кириб чиққанидан беҳабар эди-да.

Илҳомжон хужрага кириб олиб келган нарсаларини сейфга жойлаштирди-да, бояги усул билан уни яна қулфлади. Қайтиб чиққанида Гулчехра икки боласи билан йўлга тайёр туришганди.

### 31

Шосалимнинг биринчи иш куни телефон орқали табрикларни қабул қилиш, шахсан ташриф буюрганларни кутиш ва кузатиш билан кечди Айрим нозикроқ меҳмонларни махсус хонада, чиройли тузалган дастурхон атрофида қабул қилди. Қўтловларнинг кети кўринмас, Шосалим бу одамларнинг кўпчилигини танимас, ўз навбатида ўзи ҳам бу доирада унчалик таниқли эмасди.

Бу одамлар қизик бир тоифага мансуб кишилар эди. Уларнинг назарига тушиш ҳам, назаридан қолиш ҳам осон. Улар сени мартабанг туфайли танишади, мавқеинг учун қадрлашади. Илло вазифадан кетган кунинг батамом унутишади. Бу одамларнинг даврасидан тулки каби ҳийлакор бўлсанг жой топасан, бўридай бешафқат бўлсанг – ўрин эгаллайсан. Эшақдай хизматларини қилсанг қўним топасан. Аммо оддийгина бир одам бўлиб бу сафда юришинг қийин кечади.

Шосалим ҳозирча бу сирлардан воқиф эмасди. Айти шу дамларда бутун дунё унинг теграсидан айланаётгандек, бутун олам унга томон тортилаётгандек – ўзини чексиз имкониятлар соҳибидек тутмоқда эди.

Эртаси куни ишхонага кела солиб, ходимлар бўлими бошлиғи Нафиса Жаҳонгировани ҳузурига чақиртирди.

– Менга штатлар жадвали бўйича ходимлар рўйхатини тайёрлаб берсангиз. Кейин келаси ойнинг биринчи чоршанбасидан аттестация ўтказилиши ҳақида буйруқ лойиҳасини тайёрланг.

Шосалим шу қадар совуқ, расмий оҳангда гапирдики, Нафиса уни куни кеча ҳазиллашиб, чақчақлашиб юрган Шосалимга ўхшатмади: “Товба, наҳотки одам

шунчалар тез ўзгарса?” – деб ҳайрон бўлди. Кейин бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганди, Шосалим: “Аттестация ҳаммага бирдек таъллуқли!” – деди кескин, эътирозга ўрин қолмайдиган қилиб. Сўнг, боядан бери турган жойида қоққан қозикдай туриб қолган Нафисага бир оз мулойимлик билан, фавқулодда бундай қарорга келишининг сабабини тушунтирган бўлди: “Нафисахон, шундай қилмасак бўлмайди. Заводда меҳнат интизоми жудаям бўшашиб кетган. Сабабини ўзингиз биласиз, Жобирбекнинг кўнгилянлигидан фойдаланиб корхонада текинтомоқ қаланғи-қасанғилар кўпайиб кетди!”.

Шосалим аттестация баҳонасида жини суймайдиган уч-тўртта одамни, тўғрироғи Жобирбекка тегишли одамларнинг думини тугишни мақсад қилган – шу йўл билан кимнинг ким эканини ҳам кўрсатиб қўймоқчи эди. Бу кишиларни заводда «Жобирбекнинг одамлари» деб аташарди. Бир мунча имтиёзга эга эди улар. Шосалим айти шу одамлар билан чиқиша олмай юрарди. Зиддиятлар кескинлашган дамлари ҳам Шосалим жаҳлини ичига ютар, Жобирбекнинг ҳурмати туфайли кескин чоралар кўришдан ўзини тийиб келарди.


«Жобирбекнинг одамлари» аслида унга етти ёт бегона кишилар эди. Жобирбек қайда бир чор-ночор кун кечираётган хонадонни кўрса, дарҳол шу оиладан бировни заводга ишга таклиф қилар, яхшигина маош тайин қилиб, рўзгорини бутлашга имкон яратиб берарди. Юқоридаги кишилар ҳам турли даврларда Жобирбекнинг муруввати туфайли заводда қўним топишган, аста-секин завод шароитига мослашиб, корхона атрофида кечадиган ташмачилик, умуммулкни ўғирлаб сотиш, мижозга навбатсиз хизмат кўрсатиш эвазига чойчақа ундириш, лимитда белгиланганидан ортиқча маҳсулот бериш сингари ноқонуний ишларга аралашиб, ўз улушларини ундириб юришарди. Мўмай даромад эса рўзгорга ҳам, аҳён-аҳён уюштирилдиган базми жамшидларга ҳам етиб ортарди. Шосалим дастлаб улар билан улфатчилик қилиб юрди. Кейинчалик бир воқеа сабаб бўлди-ю, у бу даврадан оёғини тортди. Ўшанда бир оз ширакайф бўлиб қолган анави пакана Алимбек гандираклаганича ўрнидан турди-да:

– Ҳамма қадаҳлар тўлдирилсин, – деб амр қилди. Кейин эса, даврадагиларга бир ҳақиқатни аниқламоқчи бўлиб нутқ ирод қилди: – Олинглар! Барчамизнинг валий-й-й-ней-й-й-матимиз Жобирбек акамни соғлиқлари учун ичамиз. Биз ҳаммамиз у кишининг оёқларини ўпсак арзийди!.

У мувозанатини йўқотиб, мункиб кетмаганида, ҳали узоқ саннаган бўларди эҳтимол. Боши билан дастурхон устига муккасидан кетган Алимбекни ёнидагилар ушлаб қолишди. Қадаҳлар бўшатилди.

“Қизик! – Шосалим давра аҳлига ажабланиб қарай бошлади. – Ахир куни кеча чориғини судраб, завод эшигидан ийманибгина кириб келган болалар мана шулар эмасми? Илк мояна олганларида, пулнинг чўғи баландлигини кўриб шошиб қолган: “Кассир адашмадимикин ишқилиб? Ортиқчасини қайтар, деб қолмасмикин” деган ҳадик-хавотирда иш куни тугашини безовталаниб кутган, кейин уйларига шамолдай учиб, оиладагилари билан тўлиб-тошган ҳаяжонларини баҳам кўрган – ўша соддадил йигитлар қани? “

Шосалим даврадагиларнинг жойлашиш тартибига разм солди. Аввал эътибор бермаган экан. Кечагина бир тўп бўлиб чекиш майдончасидами ёки ошхонада тўпланишиб



турадиган бу жамоада тенглик йўқолганди. Табақаланиш бошланганди: энди базмларда Алимбек, Тоҳир найнов, Носир ва Шухратлар давранинг тўрини ишғол қиладиган, ташаббус шулардан бошланиб бошқалар уларга эргашадиган бўлибди. Табақаланиш, уларнинг заводда тутган мавқеларининг баланд-пастлигидан эмасди аммо. Бу даврада кимнинг қайси жойда ўтириши, завод атрофида кечадиган мўмай даромад манбаи – «олди-берди» пойгаларидаги иштироки кимнинг қанча ўлжа топаётгани билан белгиланарди. Устомонликда эса анави тўртта даврабоши қолган барча курдошларини ортда қолдирганди. Давра ва йиғинларда бошқалар уларни олқишлар, мақтар, бу жамоада тилёғламалилик, алдов, ясама тавозе сингари муносабатлар одат тусига кира бошлаганди.

Бу гал ҳам базм одатий тарзда бошланиб, анъанавий суратда давом этаётганди. Бирда Алимбекнинг ишбилармонлиги, бирда Тоҳирнинг олғирлиги, Шухратнинг маҳоратию Носирнинг «жасорати» тилга олинди. Кейин оғизларда кўпирган мана шу кўпик мақтовлар бир пиёла ароқ билан ювилиб, тозарган оғиз бўшлиқлари яна кўпиришга тайёр қилинарди.

Тоҳир найнов Алимбекнинг қулоғига эгилиб нимадир деди. Шу лаҳза Алимбек, боядан бери ароққа қўл урмай ўтирган Шосалимга «ялт»этиб қаради: «Найновнинг шубҳаси ўринли!» дилидан ўтказди у. Кейин, вазиятни бир оз ўз измига солмоқчи бўлиб, юқоридаги нутқини ирод қилмоқ учун ўрнидан турганди у боя.

Қадаҳлар бўшатилгач Тоҳир найнов Алимбек билан маъноли кўз уриштириб олди. Кейин синовчан кўзларини Шосалимга тикди:

– Сиз олмайсизми? – Шосалимнинг олдидаги давра бошланганидан бери қўл урилмаган қадаҳга ишора қилди у.  
– Йўқ, мен ичмайман, йигитлар! – даврабошиларнинг кўнглида кечаётган ғалаёнлардан беҳабар Шосалим, қуруққина қилиб жавоб қилди.

– Нега? Сабабини билсак бўладими?

– Саволда кишини таҳқирлайдиган бир оҳанг бор эди. Шосалим шундан хушёр тортди: қараса ҳамма унга қаҳрли нигоҳ билан боқаяпти. У «аввалги сафар ичганимда, Жобирбек сезиб қолиб роса танбеҳ берганди» деб рости айтиши ёки бошқа бир сабабни рўқач қилиб вазиятдан чиқиши мумкин эди. Аммо у бундай қилмади.

– Сабаби оддий, ичмайман вассалом! – деди у жўнгина қилиб.

– Жобирбек акамнинг соғлиғи учун ҳам ичмайсизми?

– Йўқ!

Даврадагилар саросималаниб қолишди. Носир сариқ тутақиб кетди:

– Вей, Шосалим ака, қорнингиз тўйиб қолдимиз? Ўзингиз ҳам шу одамнинг орқасидан кар-р-рил-лаб юрибсиз. Сиз ҳам у кишининг оёғини...

“Бир камим сенларга ҳисобот беришим қолувди, – ўйлади Шосалим. – Қолаверса, сенлар унинг оёғини ўпаверинглар, мен эмас!” Шу лаҳза кўксида уни аҳён-аҳён безовта қилиб турадиган бир оғриқ ўйғонди. Жобирбекдан гинаси йўқ; у дўст сифатида хурматини жойига қўйиб келарди. Аммо заводдагилар унинг қора ўтмишини билганлари учун ҳам, унга Жобирбекнинг дўсти, деб эмас, унинг шахсий ҳайдовчиси деб қарашарди. Алам қиларди! У ҳамisha барчага бир ҳақиқатни аңлатмоқ истагиди ёнарди. Ҳозир шунинг мавриди келган кўринади.

– Жобирбек – менинг дўстим! Сенлар эса унинг малайсизлар. – Шосалим ўзи томон қараб турган қаҳрли нигоҳларга нафрат кўзларини қадади. – Сенлар унинг оёғини ўпсаларинг арзийди, чунки у сенларни одам сафига қўшди. Мен эсам унга келган балога кўксимни қалқон қилганман. Агар ўшанда мен бўлмасам, ҳозир Жобирбек бу ўринда бўлмасди!

Шосалим ғолибона қиёфада даврадан чиқиб кетди. Бошқалар оғзини очганча уни кузатиб қолишди. Мағлублик алами чидаб бўлмас даражада эди, аммо кўникишдан бошқа иложлари қолмаган эди. Чунки улар бугун Шосалим билан Жобирбекни боғлаб турган ип ўзлари ўйлагандан анча мустаҳкам ва пишиқ эканини аңлаб етишганди.

32

Шосалим директорнинг курсисига ялпайиб ўтирганча бир ойдан кейин ана шу ялангоёқ рақибларининг қизариб-бўзариб завод дарвозасидан чиқиб кетишларини кўз олдига келтирди: «Зап иш бўлади-да!». Ўйлаган режасининг пухталигидан завқланиб мазза қилди у.

Қабулхонага тапур-тупур қилиб ўн чоғли одам киради. Шосалим ғала-ғовурни эшитиб тугмачани босади. Котиба киради. Ортидан бояги норози қиёфалар кўринади. Шосалим ҳеч нимадан беҳабар одамдай сўрайди:

– Нима тўполон?

– Ўртоқ директор! Мана бу – бир гуруҳ безорилар сизнинг хузурингизга бостириб киришмоқчи, – котиба қулочини ёзиб, танаси билан эшикни тўсиб, ортидаги оломонни ичкарига киритмасликка ҳаракат қилади.

– Қўйсангиз-чи, Мунаввар опа! Булар безорилар эмас, ўзимизнинг ишчиларимиз-ку! – дейди у бошлиқларга хос бағрикенглик билан. Кейин: «Қўйворинг уларни, киришсин бемалол, арзлари бўлса эштай!» – деб келганларга юзланади:

– Хўш, хизмат?

– Биз ишсиз қолдик! Энди нима қиламиз? – чувиллашади улар.

– Нега ишсиз қоласизлар? Ким сизларни вазифангиздан маҳрум қилди? Камина, масалан бу ҳақда ҳозир эшитиб турибман.

– Бизни аттестациядан ўтказишмади! – ғалаён қилади улар.

– Ҳа-а-а, аттестацияданми? Аттестациядан бировни биров ўтказмайди. Ҳар ким ўз билими, малакаси билан ўтади бу имтиҳондан, – дейди у уларни очикдан-очик масхаралаб.

– Энди нима бўлади? Иложи йўқми? – мулзам бўлган тўда бир поғона паст тушиб, ялинчоқ оҳангда сўзлай бошлайди.

– Мен нима ҳам қила олардим? – атай камтарину хокисор тутади у ўзини адолатли раҳбар эканини кўрсатиб. Кейин: «Аттестация комиссиясининг ишига аралашингга менинг ҳаққим йўқ» деб бояги тўполончиларни ҳайдаб юборади.

Шосалим ана шу воқеа рўй берадиган фурсатни кўз олдига келтириб яна бир карра завқланди. Шу пайт эшикдан кимнингдир боши кўринди.


– Мумкинми?

– Киравер! Кел ўтир! Менда ишинг борми?

– Мен ҳайдовчингизман. Икки кун бўлди «Волга» ни қабул қилганимга!

– Асқар ака-чи?





– Тиббий кўриқда шифокорлар рухсат этишмабди, шекилли.

– Бир ҳисобда яхши бўпти! – ўйлади Шосалим.

Асқар ака ҳарқалай Шосалимни бир ҳайдовчи сифатида билгувчилардан. Шунинг учун ҳам уни сўраттирмаётганди. Кейин ўзининг янги ҳайдовчисига синчиклаб разм солди. Ёши бўлса 25-26 ларда. Елкалари кенг – шуғулланган бўлса керак. Сочини калта қилиб, тоза-озода кийинишидан – олифталиги аён.

– Отинг нима?

– Илҳомжон!

– Жобирбекнинг хонадонидан хабарлашиб турибсанми? У ёқда нима гаплар? Мана бу ишлар билан бўлиб, ўн кунча бўлди бора олмадим.

– Хабар олиб турибман. Кеча отани касалхонага ётқиздик.

Шосалим бу хабардан тараддудланиб қолди.

– Кеча дедингми? Ҳм-м-м, нима қипти отага?

– Дўхтирлар юрак дейишяпти, менимча – асаб! Ота бечора ўғлини ўйлайвериб эсини йўқотиб қўйган кўринади.

– Яна нима бўлди?

Илҳомжон Шосалимга бир оз яқин сурилди-да, овозини бир парда пастлаб гапида давом этди:

– Кеча касалхонага олиб кетаётганимда ота ўзини ғалати тутди. Нукул бурчақдаги ҳужрани кўрсатиб: «У ёққа ҳеч кимни киритма. Печ қизиб ётипти – куйдиради!» деб алаҳлади роса.

– Нима? – Шосалим савол беришга бериб қўйди-ю, калласига қуйилиб келган бир фикрдан саросималаниб қолди: «Калаванинг учи топилди! – ўйлади у. – Нега шу нарса аввалроқ хаёлимга келмади-а? Ахир, Гулсум аянинг хонасида катта голланд печ бор-ку! Унда олов ёнганинг ҳеч ҳам эслай олмаيمان. Муштипар аёл, қачон ҳол-аҳвол сўрагани кирсам, сандалида ўтирган бўларди. Демак!..».

– Бўпти, ишингни давом эттиравер. Агар керак бўлиб қолсанг гараждан ўзим чақиртираман. Ҳозирча Жобирбекнинг хонадонидан хабар олиб тур!

Шосалим Илҳомжоннинг ортидан кузатиб турди-да, эшик ёпилиши билан телефонга қўл чўзди. Шоша-пиша аллақандай рақамни терди. Нариги томондан жавоб бўлгач, «Қилич, бу кеч менинг шаҳардаги уйимда учрашайлик – гап бор», деди. Кейин, «Шунқор ҳам келсин», деб тайинлади.

33

Акмал «Қурувчи» меҳмонхонасидан Жобирбек ҳақида маълумот сўраган иккинчи киши бўлиб чиқди. Меҳмонхона ходимаси унинг суратини кўриб дарров таниди.

– Бу одамнинг шахси билан яна ким қизиққанди? – сўради ундан Акмал.

– Кимлигини билмайман-у, ҳар ҳолда аёл киши эди, – жавоб қилди у.

– Нималарни сўраганди?

– Шу одамнинг бизнинг меҳмонхонамизда тунаган-тунамаганлигини, тунаган бўлса ким билан бўлганлигини сўраганди. Мен мижозларни қайд қилиш китобида фақат унинг номи борлигини, аммо белгиланган муддатгача меҳмони бўлгани ҳақида маълумот бергандим.

– Бу, ҳойнаҳой Гулчеҳра бўлса керак! – дилидан ўтказди Акмал. Кейин айрим ноаниқликларга ойдинлик киритиш учун меҳмонхона ходимасини яна саволга тутди: – Меҳмонхонага кунда юзлаб одам кириб чиқади. Уларнинг ҳаммаси ҳам хотирада сақланиб қолавермайди. Айнан Жобирбек билан боғлиқ воқеаларнинг аниқ-таниқ ёдингизда қолганига сабаб нима – шуни тушунтириб берсангиз?

Жувон бирдан қизариб кетди. Боши қуйи эгилди. Бармоқлари билан куйлагининг шокилаларини ўйнаб, оҳиста гап бошлади:

– Биласизми, жудаям кўзга яқин йигит эди у. Кўркам, хушбичим, устига устак пули кўп эди. Бизнинг меҳмонхонамизга бунақа одамлар камдан-кам келишади. – Жувон бир муддат жимиб қолди.

– Шунинг ўзимми?

Жувон терговчининг саволига дарҳол жавоб қилмади. Ўша хушбичим, хушсурат йигитга ўзида ҳам майл бўлганини, маълум бир муддат Жобирбекнинг ишқий саргузаштлари туфайли мўмайгина даромад олиб келганини рўйи рост тан олди.

– У менга ҳам ёқарди, – деди у аста ийманиб.

Акмал аввалига Фарангисни эркин қўйди. У ҳам терговчининг қулоғига лағмон илган бўлиб роса обқочди. Рад қилиб бўлмас далилларни рўқач қилгач эса, ранги бўзариб довдираб қолди. Ўзини бир умр кузатув остида бўлгандек ҳис қилди. Кўрқувдан дағ-дағ қалтирар, вазиятни фикр қилмоққа ожиз эди у. Терговчи шу қадар кўп маълумотларни қаердан ва кимдан олганини билолмай боши қотганди.

– Энди Сакина ҳақида сўзлаб беринг! – қантарилган қарталарни бир-бир очишда давом этди Акмал.

Сакинанинг номини эшитиб жувон батамом тор-мор бўлди. Бутун вужудини қалтироқ босди.

– Мени қамашадими? – йиғламсиради у.


– Йўқ, аммо жазо муқаррар! Терговга берган ёрдамнинг эса айбингизни бир мунча юмшатади.

Акмалнинг сўзлари далда бўлиб, Фарангис бир оз тинчланди. Кейин, энди ҳамтовоқларининг қайиғида қола олмаслигини, бу тешик тоғора узоққа сузишга ярамай қолганини пайқади. Сўнг кўз ёшларини артиб, ўзини бир оз тузатган бўлди-да:

– Айтаман, ҳаммасини айтаман! – деди.

*Давоми келгуси сонда*





# Ўзбекистон Республикаси Аҳоли ҳимоя қўлқонига

Ўтқир МУҲАММАД

## ВАТАН ИШЛАРИ

Сен ўзбек деганда гоздек турмасанг,  
Ўзи пушт-илигинг тўлиқмикан, бил.  
Кўнглингда бир кичик Ватан қурмасанг,  
Бу кўнглинг қамишзор, қўриқмикан, бил.

Бир вақт яйловида қўй, сизир боқсанг,  
Қуриган хас йиғиб, гулхан, ўт ёқсанг...  
Энди чанг далани кўриб тутақсанг,  
Шу Ватанга меҳринг илиқмикан, бил.

Битта айвон қурмай ёзиди ётсанг,  
Қишида гудраниб, яна совқотсанг,  
Баҳор келган қушга кесагинг отсанг,  
Дилнинг тирриқ, миянг силлиқмикан, бил.

Тўрт қўшни тоmidан бўй чўзса томинг,  
Ҳалолдан кўпайиб кетса ҳароминг,  
Кун ўтиб унутиб қўйсанг саломинг,  
Йиғган обрўларинг тариқмикан, бил.

Амалинг бўлганда ҳаммолинг бўлган,  
Қўл ювганда бир дастрўмолинг бўлган,  
Изингдан эргашиган шамолинг бўлган,  
Дўстларинг карвони юлғумикан, бил.

Онанг сандиқ очиб, ёпгандай бўлди,  
Ичидан бир туғун топгандай бўлди,  
Пойинг ниманидир ўпгандай бўлди,  
Бобонг кийган эски чоригмикан, бил.

Ватан ишлари бор, ҳар қандай ишдан,  
Устундир. Олийдир, борки юмушдан.  
Буни тўйиб ўтсанг гар сен турмушда,  
Шу кунлар ишддати ёруғ экан, бил.

Нақадар муқаддас Ватан ишлари,  
Бу ишлар дилларнинг ювгай гаиларин.  
Уйингга кеч борсанг, қолсанг ушланиб,  
Ватан учун бўлса улуг экан, бил.



## ОНАМ ЙИГЛАР ЭДИ...

Райимқул акага

Кўнглим бекаси деб билган азизам,  
Тун. Мижжа қоқмадим бўлмасдан мазам.  
Сиз бефарқ ётдингиз, тонггача бегам,  
Онам йиғлар эди менга қўшилиб.

Офтоб ердан олар экан тафтини,  
Мен кимдан олайин айтинг, мафтуним!  
Пешонамга қўйиб иссиқ кафтини  
Онам йиғлар эди менга қўшилиб.

Хаста дилга ўйлар келаркан хаста,  
Хаста дил девори гиштмаскан, пахса.  
Онали уй экан ойдин, ораста,  
Онам йиғлар эди менга қўшилиб.

Сизга суянмасам, ким бўлсин суянч,  
Айтинг, таянмасам ким бўлсин таянч.  
Ўйинг меҳрдан ганч, кетсин дилдан ранж,  
Онам йиғлар эди менга қўшилиб.

\* \* \*

Шўхмисан, сен билолмадим, шодонмисан,  
Шаддодгинам ёки шоҳи жаҳонмисан,  
Шу кунларда қалбим гирён айлайверар,  
Шу қалбимни ёққан оташ, тобонмисан?

Анов осмон малаклари фаришталар,  
Атрофингни нурдан безаб, саришталар.  
Юрагингдан ҳаяжонли бир йўл кўрдим,  
Жон итимга туташган ул йўл – ришталар

Ҳали-ҳануз қўлларим ҳам дод солади,  
Маҳзун титроқ оҳангида куй чалади.  
Чунки шу кун қўлинг ушлаб турганида,  
Кафтинг тафти дардларимни даволади.







# СУРУР

**Бобур НАБИ**

## Ҳикоя

Унинг хаёллари ўзида эмас – осмонларда учиб юради, лабида эса ним табассум, тепаликка қиялаб чиқиб бораркан, гоҳ-гоҳ ўзича сакраб, қўлларини ҳавода ўйнатиб кўяди. Оёғи остидаги ўнқир-чўнқир йўл ҳам уни чалғита олмас, аксинча паст-баландликлар унинг юришига ёрдам бераётгандек эди.

Адирнинг чап тарафида олма боғи ястаниб ётибди. Ўнг томонида эса пахта пайкали. Олмалар кузги куёшнинг заиф нурида ялтираб, гўё кўз қисиб тургандай. Куёш ҳам куни билан нур сочиб чарчаган шекилли, тоғ ортига ҳорғин бош кўймоқда. Баҳром шу боққа қарайди. Мана, ҳозир йиғим-терим пайти, ҳосилни йиғштириб олиш керак. Шу адирнинг энг тепа қисмида у бувиси билан яшайдиган уй жойлашган. Ҳойнаҳой бувиси қовоқхўрда қилиб, уни кутиб ўтиргандир. Бу овқат ҳақида балки сиз билмассиз, лекин бир марта татиб кўрсангиз, ошқовоқдек ширин неъмат борлигига яна бир карра амин бўласиз. Ана ўша ошқовоқни сигирдан янги соғилган сутга қўшиб қайнатилса, энг мазали қовоқхўрда тайёр.

Баҳромни қувноқ кайфиятда кўриб, Ризвон бувининг ҳам юзига табассум югурди, лекин барибир бу саёқ неварасини койймоқчи бўлди.

– Ҳой, Баҳром, сенмисан, болам? Шу пайтгача қаёқларда юрувдинг? Бу ёқда шунча иш қоп кетдию.

Баҳром бу гапларга эътибор бермади. Қандайдир қўшиқни хиргойи қилиб, сўрига узала тушиб ётиб олди. У ҳамон самоларда учиб юрарди. Ризвон буви турган жойида қотиб қолди. Ахир ҳамини салом бериб келарди-да. Бугун негадир бошқача бўлиб туюлди. Ўзи билан ўзи овра. Сен кимга гапиряпсан, демайди ҳам. Ризвон бувининг энди росткамига жаҳли чиқиб кетди. Косага неварасининг сеvimли овқатини сузиб, дастурхонга қўйгач, секин Баҳромни чақирди:

– Ҳой, бола, сенга нима бўлди?

Баҳром ҳеч нарса бўлмагандай ерга қараб ётарди. Ризвон кампирни ёмон хаёллар ўраб олди. Тавба, нима бўлди экан, а? Ҳеч бунақа одати йўқ эди-ку. Кампир энди бақиршига тушди:

– Баҳром! Ҳой, Баҳром!

Ва ниҳоят бола бу оламга қайтди. Бошини кўтариб, қаршисида қошларини чимириб турган бувисини кўрди. Шундагина қаерда эканлигини англади. Дарҳол ўзини ўнглаб, бувисига салом берди.

– Валекиим, – деди Ризвон кампир заҳархандалик билан. – Ҳа, Баҳромбой, нима бўлди? Жа бошқача кўринасиз...


Бола бувисининг феълини яхши билади. Жаҳли чиқади-ю, аммо бирор ёмонликни ўйламайди. Шунинг учун ҳам Баҳром эркалик қилаверади. Ризвон буви эса биринчи невараси бўлгани учун уни бошқача кўради. Койиб-койиб, яна эркалаб кетаверади.

– Ҳеч нима бўлмади, буви. Пастга пахта тергани келишибди. Шуларни кўргани тушувдим, – у шундай дедию юзи қизариб кетди.

Аммо Ризвон кампир қоронғида буни сезмади. Менга нима, дегандай қўл силтадию ўз юмушларига шўнғиди...

Баҳром оппоқ тишларини кўрсатиб, бир илжайдию ҳузур билан қовоқхўрдасини, ундан кейин ўчоқда қайнатилган чойни ичди. Бувисининг сигирларга ем бер, деган эслатмасидан кейин унинг орқа томонига – адирнинг энг тепа қисмига олиб чиқадиган йўлга ўтди. Боғнинг тугаш жойида молхона бор эди. Иккита эна-бола сизир, улардан сал нарироқда эса бир буқача бойланган. Буқачани Баҳромнинг шахсан ўзи боқяпти. Оппоқ майин юнглари, мунчоқдек мўлтираб турган кўзлари, пешонасидаги қора қашқаси ва айниқса, ярим қаричча келадиган шохлари Баҳромнинг дийдасини юмшатиб, унда новвосчага нисбатан янада кўпроқ меҳр уйғотарди.

Ҳозир ҳам сигирларга емини бергач, ўз “суюклиси”нинг олдига бир тоғора кўсак қўйди. Кўсак молларнинг сеvimли емиши, қолаверса, семиртиради. Буқачаниннг оғзини кўпиртириб кўсак ейишини завқ билан томоша қилиб тургач, бўйнидаги юнгини аста силади. Новвос халал берма, дегандек гўёки қозигини суғуриб юборадиган даражада бир пишқириб қўйди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, тоғора тарақлай бошлади – буқача кўсакни еб бўлиб, тоғорани ялаб-юлқаетган эди. Баҳром новвосдан тоғорани базўр тортиб олди-да, ой шуъласи ёритиб турган тепаликка чиқмоқчи бўлди.



Осмон очик, юлдузлар порлаб турибди. Ой ҳам тўлин. Атроф худди кундуздек ёп-ёруғ. Бир ёқда чигиртка нағма қилади, узоқроқдаги зовурдан эса курбақаларнинг сайраши эшитилади. Баҳром тепаликка чиққач, кўрагини тўлдириб нафас олди. Сўнг майсалар устига чалқанчасига чўзилди. Қўлларини ёзиб, тепасидаги ойга тикилди. Шу аснода боягина хаёлларини ағдар-тўнтар қилиб юборган қиз ҳақида ўйлай бошлади...

Баҳром боғнинг қуйи қисмида олма тераётганида катта йўл бўйидаги эски шийпонга иккита автобус келиб тўхтади. Ичкаридан қий-чув қилиб, талабалар тушишди. Баҳром барча ишини йиғиштириб, ўша томонга югурди. Талабалар аввалига янги жойни кўздан кечириб чиқишди. Кейин эса автобусдан юкларини тушира бошладилар.

Баҳром беихтиёр автобус ёнига бориб қолди. Ҳашарчиларнинг гоҳ адирларга, гоҳ узоқдан кўриниб турган тоғларга тикилиб туришини кузатиб, ёнига келган қизни пайқамади.

– Ҳей, сизга гапиряпман.

Бола ёнига қарадию, юраги тез уриб кетди. Қип-қизил гунча лаблар, қоп-қора чарос кўзлар, айниқса, унинг хуснига ҳусн қўшиб турадиган юзидаги кулгичи Баҳромни бир кўришдаёқ ўзига мафтун этди. Узун киприklar остида таажжубли тикилиб турган хумор кўзларга боланинг кўзи тушиб, икки юзи қизариб кетди.

Қиз қувноқ овозда яна сўз қотди:

– Болалар тарқаб кетишди. Ўзим қийналяпман, сумкамни кўтаришворинг.

Баҳром энди ўзига келди. Бахтиёр қизнинг тўрвасини кўлига олди.

У қиз билан гаплашишни жуда-жуда истарди. Аммо бирор сўз тополмади. Қиз анча шаддод экан, ўзи болани сўроққа тутди:

– Отиз нима?

Бу қутилмаган саволдан бола эсанкираб қолди. Наҳотки унинг исмини билгиси келяпти?! Баҳром кулоқларига ишонмади. Беихтиёр исмини айтдию сармаст ҳолда осмонда уча бошлади. У шу пайтгача бундай ҳолатга тушмаган эди. Олдинлари қизларни кўрганда ҳам ўзини йўқотиб қўймасди.

– Меники Шоҳида, – деди қиз ўша-ўша қувноқ оҳангда. Ўртоқларини Шоҳи деб чақиришади. Сиз яхши бола экансиз. Шу ерликмисиз?

Наҳотки у ҳам қизга ёқиб қолган бўлса?! Бўлмаса, бунчалик сўраб-суриштирмасди. Балки қўл бериб кўришарман, деб ўйладию дарров юзи помидор бўлиб кетди. Қизнинг ингичка қошларини кериб, лабини чўчайтириб туриши боланинг қалбига яна ўт қалади. Ҳали-ҳамон жавоб талаб қилиб турган нигоҳ билан Баҳромнинг ҳам нигоҳи тўқнашдию дарҳол кўзини четга олди.

– Ҳа, шу ерда боғимиз бор. Ҳар йили кузда ҳосилни териш учун келаман.

Унинг гапи узилиб қолди. Нарироқда бир неча қиз улар томонга қараб келишаётган эди. Қизлар икковини кўриб, қикир-қикир кулишди. Бола баттар хижолат бўлди. Энди бу ерда ортиқчалигини сезиб, орқасига бурилди. Келган жойига қайтиб кетмоқчи эди, бояги қувноқ овоз уни яна тўхтатди. Баҳром юраги зириллаб, ортига қаради. Ўзи билмаган ҳолда кўзини юмиб олган экан, қизнинг чақирувидан сўнг ўзига келди. Шоҳида унга кўлини чўзиб турарди. Бола энди тамомила карахт бўлиб қолди. У аста ўнг кўлини кўтариб, қизнинг майин кўлини ушлади. Шунда унинг баданни чумоли ўрмалагандек жимирлаб кетди. Шунчалик сархушлигидан ҳушини йўқотаёзди. Кўзлари сузилиб, гандираклар ортига қайтди. У йўқолган бир қоп олтинини қайта топиб олган одамдай осмонларда учиб борарди...

Баҳром иккала кўлини бошининг тагига ёстиқ қилиб қўйди-да, оёқларини чалкаштириб, тепасида турган ойга яхшилаб разм солди. Оймома доимгидан кўра сал катталашгандек кўринди. Ёки ўзига шундай туюлдимикан? У янада синчковлик билан назар солди. Шу қадар берилиб тикилдики, гўё ой билан ёнма-ён тургандек ҳис қилди ўзини... Кейин ойда ўша таниш қиёфа намён бўла бошлади. Аввал кўзлар, қошлар, киприklar расми чизилди, сўнгра қизғиш лаблар ва бежиримгина бурун тасвири пайдо бўлди. Аста-секин ой ўрнини қизнинг рухсори эгаллади.

Баҳром унга шунчалар яқин турганидан хижолат тортиб, юзини орқага олди. Тик турган жойида яна ўша майин кўл тафтани ҳис қилди. Бола энди ўзига бўйсунмади. Қизнинг кўлидан маҳкам ушлаб, қирларга қараб югуриб кетди. Икковлон кучлари етган жойгача чопишди. Энг юқори чўққига чиқишгач, оёқлари остидаги лолақизғалдоқлар кучоғида анча вақтгача бир-бирига тикилиб ўтиришди. Қанча пайтдан бери бир-бирига тўймаган кўзлар бугун айрилишни ҳеч ҳам истамасди. Висол дамлари етиб келгани ҳар икки ошиқ юрак учун ҳам аниқ бўлиб турса-да, журъат этиб бир нима қилишга ботина олмасди. Ҳатто бир сўз дейишга-да ҳожат йўқ эди. Фақат нигоҳлар сўзлашар ва бу тилни фақатгина ошиқ юраклар тушуна оларди.

Улар узоқ вақт шу зайлда ўтиришди. Лекин ҳеч бир-бирига тўйишмади. Аксинча янада кўпроқ термулиб туришини хоҳладилар. Қизнинг лаблари табассумга мойил тарзда жилмайганида унинг кулгичи боланинг дилига қайта ўт ёқди. Юлдуз чақнаб турган қизнинг кўзларида чуқур муҳаббат изҳори яширин эканлиги шундоққина билиниб турарди. Лабининг четига тушиб турган бир тутам сочи эса қизнинг жаҳлини чиқармасди. Аниқроғи, Шоҳида бунга эътибор бермаганди. Бола икки бармоғи билан ўша зулфни қизнинг қулоғи орқасига ўтказиб қўйди. Шундагина ҳаёдан қизарган юзлар кўздаги нигоҳ билан бирга қуйига эгилди. Кейин қиз унинг кўлидан юлқиб чиқиб, нарироққа борди-да, қўллари билан юзини тўсиб олди.

Баҳром ўзида йўқ хурсанд, бахтидан сармаст эди. Ҳозирда ундан бахтли одам топилмасди. Оппоқ тишларини кўрсатиб, жилмайди-да, гуллар устига аста чўзилди. Кўзларини юмиб, лаҳзалар ичида рўй берган воқеалар ҳақида кўпроқ ўйлашга урина бошлади...

– Ҳой, сизга гапиряпман.

Бу таниш овоздан Баҳром кўзларини очди. Қуёш тиккага келиб қолган, атрофида эса бир неча қиз унга қараб туришарди. Қизларнинг олдида чўзилиб ётгани ўзига ҳам эриш туюлиб кетди, шекилли, дарҳол ўрнидан сақраб турди. Шундай ширин тушнинг белига тепгани учун уларни бир сўкмоқчи бўлдию, лекин бояги таниш овоз унинг қулоқлари остида жаранлагандек яна янгради:

– Ҳей, эски таниш, пахтазорда юрган буқача сизга қарашлими?

Бу ўша қизнинг овози эди. Наҳотки уни топиб келган бўлса? Бу ерга қандай чиқишди экан? Ёки шунчалик кўп ухлаб юбордимми? У саволларига жавоб топгунича қиз яна гап ташлади:

– Сизни бувингиз қидириб юрибди. Пастга тушсангиз, яхши бўларди, – улар шундай деб, ортига қараб кетишди. Шоҳида кета туриб, унга ўғирилди. Кўлини кўтариб, хайрлашган бўлди-да: – Бундан кейин бунақа жойларда ухламанг, – деб ширин кулгичини унга ҳадя қилиб кетди.

Бола то ўзига келиб олгунича қизлар пахтазор ичида ғойиб бўлишди. Нима дейишди? Буқача бўшалиб кетибди-ми? У дарров яна пахтазорга қараб йўл олди. Энди у дунёдаги энг бахтиёр инсон эди. Югуриб бораркан, қип-қизил тусга кирган юзидан табассум аримасди...





Шодмон ОТАБЕК

## УСЛУБНИНГ ГЎЗАЛ ҚИРРАЛАРИ

Талабалик йиллари Иброҳим Ғафуровнинг «Гўзалликнинг олмос қирралари» деган китобини талашиб-тортишиб ўқиган эдик. Бу китоб биз шу маҳалгача ўқиган асарларга мутлақо ўхшамас, бутунлай бўлакча, эркин, шоирона бир услубда битилгани боис диққатимизни тортган эди. Кейинчалик билсак, Иброҳим ака университетда ўқиб юрган кезларидаёқ устоз Умарали Норматов эътироф этганидек, талаба Ғафуровдан мунаққид Ғафуровга айланиб улгурган экан. Муаллимларимиз ўқиб чиқишга топширган мажбурий адабиётлар рўйхатидаги аксарият китоблар зерикарли туюлар, уларни мажбурият юзасидан ўқир, адабиёт илмида узоқ ҳукм сурган қуруқ академизм, иқтибосбозлик, юзакилик илллати жонимизга теккан эди. Иброҳим аканинг ўша китобида бўй кўрсатиб, нишона берган ва бизга янгиликдай туюлган фазилатлар асардан асарга мукамаллашиб, йиллар давомида сайқал топиб, беқиёс ва бетакрор бир услуб сифатида шаклланди. Тафаккур тарзидаги ўзига хослик, сўз санъатини эстетик ҳодиса сифатида ҳис этиш ва талқин этиш, бадий асар моҳиятига теранроқ кириб бориш, танқидни гўзалликни кашф этиш санъати деб ҳисоблаш унинг ижодида устувор йўналишга айланди.

«Адабий танқидни эссе жанрига яқинлаштириш, икки жанрни омухта қилиш учун кўп йиллардан бери уринаман», дейди муаллиф. Бу уриниш ажойиб самаралар бергани учун ҳам асарлари худди бадий асар каби мароқ билан ўқилади. Бизда ҳали-ҳануз асл намунаси яратилмаган «Машҳур кишилар ҳаёти» туркумидаги асарларни Иброҳим Ғафуровдек потенциал ёзувчилик салоҳиятига эга бўлган қаламкашлар ёзса мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман. Дарвоқе, Иброҳим аканинг насрий асарлари ҳам бор, фақат улар эсселари, бадиалари соясида қолгани учунми, у қадар оммалашмаган.

Санъат асари ҳақидаги асар ҳам санъаткорона ёзилиши лозимлиги кўп таъкидланади, аммо бунга амал қилиш осон эмас. Немис файласуф ёзувчиси Лихтенберг «Эй Худо, китоб ҳақида китоб ёзишдан ўзинг асра» деган эди. И. Ғафуров эса китоб ҳақида, ёзувчи ҳақида ёзишни яхши кўришлигини ўзи очик эътироф этади. Демак, ҳамма гап қаловини топишда. «Қалов»нинг калити эса битта – истеъдод!..

Шахсий кутубхонамда вақтим бўлганда ўқиб кўярман дея бир четга тахлаб кўйган китоблар анча тўпланиб қолган экан, вақт топиб эринмай ҳаммасини ўқиб чиқдим. Айримларини шунчаки варақлаш билан кифояландим. Менда энг чуқур таассурот қолдирган, энг кўп завқлантирган, чексиз ҳайратлантирган китоб – Иброҳим Ғафуровнинг «Шарқ» нашриётида 2008 йили чоп этилган «Мангу латофат» асари ((2006 йили чоп этилган «Ҳаё – халоскор»нинг мантикий давоми) бўлди. Шубҳасиз, бу китобни шунчаки варақлаб ёки тез ўқиб бўлмасди. Уни ютоқиб, энтикиб, ҳайратланиб, завқланиб ўқидим.


«Мангу латофат»нинг жанри гарчи бадиалар, рисоалар деб белгиланган бўлса-да, китобнинг мазмун ва мундарижаси бу қолипга сиғмайди, қамров шу қадар кенг. Муаллиф китобнинг миллат ҳақидаги куюнчак, нозик ва теран фикр-мулоҳазалари, кузатишлари жамланган бобини «Миллатнинг биллурланиши» дея ўзига хос, шоирона номлайди. «Миллат деганда биз нимани англаймиз? Миллат қачон юзага келади? Халқ деганда нимани тушунамиз-у, миллат деганда нимани тушунамиз?» каби кўпчиликни қизиқтирган, бир умр тўлқинлантириб келган муаммо-саволларга жавоб қидиради.

«Хуллас, тил, тарбия ва маърифат билан миллат майдонга чиқади. Миллат халққа ёхуд авомга хос тарқоқликнинг туганлигидир. Давлатчиликнинг мустақам ва тебранмас тарзда шаклланганлигидир» деган хулосадан қониқиш ҳосил қиласиз. Миллий онгнинг уйғонишида беқиёс хизматлар қилган, фидойилик кўрсатган жадидчилик ҳаракатининг йирик вакиллари – Фитрат ва Беҳбудийларнинг фаолияти, қолдирган боқий мероси атрофлича таҳлил қилинади.

Китобнинг иккинчи, салмоқли қисми адабиёт, шоир ва ёзувчилар ҳақида, шу боис у «Адиблар гулшани» деб номланган. Муаллифнинг ёниқ, эҳтиросли сўзи туфайли таниқли адибларимиз ҳақидаги тушунча ва тасаввурларимиз теранлашади, бойийди, уларнинг нурли сиймоси кўнглимизга янада яқин бўлиб қолади.

И. Ғафуров атоқли адиб Одил Ёқубов ижоди ҳақида тўхталаркан, шундай ёзади: «Менга Одил Ёқубовни ёзувчи даражасига кўтарган «Муқаддас»да ҳам, ундан кейин яратилган «Ларза», «Тилла узук», «Бир фельетон





киссаси» каби асарларда ҳам шу «Икки муҳаббат»дан эргашиб келаётган бир ЎЗАК НАРСА (таъкид бизники – Ш. О.) борга ўхшайди. Буни, янглишмасам, инсоннинг ўз-ўзини очишга, ўз майлини намойиш қилиш, иродасини кўрсатиш ва тасдиқлашга бўлган интилиш деб аташ мумкин. Булар ахир ижод ва ижодкор учун ўзак, асос нарсалар эмасми?».

Иброҳим Ғафуров худди табиб беморнинг томирини ушлаб, дардини беҳато айта олганидек, ҳар бир адиб ижодидаги ўша ўзак нарсани тўғри белгилайди, шу боис айтган сўзлари жўяли, залворли, таъсирли. Шу боис унинг битикларида ўзи суйган, ўзи севган ва ихлос қўйган адибларнинг суврати ва сийрати ёрқин очилади. Ҳар бир айтган каломи, сўзи, ҳар бир фикр-мулоҳазаси адабиёт аталмиш мўъжизага буюк муҳаббат ва эҳтиромдан, ошуфталиқдан туғилади. Шу боис биргина жумла билан Эркин Воҳидов ижодининг бутун маъно-моҳиятини жуда теран ва ҳаққоний акс эттира олади: «Унинг барча ёзган асарлари замиридаги самимият, маҳрамона инсонийлик, меҳр-оқибатни одамийликнинг энг юксак идеали даражасида тушуниш ва ўз асарларида шундай талқин этиш, яъни шеър-достондагина эмас, ҳаётда ҳам, ҳаётнинг ҳар қандай ҳолатларида шунга риоя этиш, оғишмай амал қилиш, Ватанга худди отага суюнгандай суюниш, халққа худди онага топингандай талпиниш, юртнинг, элнинг камолини ўйлаш, орзу қилиш, унинг учун тинимсиз қайғуриш ва юрт маънавияти, тарихи ва аъёналаридан доим завқларга тўлиб юриш, қадим мумтоз шоир, муаррих, донишманд адиб ажодлар каби комилликка сажда қилиш, комилликни кўрган, унга дуч келганда дарҳол илҳомга тўлиш, ҳаяжонланиш – Эркин Воҳидовни инсон, шахс, катта санъаткор шоир сифатида ўз даври, ўз авлодининг жуда ёрқин пешқадам вакили деб қарашга имкон беради».

Китобда адибларнинг ижоди билан таржимаи ҳоли, шахсияти бир бутунлиқда, яхлит олиб қаралади. Яқин ўтмишда ўтган таниқли адиблар ҳақида гап кетганда, муаллиф айрим олимлар каби «Ҳа энди, улар ўз даврининг фарзанди эди» каби умумий мулоҳазалар билан чекланмайди. Улар санъатининг бетакрор жиҳатлари нозик таҳлил қилинади, айна чоғда дунёқарашларидаги мураккабликлар, фарқли томонлар ҳам холис кўрсатилади. Бу ўринда муаллиф қиёслаш усулидан унумли фойдаланади. Фитратлар, Қодирийлар шўролар замонида ўзларини озод ҳис этмаганлари, Абдулла Қаҳҳор каби адиблар эса ўзларини озод инсон деб ҳис қилиб, қизил мафқурани қабул қилганликлари тўғри таъкидланади. Айна чоғда муаллиф ўз фикрини ягона ҳақиқат тарзида тақдим этмайди. Келажакда Абдулла Қаҳҳор ижоди бошқача талқин қилиниши ҳам мумкинлигига ишора қилади.

Қиёслаш орқали таниқли мунаққидлар – Озод Шарифиддинов ва Умарали Норматовлар ижоди, истеъдодининг ўзига хос томонлари холис ва теран ёритилади.

Таниқли Ҳамзашунос олим Лазиз Қаюмов ҳақидаги кузатишлар ҳам бетакрор, диққатга сазовор: «Ҳамза деган оғизга бол тутарди. Фақат мафқура чегаралари ва меъёрларига сира сиғмайдиган Ҳамзадай улуғ миллатпарвар ва озодлик жарчисини мафқура платформаларига ва унинг чегаралари ичига сиғдириш, тортиб олиб киришга уринарди. Ҳамзанинг серқирра ижоди ва тарихий фаолияти эса бунга сиғмас ва ўз бошига исён қиларди».

Бу мулоҳазаларда И. Ғафуровнинг очиқ айтолмаган, айтишга истиҳола қилган фикрлари ҳам бўй кўрсатиб турибди. Андишали, маданиятли олим шу тариқа тўла-тўқис айтолмаган гапларини китобхоннинг фаҳму фаросатига

ҳавола этади. Марифатли китобхон учун ёзади ва шундай китобхонни орзу қилади.

«Мангу латофат» бошдан оёқ озодликка, ижод эркинлигига ташналик, империячилик, истилочилик, зўравонлик ва қатағон сиёсатига, қизил мафқурага қарши чексиз нафрат руҳи билан суғорилган. Усмон Носир ҳақидаги «Қисматнинг овози» бадиасида бу гоё айниқса бўртиб кўринади. Ушбу аламли битикларни хотиржам, ҳаяжонсиз ўқиш мумкин эмас:

«Даҳшатли Сибир ўрмонларида яланғоч кўксини ўйиб қонга ботирган Усмон Носир!

Сенинг шеърларингда қисматинг ҳайқиради!

Гуноҳинг нима эди, сени бунчалар шафқатсиз забун қилдилар?!»

Адабий муҳитда, турли давраларда «Шеърият»ни ҳеч ким Иброҳим акачалик чуқур тушуниб, таҳлил қилолмади!» деган гап юради. Бу эътирофда жон бор, албатта. «Шеърни таҳлил қилиш жуда ҳам гўзал қизнинг кипригини санаш билан барабар. Киприк санашга берилиб кетиб, гўзалликнинг асл моҳиятидан беҳабар қолиб кетасиз» деб ёзади мунаққид. Маълум муддат бошқа ишларга андармон бўлган мунаққид шеърят таҳлиладан андак узоқлашган ва мухлислар унинг асарларини соғиниб қолишган эди. Китобда муаллифнинг Ойбек, Зулфия, Шайхзода, Абдулла Орипов, Азим Суюн, Саъдулла Ҳаким шеърияти ҳақидаги ўзига хос, оҳорли мулоҳазалари ўрин олган. Айниқса, сўнги йиллар шеърияти ва адабий жараён ҳақидаги теран кузатишлар, кутилмаган хулосалар ногоҳ ўқувчини сергак торттиради, уни фикрлашга, мушоҳадага чорлайди.

«Ҳозир аксар истифода қилинаётган шакллар бир тусли ва номавзунки, уларни эслаб қололмайсиз. Мингта шеър – битта шеърга ўхшайди баъзан. Юзлаб шеърлардан тузилган тўпламлар баъзан битта шеърнинг турли вариацияларидай туюлади. Булар адабий ўқишлар сустлашгани ва уларда изчил системанинг йўқлиги натижасидир» деб ёзади муаллиф.

Китобнинг мавзу доираси анча кенг. Учинчи – «Ахлоқни соғиниш. Ҳаё – халоскор» деб номланган бобда муаллиф маънавий, ахлоқий, фалсафий масалалар ҳақида ўта қуёнчаклик билан, айна чоғда жиддий ва теран мулоҳаза юритади. Оламнинг ва одамнинг номукамаллигидан куйинади, қайғуради, комил инсонни орзу қилади. Бу жиҳатдан у буюк ўтмишдошларига ўхшаб кетади.

Достоевскийнинг дунёни гўзаллик қутқаради деган машхур ҳикмати бор. Иброҳим Ғафуров замона зайли ва глобаллашув шароитидан келиб чиқиб, масалага сергакроқ назар ташлаган ҳолда бўлакча, ҳаётийроқ ёндошади:

«Ер юзида тугал оқиллик, меъёр ва ирода билан яшамоқдан ўзга чора қолмади.


Оқиллик, меъёр ва ирода!

Одамзодни шу уч нарсга қутқаради. ...Яқин орада барча одамзод шу фикрга келади».

Бу – бутун цивилизация тараққиётини синчков кузатган донишманднинг хулосаси! Унга қўшилмоқдан бошқа илож йўқ!

Муаллифнинг умидбахш, некбин башорати ижобат бўлишига ишонгинг келади.

Иброҳим аканинг китобга, муталаага ошуфталиги ўзи бир дoston. Биринчи китобнинг шуқуҳи, нашъу намоси ( дарҳақиқат, илк китоби чиққан муаллифнинг қувончи беқиёс, бетакрордир) ҳақида самимий ҳаяжон ва лиризм билан суғорилган ҳикоясининг ўзи бир дoston. Наво-



ийни қандай ўқиб ўргангани ўзи бир дoston, Навоийни тушуниш қийин дея танбаллигини, ҳафсаласизлигини хаспўшловчиларга зўр ибрат! У болалигидан китобга астойдил меҳр қўяди, (бу ихлос бир умр давом этади) бошқа тенгдошлари каби ҳайитликда ўйинчоқ ёки бирон ширинлик эмас, китоб ундиради. Керакли китобларни ўсмирлик ва ёшлик йилларидаёқ ўқиб чиқади. Шу нарса унинг ҳаёт йўлини, тақдирини белгилайди. Бу – унинг бахти ва омади эди.

Яхши китобхон билганларини бошқаларга ҳам илинади, ўқиган китобларидан бошқаларнинг ҳам баҳраманд бўлишини истайди. Муаллиф Абулфайз Байҳақийнинг «Тарихи Масъудий» китобини ўқиб, қаттиқ таъсирлангани, бу ҳақда Одил Ёқубовга гапириб бергани, адиб ҳам бу асарга қизиқиб, ундан сўраб олиб ўқигани ва оқибат ижодий ғоя туғилиб, «Кўҳна дунё» романи яратилганини мароқ билан ҳикоя қилади.

Иброҳим Ғафуровнинг мумтоз адабиётни ҳам, замонавий адабиётни ҳам бирдай маҳорат билан мағзини чақиб, нозик таҳлил қила олиши (бундай мунаққидлар бизда санокли) аввало Оллоҳ юқтирган истеъдодга ўша мутолаа маданияти эш бўлиб, яхши самара бергани натижасидир. Айни чоғда қаламининг қудрати ва услубининг гўзаллигини ҳам шу икки омил билан изоҳлаш мумкин. Мен аслида ушбу мақолани Иброҳим Ғафуров услубига бағишламоқчи эдим. Шундай қилсам ҳамма нарса жой-жойига тушадигандек туюларди. Мен бу услубни таърифлайдиган сўз, иборани кўп қидирдим: гўзал, бетакрор, жозибадор, ғаройиб, оҳорли, мафтункор... Кўтаринки сўзларни қўллашга иймандимми, бундай таърифлашга журъат қилолмадим. Балки «Оддий сўзларни усталик билан уйғунлаштириш санъати» десам тўғрироқ бўлармикин? Балки бу услубнинг сеҳру жодуси заманида шунчаки она тилни аъло даражада билиш ва уни теран, нозик ҳис эта билиш салоҳияти ётар? Нима бўлганда ҳам бу услуб бетакрор, беқиёс. Уни таърифлашга сўз қидириб бош қотиргандан кўра «Иброҳим Ғафуров услуби» деган мавзуда диссертация ёзиб қўя қолган маъқулдек туюлади. Ижоди шунга арзийди, шунга имкон беради. Таржимонлик маҳоратининг ўзи ўнлаб илмий ишларга мавзу бўла олади.

Дарҳақиқат, сўз туйғуси ўткир, сўзга, адабиётга ошурфта кўнгил И. Ғафуров услубидан завкланмаслиги, ҳайратланмаслиги мумкин эмас. Бизда адабиёт ҳақида, ижод ва ижодкор ҳақида шу маҳалгача ҳеч ким бундай ёзмаган эди. Тилнинг, сўзнинг гўзаллиги ва қудрати, чексиз имкониятларини фақат ёзувчи, шоир эмас, олим, мунаққид ҳам намоиш эта олиши мумкин экан. И. Ғафуров гапга чечанлигини, сўзамоллигини кўрсатиб қўйиш учун шундай ёзмайди, гапни айлантормади, бодилик қилмайди, у борлиқни, адабиётни шундай англайди ва шундай ҳис этади, ҳиссиётларини сизга ҳам «юқтиради», унинг фикрлаш тарзи, услуби шундай, ҳаммаси табиий! Ўзини мажбур қилиб ёзмаётганига, ёзганлари фақат илҳом маҳсули эканига ишонасиз. У сўз уммонида балиқдек эмин-эркин сузади. Гоҳ куйилиб келаётган фикрларини қоғозга туширишга улгуролмаётгандек туюлади. Шунда унга оҳанг ёрдамга келади. Мусикачиларда сўз тугаган жойда оҳанг, куй бошланади деган гап бор. Унинг матнидаги бетакрор оҳанг сизни аста-секин аллалаб, ўз оғушига олади, сеҳрлайди. Услубдаги жозоба, маънодаги улғуворлик, эҳтирос ва кўтаринкилик ҳам ана ўша оҳанг орқали зухур бўлаётгандек туюлади. Ана ўша оҳанг, услуб туфайли Ойбек шунчаки Чўлпонни ҳимоя қилиб мақола ёзмайди, балки «фарёд қилади», Одил Ёқубовда янги асар яратиш ғояси туғилди эмас, «ғояси ёнди» дейилади...

Чуқур маърифий билим билан омукта бўлган бу ноёб услуб гўзаллигининг олмос қирраларини кашф этишда қўл келаёттир. Айни чоғда бу услуб руҳиятимизда кўтаринки, эзгу туйғулар уйғотади, сўзга, сўз санъатига меҳру ихлос уйғотади.

Иброҳим Ғафуров ижоди ҳақида замондошлари анча-мунча иш қилишган бўлса-да, унинг феномени ҳали ҳазм қилинмаган, ўрганилмаган. Уни тўла-тўқис ўрганиш, ҳис этиш иши аввало унинг услубидан бошланмоғи лозим. Катта адабиёт остонасида турган ёшлар айниқса унинг тил маҳоратини синчиклаб ўрганишлари керак.

Иброҳим ака сўзларнинг маъно товланишларини ниҳоятда нозик илғайди ва бундан унумли фойдаланади. Янги сўз ва тушунчаларни (масалан, тангдиллик, неомумтоз, миқёсли тасвир усули, муҳаббат фани каби) дадил истифодага олиб қиради. Айрим сўзларнинг этимологиясини (масалан, фан сўзини) тилшунос олимдан ҳам кўра зуккорроқ, чуқурроқ таҳлил қилади.


Биз ҳар куни эшитиб, ўқиб юрадиган севги, муҳаббат деган сўзларни синоним – маънодош деб ўйлаймиз. Муаллиф бу сўзлар орасидаги нозик фарқни шундай шарҳлайди: «Муҳаббат бир томонлама бўлмайди. Лекин мана севги, яхши кўриш эса тамомила бир томонлама бўлиш эҳтимолидан узоқ эмас. Севги ва яхши кўриш бир томонлама, яъни жавобсиз бўлиши мумкин. Унинг ожизлиги, аянчлилиги шунда. Лекин муҳаббат ҳабибликка ва доимо икки томонлама, яъни анланган ҳодисадир.»

И. Ғафуров китобининг «Ноёб сўзлар поэзияси» бобида айрим шоирларнинг ҳозирги китобхонга тушунарли бўлмаган сўзларни (ҳатто луғатлардан ҳам маъносини топиш қийин бўлган сўзларни) кўп қўллагани учун асосли равишда танқид қилади. Ажабо, устознинг ўзи ҳам китобида шундай сўзларни бемалол қўллайди. Буниси қандоқ бўлди дея аввалига ҳайрон бўлдим. Ўша сўзларни ўзим ҳам яхши тушунмаганим учун қаламда белгилаб қўйган эдим, эринмай луғатларга қараб, аксариятининг маъносини билиб олдим. Шу баҳонада сўз бойлигим ортди ва... устозни тушундим. Китобхон шу баҳонада луғат титкилаб, сўз бойлигини орттурса ўзига фойда экан!

«Мангу латофат»нинг сўнги бобида устознинг кундалик матбуот учун ёзган оддий, ўртамиёна мақолалари ҳам киритилганки, улар муаллифнинг бошқа, баркамол асарлари соясида қолиб кетгандек туюлади. Шунингдек, Усмон Носирнинг исму шарифи айрим ўринларда Носирий деб аталиши ҳам сал эриш туюлади. «Қутлуғ қон»да Холматнинг ўчи (?) ҳақида гапирилади, аслида Ёрмат бўлиши керак. «Уфқ» романидаги ота Икромжон ўз ўғли Турсунбойни отиб ўлдиргани (?) (бундай воқеа бўлмайди) айтилади. Китобнинг бошқа бир саҳифасида эса бунга тамомила зид фикр айтилади. Натижада ўқувчи чалғиб қолиши мумкин. Тўғри, бундай жузъий нуқсонлар юксак савияда ёзилган китобнинг ғоявий, бадиий, маърифий аҳамиятини пасайтирмайди, албатта. Ҳарқалай, бундай нуқсонларнинг бўлмагани маъқул.

«Умрда шундай бир палла келади: донишмандлик палласи, – деб ёзади муаллиф ўз китобида. – Ақл чироғи равшан тортиб, равшан ёниб, равшан, ишончли зиё тарадиган палла».

Бу сўзларни бемалол муаллифнинг ўзига нисбатан қўллаш ҳам мумкин. Иброҳим Ғафуров истеъдоди жиллоларидан, ақл чироғидан, тафаккуридан, илҳом булоғидан таралаётган зиё мудом бизни фикрлашга, маънавиятга, маданиятга чорлаб туради. Тилагимиз – бу зиё ҳеч қачон сўнмасин.



# Ñóÿí ÷èì ´çèí ãñàí, Зóâîíí ÷èì ´çèíã



**Нигора ТОҒАЕВА**

\* \* \*

Тонг отмоқда...  
 Тоғ қизининг ёногидек қызарган шафақ,  
 Чўққилар ҳам таққан каби бамисли зирак.  
 Қалдирғочлар “Вал фажрни” куйлаган чоғи,  
 Осмонларга учмоқ бўлиб ҳаприқар юрак.  
 Тонг отмоқда...  
 Фаришталар ҳузуридан муждалар олиб,  
 Деразадан шўх-шаън елиб киради насим.  
 Қаранг, томга майсалардан тўшама солиб,  
 Қизгалдоқлар қадаҳ тутиб айлашар базм.  
 Тонг отмоқда...  
 Булоқ худди тонг чоғида кўз ёрган мисол,  
 Субҳи саҳар ёғду сочиб таранади ер.  
 Менинг мудроқ илҳомим ҳам уйғонар алҳол,  
 Тонгдек оппоқ қозоғ узра тўкилади шеър...

\* \* \*

Тизгинсиз хаёллар тин билмас асло,  
 Қўлимдан етаклаб кетади, олис.  
 Соғинч – ҳижрон тўни қорайган само,  
 Мени қийнамагин, қийнама, ёриш...

Сабр – менинг ёлғиз юпанчим, тоғим,  
 Суянчим ўзингсан, қувончим ўзинг.  
 Сохта нигоҳларга дуч келган чоғим,  
 Мен сенинг бағрингдан топаман тўзим.

Овунчоқ сўзлардан изларман таскин,  
 Ёлғизлик, сен билан сирдош тутиндим.  
 Бу дарднинг давоси йўқ экан, баским –  
 Ўқиндим, ўқиндим, ёмон ўқиндим.

Сен энди қайтмайсан!..  
 Ўтди тўрт фасл,  
 Бокира ҳисларим куйиб бўлди кул.  
 Сени кутавериб чарчадим, васл!  
 Энди тош санамга айландим буткул.



Афсус ва надомат ичида қолиб,  
 Бир кунни пойимга келсанг уриб бош.  
 Мен сенга боқмайин кетурман, голиб,  
 Худди сен кетгандек бир пайт, бағритош!

## ТУН СЕҲРИ

Тун! Борлиққа,  
 Зулмат ҳоким,  
 Кўзларимда уйқу йўқ зарра.  
 Юлдузчалар жимирлар, само –  
 Менинг каби безовта, қара.

Дарахтлар ҳам уйқуси қочган,  
 Ҳаловатин йўқотган, жимдир.  
 Бир чигиртка чириллар ёмон,  
 Бармогини босди-ёв кимдир.

Ой кўзига кўриниб нондек,  
 Кўлмакдаги аксин қувлайди.  
 Сўнг бўшашиб, осмонга боқиб  
 Қайдадир ит нолон увлайди.

Ёзай дейман, ёзолмам, олам –  
 Тўлғонади уйқусизликдан.  
 Менга уйқу бермагин майли,  
 Ўзинг асра туйғусизликдан!

Тун дегани бунча имиллоқ,  
 Оёгини босади судраб..  
 Назаримда бутун бир дунё  
 Тонг отишин кутмоқда мудраб.







## «ТОШКЕНТ – НОН ШАҲРИ»

*Таҳририятдан: Яқинда “Ўзбекфильм” киностудиясига Россиянинг Старомайтский районидаги Новиковская номли мактабнинг бешинчи синф ўқувчиларидан ҳаяжонли хат келди. Болалар ўзларининг юртдоши бўлган ёзувчи А. Неверовнинг “Тошкент – нон шаҳри” қиссаси асосида яратилган шу номдаги бадиий фильм, унинг дунёга келиши тарихи, кейинги тақдири ва қаҳрамонларининг қисмати билан жуда қизиқишаётганликларини ёзишибди.*

*Ҳа, ҳақиқатан ҳам илҳом ва ҳалол меҳнат билан яратилган асарнинг умри боқий бўлади. Ижодкор учун бундан ортиқроқ мукофот бўлмаса керак.*

*Биз машҳур “Тошкент – нон шаҳри” фильмининг саҳналаштирувчи оператори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ҳотам Файзиевга мурожаат қилиб, мазкур картинанинг суратга олиш жараёнига тегишли хотиралари билан ўртоқлашишни илтимос қилдик.*

*Ўз эсдаликларини кунт билан қоғозга тушириб келган Ҳотам акага миннатдорчилик билдирамыз.*

\*\*\*

1966 йилнинг октябрь ойида “Тошкент – нон шаҳри” фильми устида иш бошланди. Сценарий ёзувчи Александр Неверовнинг шу номли қиссаси асосида кинодраматург Андрей Михалков-Кончаловский томонидан ёзилганди.

Бу картинада биз учун энг муҳими – муаллиф қиссасида тасвирлаган воқеалар кечган жойларни топиш эди. А. Неверов ўз қиссасида 20-йилларда Волгабўйида кечган оғир очарчилик асоратларини, улкан минтақа аҳолисининг азоб-уқубатларини акс эттирган эди.

Рассом Э. Калонтаров иккаламиз эса суратга олинадиган жойларни кўздан кечириш учун Россиянинг Оренбург, Куйбишев, Горький, Саратов областларида бўлдик. Қишлоқларда бўлганимизда маҳаллий аҳоли билан суҳбатлашдик, ўша воқеаларга шохид бўлганларнинг ҳикояларини эшитдик. Қаерга бормайлик, қайси уйга кирмайлик, меҳмондўст руслар бизни ҳеч бўлмаса қайноқ қарам шўрвасиз кўйиб юборишмасди.

Одамлар билан дилдан суҳбатлар асносида биз халқ бошига тушган кулфатлар, тирик қолиш учун одамларга ҳамма нарсани ейишга мажбур этган машъум очарчилик йиллари ҳақида кўпроқ ва бири иккинчисидан даҳшатли маълумотлар ола бошладик. Биз бу ерда уйлари деразаларига тахта қоқиб ташланган, кимсасиз қишлоқларни кўрдик; ўз умринининг якунини сабр билан кутаётган ёлғиз қарияларга дуч келдик. Улар ҳеч кимга керак эмас эдилар гўё. Уларга ҳеч қандай ёрдам беролмаслигимизни тушуниб, қайғуга ботардик.

Биз кўп жойларни кўрдик, суратга олдик ва аста-секинлик билан ўзимиз иш бошлаган мавзу ичига кира бошладик.

Шу билан суратга олинадиган жойларни кўришнинг биринчи босқичи тугади ва биз Тошкентга қайтдик. Бу ерда режиссёрлик сценарийси устида иш бошладик.

Тасвирга тушириш жойлари географияси жуда кенг эди. Фильм воқеалари Россия, Қозоғистон ва




Ўзбекистон ҳудудларида бўлиб ўтарди. Режиссёрлик сценарийси тайёр бўлганидан кейин суратга олишнинг табиий жойларини топиш учун иккинчи бор ижодий сафарга чиқдик.

Бу сафарда биз қаҳрамонимиз Миша Додонов ўтган йўллардан юришга қарор қилдик. Қиш келиб қолганлиги сабабли сафаримиз анча мураккаблашди. Студиядан биз кигиз этик – пийма ва пўстинлар олдик. Сафаримиз чоғида улар бизга жуда асқотди.

Фильмда кўп воқеалар темир йўл билан боғлиқ эди. Шу сабабли биз олдиндан мамлакатнинг барча темир йўлларида юриш ҳуқуқини берадиган махсус рухсатнома ҳужжатларини олдик. Бу ҳужжатга асосан биз тепловозлар кабиналарида ҳам, юк ва йўловчилар поездларида ҳам юришимиз мумкин эди.

Дастлаб Актюбинскда тўхтадик. Бу ерда меҳмонхонага мослаштирилган кўҳна француз вағонида яшашимизга тўғри келди. Актюбинскда биз эски икки ўқли вагонлар ва бўш темир йўл тармоқларини изладик. Омадимиз келган тақдирда шу ернинг ўзида қолган объектларни танлашимиз керак эди. Афсуски, Актюбинскда излаганларимизни тополмадик.



Бизнинг кейинги тўхташ жойимиз Бузулук станцияси бўлди, бу ердан қаҳрамонимиз Миша Додонов нон шаҳри Тошкентга қараб йўл оларди. Бу ерда фильмимиз учун мос келадиган объектларни топишимизга жуда ишониб тургандик. Ахир Александр Неверов ўз қиссасида айнан Бузулукни, унинг одамларини, қашшоқ қишлоқларини каламга олганди.

Темир йўлни, вокзални ва яқин-атрофдаги қишлоқларни диққат билан кўздан кечириб чиқдик. Ўша машъум очлик йилларини бошларидан ўтказган кексалар билан гаплашдик, уларнинг ёғоч уйларига кириб кўрдик.

Бизга алоҳида объектлар маъқул келди, бироқ барча кўрсаткичлари билан бизни қаноатлантирадиган объектлар мажмуасини тополмадик. Гуруҳимиз тасвирга олиш ишларини хотиржам олиб бориши мумкин бўлган бўш темир йўл тармоғи масаласида ҳам муаммолар пайдо бўлди.

Бизга Александров Гайга боришни маслаҳат беришди. У ерга поездлар кам қатнаркан, шу сабабли бемалол суратга олиш ишларини олиб бориш мумкин экан.

Александров Гайга юк состави кетаётганини билиб қолгач, шоша-пиша энди юра бошлаган поезднинг вагонига осилиб чиқиб олдик. Аммо тез орада бу ишимиздан афсусландик. Вагон ичи ифлос ва жуда совуқ эди. Муздай елвизак оҳақ қолдиқларини чанг қилиб кўтарарди. Тез орада усти-бошимиз оппоқ тус олди, ўзимиз Қорбобога ўхшаб қолдик. Бир-биримизга қараб кулардик: юзларимиз худди тегирмончиники дек эди.

Бир неча соатдан кейин состав қандайдир бекатда тўхтади. Вақтни йўқотмасдан, тепловоз томон чопдик. Машинистларга рухсатномаларимизни кўрсатиб, тепловозга чиқиб олдик.

Аввалига машинистлар бизнингташқикўринишимизга ажабланиб, ҳайрон бўлиб қарашди. Ниҳоят бунинг сабабини билишгач, дарҳол бизни кабинага ўтказишди ва қайноқ чой билан сийлашди. Тез орада баданларимизга иссиқ югурди, ўзимизни тетик ҳис қила бошладик.

Тепловоздан ҳамма томон яхши кўриниб турарди. Йўл бўйи биз ўзимизга маъқул жой қидириб ҳар томонга аланглаб келдик.

Кечга яқин Александров Гайга етиб келдик. Маҳаллий раҳбарият билан мулоқотда бўлгач, бизнинг талабларимиз бу ерда адо этилмаслигини тушундик.

Тунни вокзалда ўтказиб, эрталаб орқага қайтдик. Бизни темирйўлчилар учун жиҳозланган вагонга жойлаштиришди. Вагон юк составига тиркалган эди.

Вагонда ётиш мумкин бўлган полкалар бор эди. Қаттиқ совуқ туфайли вагоннинг бутун ойналарини қиров ва муз қоплаганди.

Қидирувлар бизни Пенза бекатига олиб келди. Чор-атроф оппоқ қор билан қопланган эди. Буюртма таксида ўзимизга мос қишлоқни излаб Пенза области районларини айлана бошладик. Қалин ёққан қор, ўтиб бўлмас йўллар ва қаҳратон совуқ ишимизни қийинлаштирарди.

Шундай кунларнинг бирида Эмануэль Калонтаров ўзини ёмон ҳис қилди. У бурни ва қулоқларини совуққа олдириб қўйганди. Калонтаровни шифохонага ётқизишга мажбур бўлдик, ўзимиз эса объектларни қидиришни давом эттирдик.

Пенза бекатида бизга темир йўл тармоғи бўйлаб Нижнее-Ломово шаҳарчасига боришни таклиф этишди.

Рассомимизни шифохонада ёлғиз қолдириб кетишга кўнглимиз чопмай турди. Шифокорлар Калонтаров яна бир неча кун муолажа олиши лозим деб айтишди. Мен Эмануэлнинг яқинда бирдан ўзига маъқул келган қандайдир

манзарани кўриб қолиб, қувончдан қийқириб юборганча қиялиқдан чопиб келаётган маҳали қор уюми ичидаги чуқурликка тушиб кетганини эсладим. Ўшанда уни аранг қалин қор қатлами тагидан суғуриб олгандик. Тарашадай қотиб қолган, фақат тишлари такиллаётган шўрлик Калонтаров оёғида тик туropolмасди. Уни қиздирадиган нарсанинг ўзи йўқ эди. Гуруҳимиздаги келишувга кўра ўзимиз бир грамм ҳам ичмасдик, ёнимизда ҳам спиртли ичимлик олиб юрмасдик.

Пензадан биз Нижнее-Ломового йўл олдик. Шаҳарча мўъжазгина эди. Шаҳарча раҳбарияти билан учрашиб, ўз мақсадимизни баён қилдик. Улар рус ёзувчисининг тилга тушган асари бўйича фильм олаётганимиздан жуда мамнун эканликларини билдиришди.

Бизни бир колхоз раиси билан таништиришди. Унинг исмини эслаб қолмаганимдан афсусдаман. Раис жуда ажойиб одам экан. Бизга бундай ҳавода у ёқларга машиналарда бориб бўлмаслигини тушунтиришди ва отларга тиркалган катта-катта чаналарда йўлга тушишни таклиф этишди.

Қалин пўстинларга ўралиб олган кўйи қишлоқлардан бирига йўл олдик. Аниқ йўлнинг ўзи йўқ эди, қалин қорда узоқ юрдик. Қаҳратон совуқ. Кўзларимизга қадар бекитиб, ўраниб-чирманиб олганмиз. Атрофда фақат оппоқ ранг. Қор тагидан телефон симёғочларининг учлари аранг кўриниб туради.

Ниҳоят омад биз томонга юз бурди. Биринчи дуч келган қишлоқнинг ўзиёқ бизнинг тасавурумиздаги қишлоққа мос келарди. Биз узоқ излаган, аммо сира тополмаган шамол тегирмони ҳам бу ерда бор эди. Энг ҳайратланарлиси, қишлоқда ёғочдан бунёд қилинган черков ҳам сақлаб қолинганди.

Биз енгил нафас олдик. Ахир узоқ вақт, азобланиб излаганларимиз олдимиздан чиқиб турганди-да. Қишлоқни ҳам, тегирмонни ҳам, черковни ҳам ва ҳаттоки бўш темир йўл тармоғини ҳам топгандик.

Шаҳарчадаги кичкина меҳмонхонада суратга олиш гуруҳини жойлаштиради бўларди. Шаҳарча бозорида эса ўша пайтлари ҳам ўзбеклар турли-туман меваларни сотиб ўтиришарди.

Биз турли кулбаларга кирдик, уларнинг эгалари билан суҳбатлашдик, турмуш тарзи билан танишдик, суратга олиш учун кўчаларни танладик.

Қишлоқларда асосан кекса чол-кампирали истикомат қилишарди. Ёшларнинг ҳаммаси шаҳарга кетиб қолган. Кўплаб кулбаларда ҳатто оддийгина электр токи ҳам йўқ эди.

Электр токининг йўқлиги тасвирга олиш гуруҳимиз ишига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин эди. Ахир техникамиз бевосита ток билан ишларди-да. Демак биз бу ерга ток ишлаб чиқарадиган ускуна билан келишимиз керак бўлади.

Колхоз раиси билан ёзда учрашишга келишиб олдик ва Пензага қайтдик. Бу ерда бизни кўзларида ёш билан рассомимиз Эмануэль Калонтаров кучоқ очиб кутиб олди.


Россияда натурани танлаб бўлганимиздан кейин биз Қозоғистонга йўл олдик.

\* \* \*

Туркистон шаҳрига яқинлашарканмиз, вагон ойнасидан қадимий шаҳар харобаларини кўрдик ва машинада шу ерга боришга қарор қилдик.

Шаҳарда бўлганимизда ажойиб жойларни кўрдик ва каттагина объектни шу ерда тасвирга олишни,





Қозоғистонда юз берадиган сахналарнинг қолган қисмини эса Тошкентдан 30-40 чақирим узоқликдаги “Дарвоза” бекатида суратга туширишни режалаштирдик. У ерда ҳам бўш темир йўл тармоғи бор эди.

Тошкентдаги сахналар учун пойтахтимиз биқинида жойлашган колхоз узумзори танланганди.

Шу билан табиий жойларни танлаш бўйича давом этган узоқ ва машаққатли меҳнатимиз тугади.

Маълумки, суратга олиш гуруҳининг иши, ташвиши, елиб-югуриши – ҳамма-ҳаммаси актёр учун. Томошабин экранда актёрни, унинг ижросини кўради. Шу сабабли кинофильм яратишда актёрларни танлаш жуда муҳим босқич ҳисобланади. Актёрларни излаш билан иккинчи режиссёрлар ва уларнинг актёрлар бўйича ассистентлари шуғулланишади.

“Тошкент – нон шахри” картинасида рус миллатига мансуб персонажлар кўлаб учраши боис иккинчи режиссёрликка “Мосфильм”дан рус актёрларини яхши биладиган Константин Старостин таклиф этилди. Ўзбек актёрлари билан эса бизнинг иккинчи режиссёримиз Эсон Каримов шуғулланди.

Актёрлик синовлари учун “Мосфильм” павильонларидан бирида ёғоч уйнинг бир қисми қурилиб, унда рус актёрлари синаб кўрилди.

Додоновнинг онаси ролига кинода дастлабки қадамларини кўяётган актриса Валентина Тализина синаб кўрилди.

Эркаклар ролларига Москва ва Ленинград театрлари ҳамда “Киноактёр” студияси актёрлари синаб кўрилди.

Актёрлик синовлари яхши натижалар берди ва фильмга А. Суснин, Е. Гуров, В. Колпаков, Р. Куркина, Н. Аринбосарова, Н. Тимофеев, С. Чекан, Л. Калюжная ва бошқа қатор истеъдодли актёрлар жалб этилди.

Болалар роллари ижрочиларини топиш эса анча қийин кечди. “Мосфильм”га ҳам жуда кўлаб болаларни олиб келишди. Лекин улар орасида бизга керак бўладиган даражада салоҳиятли, бош ролни ижро этадиган бола чиқмади. Биз ваҳимага тушиб қолдик.

Шунда кимдир яқинда болалар учун мўлжалланган фильмда суратга тушган болакай Володя Воробейни эслаб қолди. У Пермда яшарди. Володяни дарҳол Москвага чақиритишга қарор қилдик.

Тез орада болакай бувиси ҳамроҳлигида “Мосфильм”да пайдо бўлди. Ш. Аббосовга ҳам, гуруҳимизга ҳам у дарров маъқул келди. Болакайнинг юришидан, гапиришидан қишлоқда ўсанлиги кўриниб турарди. Ёши ҳам бизга тўғри келарди.

Володя иштирокидаги киносиновлар жуда муваффақиятли ўтди. Биз энгил нафас олдик.

Серёжа роли ижросини топиш эса янада қийинроқ кечди. Россия областларида қидирувни давом эттиришга қарор қилдик. Куйбишев (ҳозирги Самара)ни танладик. У ерда павильонли киностудия бор эди.

Бизнинг иккинчи режиссёрларимиз ва ассистентларимиз областнинг мактабларида, интернетларида, болалар ҳаваскорлик тўғрақларида Серёжа ролига мос болакайни излашга тушишди. Бу орада Шухрат Аббосов иккаламиз суратга олинadиган табиий жойлар – натура қидириб областни айланиб чиқа бошладик.

Йигирманчи йиллар очарчилиги Волгабўйи районларида бошланган ва Куйбишев шаҳри ҳамда унинг ён-атрофидаги қишлоқларга қаттиқ таъсир кўрсатган. Оч одамлар оломони Ўрта Осиёга нон излаб йўлга чиқди. Уларнинг кўпчилиги Қозоғистоннинг сўнгсиз чўлларида ўлиб кетди. Аммо манзилга етиб келганларга ҳам осон

бўлмади. Худди ўша пайтлари Тошкентда майда ўғрилик пайдо бўлди. Агар авваллари кичик дўконларнинг эгалари ўз дўконларини бемалол очиб қолдириб кетадиган бўлишса, энди эшикларга мустаҳкам қулф ўрнатишга ўтишди. Ўзбеклар ўз болаларини “самарска (самаралик) келаяпти” деб кўрқитадиган бўлишди.

Аммо ҳар қанча оғирлик ва машаққатларга қарамасдан, Тошкент халқи Россиянинг очарчилик ҳукми сураётган минтақаларидан келган бечора одамларга жой берди, уларнинг қорнини тўйдирди.

Куйбишев шаҳрида бўлганимизда Шухрат Аббосов билан ўлкашунослик музейига кирдик. Келишимиздан асосий мақсадимизни билганидан кейин музей директори бизга Волгабўйидаги очарчиликнинг даҳшатли манзаралари акс этган ноёб суратларни кўрсата бошлади. Бу фотосуратлар мени ларзага солди...

Музей директорининг рухсати билан мен бу фотосуратларни расмга тушириб олдим. Бу суратлар фильмимиз учун декорация, либос ва эскизлар яратаётган рассомларимизга жуда қўл келди. Афсуски, вақт ўтиши билан бу суратлар йўқолиб кетди.

То биз суратга олинadиган жойларни танлаб, музей материалларини ўрганиб чиққунимизга қадар режиссёрлик гуруҳи киносинов учун болаларни танлаб бўлганди.

Яхши, истеъдодли болалар саралаб олинганлиги кўриниб турарди. Киносиновларни киностудия павильонида ўтказдик. Синон натижаларига кўра болалар ичида Володя Куденьков исмлиси энг яхши деб топилди. Фильмда у Миша Додонов билан бирга Тошкентга отланган дўсти Серёжа ролини ижро этди.

Биз маҳаллий актёрлар билан киносиновларни давом эттириш учун Тошкентга қайтиб келдик.

Ўзбек актёрлари бизга яхши таниш бўлишса-да, улар ичидан энг яхшиларини қунт билан синон ўтказибгина танлаб олдик.

Таниқли актёрлардан Ҳикмат Латипов, Жавлон Ҳамроевларни олдик. Ўзбек болакайи Раҳим ролини ижро этадиган актёрни узоқ изладик. Режиссёрлик гуруҳи саъй-ҳаракатлари билан ниҳоятда қобилиятли бола бўлган Бахтиёр Набиев топилди.

Апрель ойининг бошларида суратга олишни бошладик. Тасвирга туширишнинг биринчи объекти сифатида биз Тошкент яқинидаги колхоз узумзорини танладик.


Бу объектда Ҳикмат Латипов, Нурхон ака Эшмухамедов, Жавлон Ҳамроев ва Володя Воробей суратга тушишлари керак эди.

Актёрларга мос либослар танладик. Додонов учун уст-бош топиш анча қийин кечди. Қаҳрамонимизнинг ташқи кўриниши унчалик ўхшамаётган эди. Болакайнинг хўб олис йўллардан, кўп машаққатлар ва азоблар тортиб келганини таъкидлаб кўрсатиб турувчи ғижим, кир-чир, йиртиқ-ямоқ камзул керак эди. Бизни картинамизнинг иккинчи режиссёри Эсон Каримов кутқарди – у қайдандир айнан шундай камзул топиб келди.

Биринчи кадрларимизни тасвирга тушириш учун бутун гуруҳимиз билан колхоз узумзорига келдик. Бироқ суратга олиш майдончасида Володя Воробей ҳам, унинг бувиси ҳам йўқ эди. Улар тезликда етиб келишини айтиб, бизни тинчлантиришди.

Суратга олиш техникасини жой-жойига қўйиб чиқдик, мизансаҳнани аниқладик ва кадрни ўрнатдик. Одатда актёрларни чарчатиб қўймаслик учун уларнинг ўрнига дублёрлардан фойдаланиларди. Дублёрлар билан кадр ва





мизансаҳналар аниқланади, чироқ ўрнатилади, суратга олиш камерасининг ҳаракат мароми солиштирилади ва ҳоказо.

Мана, суратга олиш учун ҳаммаси тайёр бўлди. Ҳатто об-ҳаво ҳам бизга кўмак бераётгандай эди – қуёш чарақлаб турарди. Бор-йўғи болакайни кадрга олиб кириш ва “Мотор!” дея буйруқ бериш қолганди, холос.

Бироқ... Володя Воробейдан дарак йўқ эди. Уни ҳеч ким олиб келолмади. Ўша пайтлари телефон алоқаси ҳали тараққий этмаган. Шу сабабли зудликда Тошкент билан гаплашишнинг ҳам ҳеч қандай иложи йўқ эди.

Гуруҳимиз аъзолари асабийлаша бошлашди. Бошқа лавҳани ҳам суратга ололмасдик. Чунки барча кадрларда Володя Воробей бўлиши керак эди-да.

Кун бўйи бесамара кутиб ўтирганимиздан кейин ноилж орқага, Тошкентга қайтдик. Ўзимиз бўлса болакайнинг соғлигидан хавотирда эдик.

Шаҳарга келган заҳоти Володя ҳам, бувиси ҳам соғ-саломат эканлигидан хабар топдик. Болакайнинг суратга олиш майдончасига бормаганлигига сабаб эса – меҳнатига тўланадиган ҳақ масаласи эди. Буви билан набира сметадагига қараганда анча кўп гонорар талаб қилишди.

Ўшанда менга уларнинг бу қилиғи юлғичлик ва ғайриахлоқий ҳаракат бўлиб кўринди. Жуда жаҳлим чиқиб кетди ва Володя Воробей ўрнига Куденьковни бош ролда суратга олишни таклиф этдим. Яна бир неча киши менинг бу фикримни маъқуллади.

Лекин Шухрат Аббосов бу ҳақда ҳаттоки эшитишни ҳам истамасди. У бош ролда фақат Воробейни кўрарди. Бошқа бола уни мутлақо қониқтирмасди.

У пайтлари бозор муносабатлари ҳақида мамлакатимизда гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Биз аниқ белгиланган маошга қаноат қилиб ишлардик ва савдолашишни, ўзимизга кўпроқ пул талаб қилишни тасаввур ҳам этолмасдик. Эҳтимол ўша пайтлари болакай билан унинг бувиси кино санъатида ҳозирги бозор муносабатларининг уруғларини экишгандир. Албатта, бу ҳазил.

Аммо ўшанда улар юзага келган вазиятдан фойдаланиб, ўзларининг моддий аҳволларини яхшилашга ҳаракат қилгандилар.

Савдолашиш давом этаркан, гуруҳимиз бир неча кун мобайнида суратга олишга чиқолмади.

Воробейлар оиласи ва “Ўзбекфильм” ўртасидаги савдолашиш оила фойдасига ҳал бўлди. Кайфияти кўтарилиб кетган болакай суратга тушишга розилигини билдирди.

Гуруҳ бутун таркиби билан суратга олиш майдонига етиб келди. Аммо ўша куни ҳаво айниб қолди. Кўкда енгил булутлар пайдо бўлди...

Куннинг иккинчи ярмида осмон булутлардан халос бўлади, қуёш чиқади деган умидда суратга олиш кунини бекор қилмаган ҳолда камераларни ўрнатиб, актёрлар билан саҳналарни машқ қилишни бошлаб юбордик.

Биз вақти-вақти билан осмонга илинж билан термулиб, булутларнинг тарқалиб кетишини кутардик. Лекин умидларимиз сира рўёбга чиқай демасди. Булутлар тарқалмай турарди. Кун дим. “Қилт” этган шабада йўқ. Осмоннинг биз “сут” деб атайдиган кўриниши эса гуруҳимизни қониқтирмасди.

Ўша куни ҳаво яхши томонга ўзгармади. Кечгача кутиб ўтиргач, ноилож студияга қайтдик.

Бу ҳол бир ҳафтадан кўпроқ давом этди. Гуруҳимиз очик кунни кутган ҳолда ҳар куни ишонч билан суратга олиш майдонига чиқарди. Аммо...

Ниҳоят бир ҳафтадан сўнг осмон артилган шишадай тиниклашди, жилмайиб қуёш чиқиб келди ва биз ишлашни бошладик.

Кадрни тасвирга туширарканмиз, режиссёримиз Шухрат Аббосов картина қаҳрамонини танлашда янглишмаганига ишонч ҳосил қила бордик. Володя Воробей ўз ролини ўта ишончли тарзда талқин этарди. Биз ёш актёрнинг ҳар бир сўзига, ҳар бир хатти-ҳаракатига ишонардик. Буни кўриб, кайфиятимиз кўтарилиб кетди. Фильм яхши чиқишига ишонч пайдо бўлди.

\* \* \*

Пенза областининг Нижнее-Ломово шаҳарчасида картинаимизнинг кўплаб объектлари жамланган эди. Биз қиш пайти келганимизда натура учун танлаб олган жойларимизга бордик.

Волгабўйи темир йўли раҳбарияти томонидан Нижнее-Ломового эски кўринишдаги вагонларни юборишга буйруқ берилди.

Меҳмонхонага жойлашганимиздан кейин Аббосов, Калонтаров, картина директори ва мен тасвирга тушириш учун танлаб олинган қишлоққа йўл олдик.

Олдинги картиналаримизда ҳам болалар иштирок этганлиги сабабли, улар билан ишлаш борасида анчагина тажриба орттириб улгургандик.

Лекин “Додоновлар ҳовлиси” объектини суратга оларканмиз, кутилмаганда ёш болаларнинг фавкулдда ўжарлиги ва инжиқлигига дуч келдик.

Гуруҳимиз аъзоларидан кимдир уларга токи ўйинчоқлар беришмагунча режиссёр амакининг айтганларини қилманглар деб шивирлаб қўйган экан. Федька билан Яшка ролини ижро этаётган болакайлардан гоҳ бири йиғлайди, инжиқлик қилади, “кинога тушмайман” дейди, гоҳ иккинчиси. Режиссёрнинг ҳар қанча ялиниб-ёлворишлари ҳам уларга кор қилмади.


Бизнинг ҳовлилардан фарқли равишда, бу қишлоқда ҳовлилар ҳар куни супуриб-сидирилмайди. Қуёш кўкка кўтарилганидан сўнг барг ва ўт-ўланлар билан қопланган ҳовлидан қўланса ис тарала бошлади. Маълум бўлишича, юпқа ўт-ўланлар қатлами тагига чўчка ахлати ташланган экан. Одамнинг кўнглини айнитиб юборадиган даражада бадбўй ҳид шундан келаётган эди. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам биз ишлашимиз керак эди. Маъмурларимиз шаҳарга, болаларга ўйинчоқ олиб келишга кетишди. Болалар эса ҳамон йиғлар ва бизларнинг илтимосларимизга парво ҳам қилишмасди.

Тез орада ўйинчоқлар келди. Буни кўрган болакайлар бирдан қувониб кетишди ва режиссёрнинг айтганларини бажара бошлашди. Лавҳа катта қийинчиликлар билан суратга олиниб бўлинди.

Ўша ёз об-ҳаво тинмай ўзгариб турди. Гуруҳимиз тез-тез бирдан ёғиб қоладиган ёмғир тагида қоларди, шундан сўнг лойга айланган йўллардан аранг ўтиб, суратга олиш жойига минг машаққатлар билан етиб келардик. Биз соатлаб осмонга термулиб, унинг очилиб кетишини кутардик. Бу эса фильмни суратга олиш мuddатини чўзарди.

Мен ҳар қандай об-ҳавода суратга ололмасдим, бу картина услубини бузган бўларди. Менинг биринчи навбатдаги вазифам табиий фактураларни, кайфиятни, ёритишнинг ўзига хосликларини экранда ифода этиб бериш эди.

Кейинчалик эса не-не машаққатлар, не-не азоб-уқубатлар билан олинган кадрларнинг ҳаммаси ҳам фильмимизга киритилмади.



\*\*\*

Темир йўл билан боғлиқ эпизодларни суратга олиш жуда катта мушкулликлар туғдирарди. Зеро унда 20-йиллар кийим-бошини кийиб олган катта миқдордаги оммавий саҳна иштирокчилари ҳамда кўҳна вагон, паровоз иштирок этарди.

Кунларнинг бирида темир йўл бекатига эски вагонлар тиркалган составни олиб киришди.

Кўп сонли оммавий саҳна иштирокчилари тўпланишди. Улар кийинтирилгач, вагонлар томига жойлаштирилди. Вагонлар деразлари ва зиналарида ҳам одамлар ўтиришарди. Уларга турли-туман қоплар, халталар, чамадонлар ва бошқа реквизитларни тарқатишди.

Сценарий бўйича состав рус даласи ичидан кетиши керак эди. Шу сабабли состав бекатдан бир неча километр нарига олиб чиқилди. Ҳақиқий рус даласи бошланди.

Вагонлар томларида ўтирган одамларни ҳамда йўловчилар билан лиқ тўла ҳолда кетаётган поезднинг умумий кўринишини суратга олдик. Тасвирга тушириш ишлари анчайин силлиқ кечарди, состав доимий ҳаракатда бўлгани учун йўловчилар ҳам ҳеч қаёққа кетиб қолишмасди. Кўёш ёрқин нур сочиб турарди. Қилаётган ишимиздан ўзимиз ҳам мамнун эдик. Охири кадр – паровоз қувурини суратга олиш қолганди, холос.

Мен билан ассистентим паровозга чиқдик, камерани ўрнатдик ва қора тутун бурқсиб турган қувурни тасвирга ола бошладик. Мен машинистдан қора тутунни кўпайтиришни илтимос қилдим. Кадрни суратга оларканман, машинистларнинг бирдан ваҳимага тушиб бақир-чақир қила бошлаганини эшитдим. Мен аппаратдан нигоҳимни уздим ва уларга қарадим. Қуюқ қора тутун уларни биздан тўсиб турарди. Машинистлар жон-жаҳдлари билан қўлларини силқитганларича олдинга ишора қилишарди. Мен шу томонга қарадим ва бирдан даҳшатга тушдим. Темир изларга кўндаланг тортилган электр сими шиддат билан яқинлашиб келарди. Бирдан ўтириб қолдим ва худди шу сонияда электр сими худди ўткир пичоқдай киноаппарат ўрнатилган штативнинг юқори қисмини кесиб ўтди ва уларни далага улоқтириб юборди.

Агар бир лаҳзага ушланиб қолганимда эди, шубҳасиз, менинг бошим ҳам далага отилиб тушган киноаппарат ва штативнинг юқори қисми ёнида бўларди.

Ўзимни ёмон ҳис қилдим. Бутун вужудим дир-дир титрарди.

Бир неча юз метр юргандан кейингина поезд тўхтади. Тасвирга олиш апаратыни кўтариб келишди.

Тушлик пайти бўлди. Состав бекатга қайтиб келди. Ҳаммани гуруҳ маъмурияти ташкил этган таомлар билан меҳмон қила бошлашди.

Менинг эса ҳеч нарса егим келмасди. Суратга олиш пайти бостириб келган ажал ваҳимаси ҳали бутунлай ўтиб кетмаган эди.

Оммавий саҳна иштирокчилари иштаҳа билан овқатланишарди. Гуруҳ аъзоларининг ташвишлари етарли эди, шунинг учун мен билан деярли ҳеч кимнинг иши йўқ эди.

Мен овқатланаётган одамларга қарардим ва агар мен билан фожиа рўй берганда ҳам булар ҳеч нарса бўлмагандай хотиржам ўтириб, бемалол овқатни тановул қилаверишармиди, деган ўйларга бордим.

Шу кунни мен бошқа суратга ололмадим.

Эртаси кунни эса тасвирга тушириш ишлари яна давом этди.

\*\*\*

Бир кунни кечқурун мен темир йўл бекатига бориб, у кечаси қандай ёритилишини кўрмоқчи бўлдим.

Меҳмонхонадан станциягача бир неча километр келарди. Кечқурунлари салқин эди, шу сабабли устимга тўн кийиб олдим.

Бекатга торгина асфальт йўл олиб чиқарди. Йўл ўртасида кетиб борардим. Атроф жим-жит. Йўлда машиналар ҳам, аравалар ҳам учрамади. Бирор тирик жон йўқдай эди. Борлиқ ўлик сукунат оғушида. Станцияга қадар ҳали узоқ эди. Шошилмасдан кетиб борардим. Вақтим бемалол эди.


Кутилмаганда шовқин-суронважанговар ҳайқириқлар билан йўлга узун таёқ-тўқмоқлар билан қуролланган икки гуруҳ йигитлар отилиб чиқишди. Мен кўрқиб кетдим. Яширинишнинг ҳам иложи йўқ эди. Йигитлар “Ур аблаҳларни!” дея бақир-чақир қилганларича девордай жипслашиб бир-бирларига ташланишди. Мен уларнинг орасида қолдим. Энди тамом бўлдим, деган ўйга бордим. Бошимга тушадиган зарбани кута бошладим. Жанг эса авжига чиққан эди. Йигитлар бир-бирларини аямай савалашар, атрофни оҳ-вой, сўкишлар, ингроқлар тугиб кетганди. Мен қочиб қолиб, кўрқоқ деган ном орттиришдан ор қилганча ҳамон калтаклашаётганлар орасидан ўтиб борардим. Нимагадир у томон ҳам, бу томон ҳам менга тегинмади. Ҳатто менинг руслар учун хос бўлмаган чопоним ҳам уларнинг эътиборини тортмади. Мен уришаётганларни хавфсираб айланиб ўтганча олдинга юришда давом этдим. Ногаҳон энгила бошлаган гуруҳдаги йигитлар қочишга тушишди. Ғолиб томон эса уларни бутунлай мағлуб этиш учун қоцаётганларнинг ортидан чопди.

Мен билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Афтидан, ҳар кимнинг ўз душмани бор эди.

Темир йўл бекатига эсон-омон етиб олгач, тунги ёриш қандай ташкил этилганлигини ўз кўзим билан кўрдим. Суратга олиш учун қулай нуқталарни излаб кўргач, орта тинчгина, ҳеч бир саргузаштсиз қайтдим.

“Бекат” объекти жуда катта эди ва суратга олиш ишлари кун-тун давом этиши керак эди. Бу объектда кўплаб актёрлар, оммавий саҳналар иштирокчилари билан бир қаторда бир неча поезд составлари ҳам тасвирга туширилди. Кўплаб кадрлар ҳаракатда олинарди. Буларнинг бариси биздан аниқ ўйланган, пухта режаланган ишни талаб этарди.

Бу кадрлар актёрларнинг, оммавий саҳна иштирокчиларининг, поездга хизмат кўрсатаётган темир йўлчиларнинг, суратга олиш камераси ҳаракатининг, ёруғлик ва пиротехниканинг ўзаро мутаносибликда ишлашини тақозо этарди. Суратга олиш ишлари кучли зўриқишда кечди – болалар



хам, катта ёшли актёрлар ҳам ўз ролларини жон диллари билан берилиб ижро этишди. Энг қийин вазифа Куденьков зиммасига тушди. Унинг кетаётган поезд орқасидан қувиб етишини бир неча дублда олдик.

Суратга олиш тугагандан кейин гуруҳимизни таниб бўлмай қолди – паровоз трубасидан чиққан қурумдан уларнинг ҳаммаси қоп-қорайиб кетганди.

Кўп объектларни суратга олдик, лекин ҳали суратга олинмагани кўпроқ эди.

\* \* \*

Оғир, асабийлашиш ва зўриқишларга бой иш режиссёримиз Шуҳрат Аббосовнинг соғлиғига таъсир этди ва у касал бўлиб қолди. Киноэкспедицияни зудликда орқага қайтариш ва эпизодларнинг қолган қисмларини Тошкентга кўчириш масаласи кўндаланг туриб қолди. Шунинг учун Тошкентда тасвирга тушириш имконияти бўлмаган кадрларни бу ерда ошиғич тарзда суратга олиб бўлишимиз керак эди.

Тошкент бизни чидаб бўлмас даражада иссиқ билан қарши олди.

Картинанинг ярмидан кўпроғини тасвирга туширишимиз керак эди. Бирон жойга чиқиб ёки павильонда суратга туширишни бошлаганимизга қадар Тошкентдаги натура объектларида ишлаб туришни режалаштирдик.

Эски шаҳар саҳналари объектлари Эски Жўва бозоридан унчалик узоқ бўлмаган жойдан топилди. Бу ерда тош тўшалган кўча, эски ўзбек уйлари ҳамда ярим вайрона ҳолидаги мачит сақланиб қолган эди.

Очлик ва чарчоқдан тинка-мадори қуриган Мишка беихтиёр сотувчи аёлнинг нонини олиб қўйиб, шоша-пиша ея бошлаши саҳнасини суратга олдик. Жаҳли чиқиб кетган аёл ёрдам сўраб бақиради ва болани калтаклайди. Болалар қочиб қолишади. Уларнинг ортидан оломон чопади. Болаларни милиционер тутиб олади.

Эски Тошкентни Миша Додоновнинг нигоҳида кўрсатишга қарор қилдик. Тутун бурқсиб турган кабоблар, саватлардаги қайноқ нонлар, паранжи ёпинган аёллар, уюм-уюм қовун-тарвузлар, мўл-кўл мева ва сабзавотлардан унинг боши айланиб кетиши керак эди. Мишани фавқуллодда тор ва қийиш кўчалар, узун чопон ва дўппи кийган эркаклар, паранжили аёллар ҳайратга солиши аниқ эди. Бу эпизодни суратга олаётганимизда кадрнинг ўткир композицион тузилишига, динамикали ҳаракатларга ва контраст ёритилишга риоя этдик. Ҳазабга минган оломондан қочиб кетаётган болаларни тасвирга олиш учун кўл камерасини елкамга қўйганча болалар ортидан чопишга мажбур бўлдим.

\* \* \*

Биз Тошкентда суратга олиш ишларини давом эттираётган пайтимизда маъмурий гуруҳ бизга темир йўл билан боғлиқ катта объектни тайёрлаб қўйганди.

Темир йўл билан боғлиқ эпизодларни суратга олиш катта тайёргарликни ҳамда бу жараёнга боғлиқ барча тармоқларнинг ўзаро муносиб ишлашини тақозо этади.

Қозоғистон темир йўлининг “Дарвоза” бекатида бизга темир йўлнинг поездлар жуда кам ўтадиган участкасини ажратиб беришди. Бу тармоқ қандайдир завод билан боғланган бўлиб, кунига икки-уч марта юк поезди ўтиб қоларди, холос.

Гуруҳимиз билан “Дарвоза” бекатига етиб келдик ва бизга ажратилган эски поезд вагонларига жойлашдик. “Дарвоза”да бошқа бирон меҳмонхона, ҳаттоки рисоладагидай ошхона ҳам йўқ эди.

Биринчи кеча жуда ёмон ўтди. Тез-тез ёнимиздан ўтиб турган поездлар шовқинидан ухлаётганлар даҳшат ичида сакраб ўринларидан туриб кетишарди. Гўё қарши тарафдан келаётган поезд рельслардан чиқиб кетиб, бизнинг вагонларга уриладигандек эди. Бунинг устига ни-магадир бекатга яқинлашиб келаётган поездлар албатта қулоқни батанг қилар даражада чинқириб гудок берарди.

Орадан бир неча кун ўтгандан кейин ҳам барибир бу шароитга кўниқолмадик ва норозилик билдириб, ўзимизга бошқа жой талаб қилдик. Гуруҳ маъмурияси вокзал биносидан бир неча хона топди. У ерга гримчиларни ва Саул ролини ижро этаётган ёш актриса Наталья Аринбосаровани жойладик.

Бизга эса бекат ҳовлисида палатка таклиф этилди. Бу беш-олти ўринлик палаткаларда киши ўзини хотиржамроқ сезарди. Лекин бу узоққа чўзилмади. Оқшомларнинг бирида қаттиқ шамол кўтарилди ва палаткаларимизни қулатиб-йиртиб ташлади. Бу ҳол бир неча мартаба такрорланди.

Бундай маиший муаммоларга қарамасдан, суратга олиш ишлари ўз маромида давом этарди.

Ёз ўртаси эди. Кунлар бениҳоя исиб кетган. Биз суратга олаётган жойда қуёшнинг қайноқ нуридан яшири-ниш учун лоақал биттагина дарахт ҳам йўқ эди.

“Поезд” объектини суратга олардик.

Эпизод каттагина эди. Уни суратга олиш мураккаб ва хавфли эди.

Қуёш оташидан вагонларнинг тунука томлари шу қадар қизиқ кетгандики, истак туғилган тақдирда у ерда бемалол тухум қовуриб олса бўларди.

Гуруҳимиз оғир киноаппаратлари билан вагон томига жойлашди. Ҳаракатдаги поездда суратга олиш керак эди. Ҳеч қандай муҳофаза воситалари йўқ. Айтиқса болаларни суратга олаётганда биз ўзимизни ҳам, уларни ҳам хатарга қўяётгандик. Болалар вагоннинг қайнаб турган томида яланг оёқда чопишлари, тиз букиб туришлари, қўлларини томга теккизишлари лозим бўларди. Болалар оғриқдан йиғлашарди, аммо уларнинг бундай ҳолати бизга керак эди. Бу уларга ўз ролларини ҳаққоний ва ишончли ўйнашларига ёрдам берарди. Биз тўхтамасдан суратга олавердик.

Эпизод таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида биз тез-тез суратга олиш нуқталари ва ракурсларини ўзгартириб турардик.

Ҳаракатдаги поезднинг бир вагонидан бошқа вагонига сакраб ўтаётган актёрларни суратга олиш техник жиҳатдан жуда қийин эди. Қуйи нуқтадан тасвирга тушириш учун мен поезд вагонлари орасига боғланган осма кажавога жойлашиб олдим. Озгина ноаниқлик рўй берган тақдирда мен кинокамерам билан биргаликда пастга, шиддат билан ўтиб бораётган рельслар устига қулаб тушишим мумкин эди.


Аммо биз таваккалсиз таъсирчан кадрларни суратга ололмаслигимизни яхши билардик, шу сабабли бундай ишларга онгли равишда ўз ихтиёримиз билан қўл урардик.

\* \* \*

Шундай кунларнинг бирида бизнинг олдимишга студия директори Абдулаҳад Абдуллаев келди.

“Қозоқ чўли” эпизодидан кадрни суратга олаётгандик. Бу лавҳада Миша Додонов кетиб бораётган поезднинг охириги вагонига бир амаллаб осилиб олиши керак эди. Поезд ортидан югураркан, у йиртиқ чиптакавушларидан айрилар ва энг сўнги лаҳзада вагон зинасининг қуйи





палласидан ушлаб қоларди. Шунда Мишанинг яланғоч оёқлари ерда судралиб, ўткир тошларга уриларди.

Бу кадрни бир неча нуқтадан суратга олдик. Болакайнинг оёғи ўткир тошларга урилиб қонаб кетаётганини кўрган директор бир неча маротаба суратга олишни тўхтатмоқчи бўлди, лекин улгуролмади. Кадр тасвирга туширилди ва ҳаммаси яхши тугади.

Биз тез-тез чиройли кадрни суратга олиш учун таваккал қилиб турардик. Шундай воқеалар ҳам бўлдики, қийшиқ рельслар сабабли паровоз издан чиқиб кетди. Бир сафар эса шундай паровоз бизнинг – тасвирга олиб турганларнинг устимизга қулаб кетишига сал қолди.

Тошкентдан “Дарвоза”га жўнаб кетишимиз олдидан жуда чиройли саксовул омборини топгандик. Унга декорация ишлатиб, ажойиб манзара пайдо этса бўларди.

Рассом омборни ёғоч тўсиқ ва кузатув минораси билан ўраб, катта иш қилди. Саксовул тахланиб, катта-катта уюмлар ҳосил этилганди. Ерга қора кўмир чанги сепилганди.

Бу саҳнада Дунаев Миша билан Раҳимни ёғоч омборга олиб келиши керак эди. Бу ерда эса бир неча аёл ва жулдурвоқи болалар истар-истамасдан ўтинларни бир жойдан бошқа жойга таширдилар. Вазиятни баҳолагач, Раҳим аскар билан машғул бўлди. Унинг қаршисида рақс тушганча Раҳим алдаб-сулдаб аскарнинг картошқасини олиб кўйди. Мишка эса ҳалол меҳнаткаш сифатида ўтин ташишга киришди.

Оташин қуёш ва кўмир чанги актёрларга ҳам, гуруҳга ҳам ишлашга ҳалақит берарди. Болалар жуда чарчашди. Настенка ролини ижро этган актриса жон дили билан, жуда ишончли ўйнади. Унга қарашнинг ўзи ҳам кўрқинчли эди. Суратга олиб бўлганимиздан кейин унинг ўзига келишига, бутун танасини қоплаб олган қора кўмир қурумидан тозаланиб олишига анча вақт кетди. Кейинчалик бу кадр натуралистик кадр сифатида фильмдан олиб ташланди.

Тез ва кўп суратга олардик. Афсуски, суратга олинган кадрларнинг бир қисми фильмнинг якунловчи вариантга кирмай қолди.

\*\*\*

Биз сценарий ҳажми катта эканлигини, суратга олинган материал бизга рухсат этилган тасма метрларидан кўпроқ бўлишини билардик. Лекин ўзимизни тўхтатиб қололмасдик. Ўзимиз ишлаётган материалга жон-жаҳдимиз билан берилиб кетгандик, уни яхши кўриб қолгандик. У ўз жозибаси билан бизни чарчоқ билмай ишлашга мажбур этарди.

Туркистонда суратга олишни режалаштирган каттагина объектими қолганди. Тасвирга тушириш объекти сифатида Туркистон шаҳридан унча узоқда бўлмаган қадимий қалъа харобаларини танлагандик. У ерда жуда баланд тупроқ деворлар сақланиб қолганди. Маҳаллий ҳудуд ва қалъанинг ландшафти ўзининг ибтидоийлиги билан катта таассурот қолдирарди.

Бизнинг қаҳрамонларимиз бу муҳитга табиий равишда сингишиб кетиб, яхлитликин ташкил қилардилар.

Бу саҳнада бир гуруҳ одамларнинг поездни қутиб ўтирмасдан, Тошкентга қараб пиёда йўлга тушишга қарор қилганликлари кўрсатилади. Уларга Миша Додонов ва Раҳим ҳам кўшилишади. Улар қуёш аёвсиз куйдириб ташлаган қозоқ ерларидан ўтишади. Кекса бобо Додоновга бугдойни қандай экиш ва мўл ҳосил олиш йўлларини

ўргатади. Улар Тошкент ва Тошкент замини ҳақида орзу қилишади.

Қалъанинг қуёш нурлари остида кўзни қамаштиргудай чақнаб турган қайноқ оқ томлари ва кўҳна тупроқ деворлар бағрида бу сўзлар ҳеч қачон амалга ошмайдиган орзудай янграрди. Бутун атроф-муҳит бор-йўқ истаклари нон шаҳри Тошкентга етиб олиш бўлган бир сиқим одамларни ганимларча эзиб турарди.

Туркистонда охириги кадрларни суратга олгандик, шу билан тасвирга тушириш даври якунига етди. Гуруҳимиз Тошкентга қайтди.

Кейинги босқич бошланди – картинани монтаж қилиш ва овоз бериш. Бу ишлар бир неча ой вақтимизни олди.

Ўша йиллари рус тилига эътибор кучлироқ эди, шу сабабли бизнинг фильмимизга ҳам рус тилида овоз берилди.

\*\*\*

Киностудия бадий кенгаши ва киностудияда ишлайдиган кўп сонли қизиқувчилар учун фильм катта залда намойиш қилинди. Режалаштирилган бир ярим соат ўрнига фильм икки соату йигирма дақиқа давом этди.

Фильм тугагандан кейин бирдан залга сукунат чўқди. Илк томошабинларимиз эсанкираб қолишган эди.

“Ўзбекфильм” бадий кенгаши фаолиятида илгари учрамаган воқеа рўй берди. Бадий кенгаш раиси фильм муҳокамасини кейинги кунга қолдиришни таклиф этди. Зеро фильмда кўп баҳсли ўринлар бўлиб, уларни юқорида турувчи раҳбарлар билан маслаҳатлашиб олиш керак эди.

Кейинроқ режиссёр Шуҳрат Аббосовга босим ўтказиш бошланди. Москвада фильмни бир серияга қадар қисқартиришни талаб қилишди. Қаршилик кўрсатиш ёрдам бермади. Бизни қўллаб-қувватловчилар ҳам бўлмади. Картинанинг беш қисмини қисқартириб ташлаб, ўн қисмини қолдиришди. Асаблари қақшаб кетган Ш. Аббосов касал бўлиб қолди ва юрак хуружи билан шифохонага тушди.

Картинанинг тўлиқ вариантли нусхасини зудликда йўқ қилишди... Аммо ҳозирча негатив сақланиб турарди.


Мен студия директори Абдулаҳад Абдуллаев ҳузурига кириб, картинанинг тўлиқ кўринишидан яна бир нусха тайёрлаб беришларини илтимос қилдим. Мен уни келажак учун, томошабинларнинг янги авлоди учун асраб кўймоқчи эдим.

Абдуллаев жуда ақлли ва журъатли раҳбар эди. У дарҳол ўринбосари Қано Абдурахмоновни чақириб, унга картинанинг тўлиқ кўринишдаги нусхасини тайёрлаб бериш вазифасини топширди. Мен бунинг учун Абдулаҳад Абдуллаевдан бир умр миннатдорман, у кишининг ёрқин хотираси ҳаммиша қалбимда.

“Тошкент – нон шаҳри” фильми кинотетрларга чиқарилиб, катта муваффақият қозонганидан кейин Шуҳрат Аббосов билан мени Давлат мукофоти тавсия этишди. Аммо мукофотни бошқалар олишди.

Картина ўз ҳаёти билан яшаб келмоқда. Одамлар ҳалигача бу фильмни эслашади.

**Ҳотам ФАЙЗИЕВ,**  
**“Тошкент – нон шаҳри” фильмининг**  
**саҳналаштирувчи оператори, Ўзбекистонда**  
**хизмат кўрсатган санъат арбоби**



# Ойи ҳаётимизга – Затлари ҳаётимизга...



\*\*\*

*Умримда, эҳтимол, илк бора,  
Жазокор қисматни боладим.  
Бугун мен қояда ўлтириб,  
Руҳимни қуёшга тобладим.*

*Нотавон занглари тўкилиб,  
Ярақлар, энди у кескирдир.  
Силтасам – тошларни кесади,  
Айтажак сўзларим кескиндир.*

*Бундан сўнг тилиммас, гапимни  
Ана шу шамширим айтажак.  
Ҳар битта ҳайқиреқ, додига  
Тоғлардан акс-садо қайтажак.*

*Ўзим ҳам задогон қавмидан,  
Қуролли бир сипоҳсалорман.  
Кўз юмган чоғда ҳам шеърларим –  
Лашкарим кўнглида қоларман.*

*Тутиб қўш қўлтиқдан, қўллагай  
Топинган авлиё, ҳам тирим.  
Негаки, абадий чақнагай,  
Қайта ҳеч зангламас шамширим.*

\*\*\*

*Дунёда излаган нарсангни  
Ахтариб, юрагим топдингми?  
Яшириб келаётган бу хасис  
Даҳри дун айбини ёпдингми?*

*Гар топган бўлсанг, кўп вақтлардан  
У интиқ нарсанг, айт, не экан.  
У ҳам гоҳ ненидир сўрасам,  
Сен каби бирон сўз дермикан?*

*Унинг ҳам жисми сен сингари,  
Миқти-ю йўллари огирми.*

Умр ўткинчи. Ҳар бир жонзот қачондир ўлим шарбатини тотади. Буни тушуниб, англаб туриб ҳам баъзан ҳаётнинг аччиқ кўргуликлари қаршида қаттиқ изтироблар исканжасига қолиб кетар экан киши. Дўстим Хайрулла Абдуллаевнинг ўлими менга ва бошқа дўстларимга катта зарба бўлди. Бугун уни хотирлаб нимадир ёзишнинг ўзи ҳам шунча ғам тортиқ этмоқда. Аммо тақдирга шак этиб бўлармиди.

Дўстим Хайрулла Абдуллаев билан талабалик гаштини бирга сурганман. Устозларнинг ҳоли жонига қўймай сабоқлардан баҳраманд бўлган кунларни кечагидай эслайман. Аудиторияларни ҳам ларзага келтириб устоз шоирларнинг шеърларини айтганларимизни ёддан чиқариб бўларканми. Ўша чоғларда Хайрулланинг адабиётга, хусусан шеърятга бўлган муҳаббатини кўриб ҳайратга тушардим. Таажжуб, ижараларда, талабалар уйда бирга туриб, бу жонажон Ватаннинг кўп жойларини бирга кезиб унинг шоир эканлигини билмаган эканман. Менга Хайрулланинг қўлёмаларини отаси Худойназар ака келтириб бердилар. Унинг машқларидан умидлари, туйғулари бир олам катта бир шоир етилиб келётганини ҳис қилдим. Ажойиб таҳаллуси ҳам бор экан – Шаҳриёр. Шеърларидаги ёниқ туйғулар қалбу шуурингизни эзгу ҳислар билан лиммолим айлайди. Баъзи сатрларини ўқиб, шоирлар ярим авлиёдилар, деган фикрларни беихтиёр эслайсан.

*Она, ўғлинг ёш кетаётир,  
Қайтаролмас уни кўзёшлар.*

У ўз ўлимини олдиндан кўргандай ёзган бу мисралари қалбингизни титратиб юборади. Шаҳриёрнинг учта фарзанди бор. У барча оталарга хос ўз дилбандларига сатрлари орқали сабоқлар ҳам беради:

*Фарзандим, ҳозирдан ўргана боргин  
Қандай севмоқликни халқни, Ватанни.*


Шаҳриёр она Ватан, шу меҳрибон халқ олдидаги бурчларини ҳам теган ҳис қилган. Унинг шеърларидаги мазмун ва моҳият фикрларимизни исботлайди. Мисол учун у бу мисраларни шундай катта ишонч билан айтганки, дилни ажиб муждалар билан тўлдирди:

*Балки эллик йилдир, балки беш юз йил,  
Бу юртда ўлгали ҳаққим йўқ асло.*

Чиндан ҳам унинг камтарингина ижоди ўлмасдир. Отаси келтирган қўлёмаларини курсдош дўстлар ҳамкорлигида китоб ҳолига келтирдик.

“Ёшлик” журнали мухлисларига Шаҳриёрнинг ижодидан намуналар тақдим этаётимиз.

**Ғайрат МАЖИД**



*Дуч келса ўтларда, тигларда  
Сен мисол ёнарми, оғрирми?*

*Борми айт унинг ҳам сен каби  
Абадий Худодай паноҳи.  
Йиғларми қоп-қора тунларда  
Кўкатлар кўз ёшин нигоҳи.*

*Шодлигим шавқингдан кам эмас.  
Мақсадга бетиним чопгансан.  
Ҳар қалай ёмонмас, албатта,  
Яхши бир нарсани топгансан.*

## СУЗАЁТГАН БУЛУТ

*Сузаётган булут – сузаётган қалб,  
Риҳлат манзилиги элтаётган йўл.  
Қаришганда турибман тоғлардай қараб,  
Олис маконларга чўзганимча қўл.*

*Сузаётган булут – сузаётган қалб,  
Осмонлардай чексиз улуг Худодай.  
Мен сенинг қаришганда тизлар чўкаман,  
Танга шинжсида келган гадодай.*

*Сузаётган булут – сузаётган қалб,  
Бўй берма чақмоғу қалдироқларга.  
Мен сенга интилиб яшайман абад,  
Сен талтин доимо қалби покларга.*

*Сузаётган булут – сузаётган қалб,  
Риҳлат манзилига кетаётган йўл.  
То абад ортиндан қоламан қараб,  
Олис манзиллардан силтаганча қўл.*

## КЎЗЛАРИНГ

*Билганимда қарамас эдим,  
Улар мени боқиб туширди.  
Кўзларингни ўтқир зиёси,  
Кўзларимни оқиб туширди.*

*Бошдан ўтиб қийналган ўзим,  
Сен кўрмаган фожеадир бу.  
Шундан бери кўзимга, эвоҳ,  
Ёруғ олам буткул қоронғу.*

*Фаҳминг расо, англарсан ҳолим,  
Бундай яшаи азоб-ку, моҳим.  
Ўтқир дунё сарҳадларини  
Гир айланар ўтмас нигоҳим.*

*Хайриҳоҳдай, хайёлларимда,  
Боқар менга ҳабиб кўзларинг.  
Қачон, ахир, сўқир кўзимни,  
Даволағай табиб кўзларинг.*

*Эл билмаган қувноқ оҳанглар,  
Мавж уради кўнгил кўйимда.  
Ҳам кўзларим очилар эди,  
Порласалар улар... уйимда.*

\*\*\*

*Тилагинг имкондан ортиқмас зинҳор,  
Қани зўр орзуйинг амали етса.  
Нигоҳинг ўт бўлса чиндан қаҳрвор,  
Тикилсанг бу дунё тутаблар кетса.*

*Тилагинг имкондан ортиқмас асло  
Қанийди қиш умринг ҳамали етса.  
Нигоҳинг сув бўлса қараган асно  
Энг қақроқ саҳролар гуркираб кетса.*

*Тилагинг имкондан ортиқмас асти  
Қанийди Ҳақ ўзи довонга элтса.  
Нигоҳинг ер бўлса сеҳрли дасти,  
“Тур” деса, ўликлар тирилиб кетса.*

## ИШҚСИЗЛИК

*Билинг, динсизлар осиймас,  
муҳаббатсизлар осийдур.*

**Эркин Воҳидов.**

*Осиймиз, тан олмаслик – гуноҳ,  
Қисмат ўлмиш биз-чун ишқсизлик.  
Билмам қайси вақтлардан, эвоҳ,  
“Ҳикмат” ўлмиш биз-чун ишқсизлик.*

*Бу қандайин гафлат аламки,  
Муҳаббатни билмай яшамиз.  
Ҳақ соз амал ёғдирса ҳамки,  
Унга амал қилмай яшамиз.*

*Ишқ – дард, буни билар ҳар бир кас,  
Кулдиради уни ишқсизлик.  
Башир зотин ишқ ҳеч ўлдирмас,  
Ўлдиради уни ишқсизлик.*

\*\*\*

*Дунё катта, аламлар катта,  
Катта, демак бариди тиргак.  
Бу маҳобат ичра, албатта,  
Кичик жонни асрамоқ керак.*

*Дейлик, сенда мўъжазмас балки  
Улар каби катта бўлса жон.  
У ҳоҳласанг, ҳоҳламасанг ҳам,  
Довлик ичра қурар ошиён.*

\*\*\*

*Не кун бу, уйғонган кундан ўзгача,  
Не тун бу, ой ёнган тундан ўзгача,  
Ўлсам қасосим ҳам айбсиз тўкилган,  
Қон учун олинар хундан ўзгача.*

*Теграм гир ўраган сонсиз гувоҳим,  
Ҳамма бор, бир сени топмас нигоҳим.  
Энг оғир ўлимга маҳқумман ўзим,  
Сени севганим — энг улуг гуноҳим.*

*Кўнглимдан бемажол шеър оқаётир,  
Кўз олдимда қумдай ер оқаётир.  
Ҳижронлар тафтига кўмилди умрим,  
Юзимдан шовуллаб тер оқаётир.*

*Биз яшар баҳордан, айни кузгача,  
Умр оралиги – қошдан кўзгача  
Сену мен ўзгармай бир хилда қолдик,  
Бир менинг қисматим бўлди ўзгача.*

\*\*\*

*Таскин ё мададга муҳтож дамлари,  
Азоб етказамиз билмай юракка.  
Дунёнинг метинвор ҳасрат, гамлари,  
Кириб келаверар тинмай юракка.*

*Ҳар бири кирганда зарб берар, қай бир  
Ғусса қалб деворин дарчалагайдир.  
Оқибат бағрига тош тўла тақдир,  
Охир бориб дилни парчалагайдир.*

*Олдиндан узоққа қувиб гафлатни,  
Аянчли ҳолни деб чекмаймиз қайғу.  
Аслин олсак бу ҳам яхлит давлатнинг  
Бўлиниши каби фожеадир-ку.*

*Одамлар дахлсиз ўлкада гамнинг  
Лаишари олдига кўйинки тўсиқ.  
Кўчин сезсин у ҳам сезгир одамнинг,  
Ўтда қоврилмасин ҳар битта кўшиқ.*


\*\*\*

*Бунчалар гўзал деб гап отиб кўрдим,  
Ҳафсалам тир бўлди лекин шу замон.  
Қўрслик калтагидан меҳрим карвони,  
Йўртди қулагали жарликлар томон.*

*Ғофил лой юз босар ўтқир пошнадан,  
Ёлғиз нуқта қолган изчаларига.  
Энди нигоҳларим аяб қарайман,  
Шаҳарнинг чиройли қизчаларига.*







## ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЛОТИН АМЕРИКАСИ ШЕЪРИЯТИ

**ФЕРНАНДО РЕНДОН**

*Шоир ва публицист, йирик жамоат арбоби Фернандо Рендон 1951 йилда Колумбиянинг Меделлин шаҳрида туғилган. Эрқарвар шоир “Прометео” номли адабий журналга асос солган ва ушбу журналга муҳаррирлик қилган. Айтилганда Фернандо Меделлин Халқаро Шеърят Фестивалининг директори вазифасида самарали фаолият олиб бормоқда. Бу шеърят анжумани дунёдаги энг йирик ва нуфузли шеърят байрамларидан бири саналади. У 1991 йилда Жанубий Америкада жойлашган Колумбия мамлакатининг Меделлин шаҳри ер кurrasидаги энг хавфли ва даҳшатли шаҳарга айланган бир даврда ташкил этилган. “Санъат ва Прометеода шеърят” деб номланган ташкилот раҳбари сифатида Фернандо Рендон “Гулливёр лойиҳаси” ҳамда болалар учун шеърӣ маҳорат мактабини ҳам бошқаради. У талабалар, ўқувчилар ва кенг жамоатчилик учун кўплаб адабий ўқув курслари, анжуманлар, маъруза ва симпозиумлар ўтказган. Қолаверса, у Лотин Америкаси Шеърят Фестивали Тармоғини ташкил қилган. Унинг шеърлари ўзбек тилида ўқувчилар эътиборига илк бора ҳавола этилмоқда.*

\* \* \*

Бир лаҳзада сароб тош каби қотди. Кундузнинг энг охириги нурига чулганган одам ўз тобутида тўртта кишининг оғирлигига тенг бўлиб қолди. У ўз-ўзини ишғол қилиб, ўз қоронғулиги ила йўл очмиш бир навдаги замин мисол устимизга ўрлади.

Бизни қоқ туш остида қапиштирувчи тортишиш кучи бирор кимса тикланишидан умид қилмаган тақиқланмиш афсонанинг юз томонидир. Аммо бошқа харсанглар айти шу осмоннинг остида Милет қаландарининг товушига кетди айланиб.

Алмисокдан қолган денгиз қумлоқ соҳилга айланган маҳал сувнинг шартли овози-ла қурамин суҳбат, сўнг тутқич бермас модда қурийди қумда, эт ҳамда сертола, ўзгарувчан ҳаётнинг суюқ ҳаёлига айланар.

Ўлиб қайта тирилувчи бу абадий шувоқ қоинот суюқликда йўқотади моҳиятини ёхуд ўз ўчоғи ичига қирар, негаки у билмайди ё ҳар доим қарши туролмас энгиб бўлмас вақтнинг измига. Дерлар-ку, шайтон чидаганда юз йил азоб чекиш унча осонмас. Ҳаво, бир қисм қаро тупроқ ва оловдан сўзлар ясалди, улар шамол ва ё ҳали ўлим ўчоғига ёриб қиролмаган ифодасиз каттақон лой оҳанрабодай ўзига тортган қум қуқунларидир. Сўзлар яна бирданига улоқтирилган қояларга ўхшаб зилзамбил ёки хотирага тўлиқ заминда жипслашган чанг-тўзон мисол.

Аммо биз бир кун қайта нурга айланувчи тошнинг тилида ҳам сўзламоғимиз дарқор. Келажак алмисокдан қолган тошнинг устига ёзилади. Қайта туғилиш ана шу тошдан ўзимизнинг ялтироқ табиатимизга қайтиш демақдир.

**ФРАНЦИСКО ДЕ АСИС ФЕРНАНДЕС**

*Шоир ва маданият тарғиботчиси ФРАНЦИСКО ДЕ АСИС ФЕРНАНДЕС 1945 йилда Никарагуада туғилган. “Шеърят, муҳаббат ва ўлим”, “Ҳаёт дарахти”, “Санъаткор йўлари”, “Тинмай оқиб турар қон” каби ўнга яқин китобларнинг муаллифи. Асарлари бир неча тилларга таржима қилинган. Франциско кўплаб халқаро адабий ташкилотларнинг аъзоси ва шеърят байрамларининг фахрий иштирокчисидир. Айтилганда у Марказий Америкада жойлашган Никарагуанин Гранада шаҳрида йирик шеърят анжуманини бошқаради.*

**ШОИР ИЛА КЎЗГУ**

*Бир инсон бор мудом кўзгумда яшар,  
менга боққан ондан олгувчи баҳра,  
истаркан гўёки ўз ёши учун  
инжиқ ва беҳаё ҳаёлим асарар.  
Аввалроқ ҳаммаси ўзгача эди,  
уни ўзгартирди вақт деганлари,  
энди у раддия берар ҳар нега,  
ёшлик, гўзаллиги чекинди нари.  
Гўёки изгирин у яшар жойда  
ёмғир ҳам бошлаган унда бемалол.  
Кўзгудаги одам сирли ва ўйчан  
сўзимни қайтарар гунг садо мисол.  
Афсус, унинг шавқи дўнмиш ажинга  
ёлғизлик ва мундан теккандай қарғиш  
териси бўжмайиб кетибди, э воҳ,  
оёқлар қийшайган, кўз – чуқур гардиши.  
Танбеҳнамо нигоҳ этади таъқиб,  
шодлигу ёлгонга шерикмас асло.  
Вужудини чирмаб оларкан ҳаёл  
эшитмас созимдан чиққанда садо.  
Кундан кунга ўхшаб борар отамга  
унда гамга ботган отам чеҳраси.  
Иш ва кунларимдан қониқмайди ул,  
истар кўпроқ бўлса садоқат саси  
уйимда ва ёрқин орзуларимда.  
Акслардан иборат ўз дунёсин ҳам  
солиштириб кўрар меники билан:  
Ўлчови йўқ дунёем, на қувонч, на гам,  
на ҳақ ва на ёлгон, на наср, на шеър,  
тошлоқ ва тиканзор аро адашган  
бузу боласига кўп ўхшайсан дер.  
Қўлин тарақ қилиб сочин тараркан,  
Ўхшашигимизнинг илдизин тортиб  
Ўзи чекингани ёлғиз узлатнинг  
Завқини дафъатан бўзмоқчи бўлган  
Дунёвий қиёфам истамас ортиқ!*

Шоира ва адиба Глория Габарди 1945 йилда Марказий Америкада жойлашган Никарагуа мамлакати пойтахти Манагуада туғилган. Шу шаҳардаги Марказий Америка Университетида докторлик унвонини олган. 1974-1979 йилларда у Мексикада яшаган. Кейинчалик она юртига қайтиб, жамоат ишларида фаол иштирок этиш билан бирга бадиий ижодга катта эътибор қаратади. Бир нечта китоблар муаллифи саналган Глориянинг асарлари немис, итальян ва румин тилларида таржима қилинган. У 1982 йилда йирик адабий мукофот соҳиби бўлган. 2004 йилдан буён Гранада шеърий анжумани координатори вазифасида фаолият олиб бормоқда. Глория Габурди шеърлари ўзбек тилига илк бор таржима қилинмоқда.

Родриго Бердуго Писаро 1977 йил 9 январда Чили пойтахти Сантьяго шаҳрида туғилган. Бир неча йилдан буён испан тилида нашр этиладиган “Оқим” ва “Ақиқ лаблар” журналларининг ҳаммуҳаррири вазифасида ишлаб келмоқда. Илк шеърий тўплами “Парда ортидаги яланғочлар” деб номланади. Шеърлари итальян, португал, поляк, араб ва француз тилларида ўгирилиб, турли антологияларда босилган. Родриго “Шеърийят дўстлари” номли уюшма ташкил этган танлов ғолиби бўлган. Жаҳон шоирлари уюшмаси аъзоси сифатида у чет мамлакатларда ўтказиладиган шеърий байрамларида фаол иштирок этиб келмоқда. Шеърлари ўзбек тилига биринчи бор ўгирилмоқда.

### СЎЗ САЛТАНАТИ

*Бир макон истарам – сўз салтанати,  
Каломлар наҳрига кўнгиш илҳақдир.  
Инсоний дардларни ювиб ташлолсам,  
Илдизин руҳимга қадасга тақдир.  
Кимга ўхшар эдим – тилла изловчи,  
Хомхал баҳрида сузган бир шоввоз  
Ва ё ҳурриятни севувчи жонбоз.*

*Калом салтанати  
Қанотли дўстлар  
Шохдан шохга кўнса ўйноқлаб, нафис,  
Юлдузнинг туси-ю шамол таъмини  
Йигит эҳтиросин самимийлигин  
Қила олсам ҳис.*

*Инсонни борича англашга,  
Денгиз ва юлдуздан ўргулиб,  
Руху тан билан ул баробар  
Жонимга фароғат бергулик.*

*Рухга сўз дунёси истарам,  
Қалбимнинг хоҳиши кенг юртдай  
Барча эл излаган ноқарам  
Инжулар тизмаси мисоли  
Юртимнинг қоронғу шомиди  
Тилимдан ташқари отилмиш  
Бир дунё – каломлар жомиди,*

*Қирғогидан ошган  
Дарё – сўз баҳри,  
Олдиан не чиқса этар зумда гарқ,  
Алдагувчи умид сузар оғзимда,  
Тирик орзуларни ўлдиргувчи шавқ,  
Лабларимни куйдирмоқ учун  
Тасаввур калитин,  
Амбония, Банда, Тернат ва Тидор  
Ороларин ранги ва нордон таъмин  
Йўллари, фожиа, саргузашти-ла  
Вестуччи ва Магелланнинг оҳ дарёсида  
Тақдим этмоқ учун менга бус-бутун  
Қаршимда сўнги бор тўхтамоғи-чун  
Биргина кўзининг нури деб хорман,  
Чайқалишинг орзу остонасида,  
Сачрашингга оппоқ саҳфага зорман.*

### У КУНДАН СЎНГ


*Душманона саяҳат учун замин мусиқасин чаларкан  
Улар нарсаларнинг ўрнин ўзгартди  
Денгиз кўтарила бошлади аста,  
даҳшатли давралар қолмоқда орта  
Йўлимиз кўзларни излайди, излаюр тошларни бир йўсин.*

*Қандоқ жўр бўлишни билади улар,  
Воқиф ҳар нарсанинг тескарисидан  
Бошланди барчаси томчи-томчилаб, яна номма-ном  
Уйдирма япроқдек оёқ остида.  
Улар яхши билар, ўлган кимсаларни тасвирлашмайди  
Етарли дунёнинг нарғи томони  
кўзгалаши дарахт ва сувларга қариши  
Ашёлару ҳаётга ҳамда  
Юлдуз жасорати бўлмаган исталган оғриққа қариши.*

*Улар яхши билар,  
Ниманидир тўлаб  
Болишлар ичида ёнган қаламларни тутаркан,  
хулосалаб тасаввурларни  
Шу тариқа келишган эди  
Шу тариқа жойлашишганди  
томчима-томчи, номма ном  
Нарсалар одамлар-ла чекланмасдан аввал  
Аммо вақт тош билан, нур билан ўлчанган маҳал  
Тош ва қон нурни қозоғга муҳрлашни ўйларди  
Гузалик дарёларни кавлаган замон  
Ва ниҳоят  
қўлларида тасодифлар новдасин ушлаб  
Парвардигор кутарди бизни.*

### Инглиз тилидан Аъзам ОБИД таржималари





# ЭРИНИ ЭР ҚИЛГАН А ЁЛ



**Гуллом КАРИМИЙ**

## Ҳикоя

Таътил пайти қишлоғимга борганимда адабиётга қизиқиб юрадиган бир неча ҳамқишлоғим мендан: «Садафий деган шоирни танийсизми?», – деб сўрашди.

– У ҳақда бир-икки эшитганман, дарвиш шоир, дейишади. Лекин ўзини кўрмаганман, китоби ҳам менга учрамаган, – дедим.

– Наҳотки?! У, ахир, бизнинг вилоятдан, кўшни тумандан экан. Шеърлари билан айтиладиган кўшиқларни артистлар «Эй, Садафий» деб тугатишади-ку, – ажабланишди ҳамқишлоқларим.

– Вилоят у ёқда турсин, туманимиздан бориб пойтахтда яшаётганларнинг кўпчилигини ҳам танимамайман. Тошкент катта шаҳар, ундаги шоирлар сони Алишер Навоий давридаги Ҳирот шоирлари сонидан кам эмас, – дедим мен сал баланддан келиб.

Ҳамқишлоқларим билан бўлган адабий суҳбат, бу соҳада уларни қизиқтирадиган бошқа мавзу бўлмагани учун, шу тарзда яқунланди. Бироқ шу суҳбат сабаб бўлиб, мен кўшиқчилик санъати ва унинг беназир имкониятлари ҳақида мулоҳазага берилдим.

Агар етти яшар талантили болакай ойнаи жаҳонда бирон кўшиқни қойиллатиб айтолса, бутун элга танилади. Камида бир неча кун барчанинг оғзида гап бўлади. Ўзинигина эмас, кўшиғи матнини ёзган шоирни ҳам эларо машҳур қилади. Ҳолбуки, бир неча китоби чиққан носирни ўз маҳалладошларининг кўпчилиги тузук-қуруқ танимаслиги, таниганлар ҳам, биронта шеърини машҳур хонандалар кўшиқ қилиб куйламагани учун, катта ижодкор сифатида эътироф этмаслиги мумкин. Мана, ҳамқишлоқларим ҳам мендан: «Бирон янги нарсангиз чиқдими?», – деб сўраш ўрнига, Садафийни таниш-танимаслигим билан қизиқишди. «Танийман, ўзимизнинг уяхонлардан», – деб бир оз ёлғонлаганимда, улар наздида каминанинг мақоми бир поғона кўтарилган бўларди.

Тўғри, шоир дўстларим таъсирида шеърлар қоралаганман. Бир туркуми «Соҳил оҳанглари» тўпламида чоп ҳам этилган. Бироқ, афсуски, кўшиқ бўларлик шеърим йўқ. Боз устига, кўшиқбоп шеър ёзишнинг урдасидан чиқилганда ҳам, уни хонандаларга, айниқса, йирикларига ижро эттириш мушкуллигини яхши билардим.

Маҳалламизнинг мўъжаз адабий давраси ёшуллиси ва адабиётнинг тор кўчаларида биздан бир неча пой-афзални кўпроқ тўзиган шоир акахонимиз кўшиқбоп шеърлар ёза олар, улар унда-бунда майдароқ хонандалар томонидан куйланган ҳам эди.


– Фалончини зўр шоир дейсизми? Аслида унчалик эмас, – дерди одатда акахонимиз бирон номи чиққан шоир ҳақида гап кетганда. – Гап шундаки, унинг шеърларини катта артистлар кўшиқ қилиб айтишган. Бу жиҳатдан унинг омади чопган. Лекин шеърларини таққосласангиз, барибир, меники кучли! Фақат ҳозирча бирон номдор артист билан танишолмаяпман-да.

Ниҳоят, акахон адабиётнинг кенг ва ёруғ майдони-га чиқиш, яъни номи ва шеърини катта сахналарда жаранглатиш учун ғоятда машҳур хонандага мўлжаллаб, махсус кўшиқ матнини ёзди. Хонанда тилидан элга лирик мурожаат тарзида ёзилган шеърга: «Мен сенинг юлдуз қизингман, халқим», деган сарлавҳа қўйилган эди. Уни даставвал бизга ўқиб берди.

– Э, қаламингизга тасанно, шедевр-ку бу! – деди маҳалламизнинг пешқадам шоири Абдуҳамид Парда. – Худо хоҳласа, Юлдузнинг репертуаридан асло тушмайдиган кўшиқ бўлади.

Гарчанд, Парданинг муболағага мойиллиги бизга сир бўлмаса-да, эътироф этиш лозимки, шеър юракдан ёзилган эди. Агар хонанда ҳам уни юракдан кўшиқ қилиб куйласа, халқ қабул қилиши тайин эди. Бундан сўнг турнақатор бўлиб келадиган ютуқларни тасаввур қилаверинг. Албатта, хонанда янги шеърларга буюртма бериш асносида бу шеърнинг қалам ҳақини жўнатади.





Бошқа санъаткорлардан ҳам кўшиқбоп шеърларга буюртмалар ёғилади... Хуллас, шоир акамик нашриётда узоқ йиллардан бери навбатда турган, ҳали ёруғлик кўрмасданоқ бир мучалини ўтказган тўплами нашр этилиши, шоирлик шухрати маҳалламиздан ташқарига ҳам ёйилиши, турғунликка юз тутган моддий аҳволи яхшиланиши – барчасини шу кўшиқ ижобий тарзда ҳал қилишидан умидвор эди.

Шеърни хонандага етказишнинг энг осон йўли топилди. Акамик хонанданинг концертига тушиб, шеър кўчирилган қоғозни гулдаста орасига жойлаб, ўз қўли билан тақдим этди. Кейин сабр билан кутди. Хонанданинг радиодаги чиқишларини мунтазам эшитар, лекин ойлар ўтса-да, у интизор кутаётган кўшиқдан дарак йўқ эди. Хонандага қўнғироқ қилиб сўрашга ғурури йўл бермасди. Бизга нолиганда қўлдан келганча тасалли бердик: «Шеърингизни келаси йил бошидаги янги концерти учун олиб қўйган бўлса керак. Ҳар бир катта концертида муҳлислари учун бир неча янги кўшиқ ҳадя этиши лозим-ку. Келаси концерти бошида сизнинг шеърингизни куйласа ажаб эмас. Ҳатто юбилей концертини бошлаш учун ҳам бундан яхшироқ кўшиқ топиш амримаҳол».

Зориқиб кутилган концертга акамик оиласи билан биринчи кунидек тушди. Чипта қимматлиги боис, биз шеър кўшиқ қилинганига ишонч ҳосил қилгандан сўнг тушадиган бўлдик. Бироқ эртасига акамикни тушкун ҳолатда кўрдик. Хонанда унинг шеърини на концерт бошида ва на охирида куйлабди. Биз ҳам таажжубландик. Чунки шеърда ҳеч қандай нуқсон йўқ эди. Унда қаерда камчиликка йўл қўйилди экан?

– Ўтган йили шеърни хонанданинг ўз қўлига тутқазганимиз? – сўрадим мен.

– Қўлига тутқазганим йўғ-у, гулдаста орасига солиб, кўзга ташланадиган қилиб берувдим, – деди акамик.

– Эҳ, ишни хом қилибсиз-ку, – деди жиғибийрон бўлиб Абдуҳамид Парда. – Ахир, у «ичига нима солинган» деб барча гулдасталарни бирма-бир титиб чиқармиди?! Шеърни чиройли хатжилдга солиб, гулдастадан алоҳида қўлига бериб: «Юлдузхон, шуни кўшиқ қилсангиз, махсус сиз учун ёзилган», – десангиз бўларди-ку!

– Ҳа, шундай қилиш керак эди, – дея тасдиқладим мен ҳам. – У шеърингизни кўрмаган бўлиши мумкин. Эсиз, бир йил вақт!

– Хайрли ишнинг кечи йўқ. Юлдузнинг концерти ўн кун давом этади. Яна битта чиптага ва бир гулдастага тушсангиз нима қипти?! – деди Парда ва ўз тажрибаси билан ўртоқлашди. – Мен Норали Тўраевга бағишлаб ёзган достонимни нақ унинг ҳовлисига элтганман. Ўзи йўқ экан-у, лекин қоровулга: «Ўз қўлига берасиз», – деб тайинладим. Бунга ҳам уч-тўрт ой бўлди. Негадир, Норали ҳануз қўнғироқ қилмаяпти. Ниҳоятда банд одамда! Ўзим бир ўтиб хабар олишим керак.

Шоир акамик маслаҳатимизга амал қилди. «Йиқилган курашга тўймас» деганларидек, кўшиқ матни билан хонандани ўнгу сўлдан қамал қилишни бошлади. Хонанда вилоятларга гастролга чиққанда, акамик қайсидир вилоятдаги қариндошига «концертига тушиб, қўлига бергин», деб шеърдан нусха жўнатди. Қўнғироқ қилиб натижани сўраганида, «ўз қўлим билан ўз қўлига бердим», – деган ижобий жавобни эшитди.

Шу орада кўшиқ матнини хонандага яна бир бор етказиш учун зўр имконият пайдо бўлди. Радиодан муайян кунда ўша хонанда билан суҳбат бўлиши хабари берилиб, савол ва хатларингизни кутамиз, дейишди. Акамик шеърга ажойиб бир хат илова қилиб, радиога ўзи элтиб берди. Эшиттиришни бутун вужуди қулоққа айланиб тинглади. Сухандон қизга раҳмат! «Сизга хат йўллаганлар орасида таниқли ижодкорлар ҳам бор», – деб акамикнинг исми шарифини айтибди. Сўнгра: «У киши сиз кўшиқ қилишингиз учун бир шеър ёзибдилар, бир бандини ўқиб бераман», – деб чиройли овозда ўқибди.

– Шеър ёқдимиз, кўшиқ қиласизми? – деб хонандага мурожаат қилибди.

– Жуда ёқди, шоир акамга раҳмат! – деган жавобни эшитганда акамикнинг кўзидан ёш чиқиб кетибди. Лекин хонандаси тушмагур шеърни кўшиқ қилиш ёки қилмаслиги ҳақида тайинли гап айтмабди.

Орадан йил ўтиб, навбатдаги концертда ҳам биз кутган мўъжиза рўй бермагач, қанчалик ноқулай бўлмасин, «балки шеър матнини бироз ўзгартириб, бошқа бирон хонандага бериб кўриш керакдир», – деган мулоҳаза ҳам айтилди. Бироқ акамик кескин рад қилди.

– Йўқ, бу шеър атай унинг ўзи учун ёзилган. Бошқасига берсам, увол бўлади. Ҳеч ким буни унинг ўзичалик айтолмайди! Мен ҳали айтмасидан олдиноқ бу кўшиқни унинг ижросида эшитдим. (Биз анграйиб, акамикга тикилдик). Бир кун денг, эрталаб ҳали ўрнимда ётганимда шу кўшиқ тарала бошлади. Радиоданми, телевизорданми – билолмайман. Шунақа майин, дилрабо! Хотиним: «Туринг, дадаси, ишга кечикасиз», – деб белига тепди кўшиқнинг. Турибди: «Нега радиони ўчирдинг, ёқ!» – деб бақирибман. Аттанг, тушим экан. Бироқ шунчалик аниқ-тиниқ эшитдимки, бастакор бўлганимда, дарҳол оҳангини нотага туширардим. Ҳай майли, у катта композиторлар билан ишлайди-ку. Ўша оҳангни албатта топишади...

Қишлоқдан Тошкентга қайтиб келгач, ёз оқшомларидан бирида дўстим – болалар шоири, шунингдек, катталар учун ҳам ёзадиган Дилшод Ражаб билан Чилонзор хиёбонларидан бирида сайр қилаётиб, кабохўрлик қилиш учун очик ҳавода – фаввора теграсида турган столлардан бири атрофига ўтирдик. Нарироқдаги столдан қўзғалган жуфтлик Дилшодга таниш экан. У бориб кўришди.

– Бу одамни танийсизми? – сўради Дилшод қайтиб келиб ўтиргач.


– Йўқ, биринчи кўришим, – дедим.

– Кўшиқчи шоир Садафий шу бўлади. Ёнидаги аёл хотини.

– Э, шундай денг! Ниҳоят, ҳамқишлоқларимга шоир Садафийни кўрганман, деб баралла айта оламман. Лекин уни дарвиш қиёфасида тасаввур қилардим. Бу эса пўрим кийинган виқорли бир одам. Ўзи, Садафий тахаллусли шоир биттами?

– Ҳа, шоир Садафий шу. Чинданам бор-йўғи бир неча йил олдин у ҳақиқий дарвиш эди. Кўшиқчи шоир сифатида танилгани билан на тайинли иши, на уй-жойи бор ва на китоблари чиққан эди. Хотини туфайли қаддини тиклаб, дарвишдан бекка айланди.

– Демак, яхши аёлни топиб уйланибди.



– У аёлни эмас, аёл уни топган. Уларнинг романи менга яхши маълум.

– Унда ҳикоя қилиб беринг. Кабоб еб эшитадиган гўзал қиссага ўхшайди-ку.

– Садафий ҳам бир неча шеъри кўшиқ қилиниб, элга манзур бўлгач, пойтахтга омад излаб келганлардан. Лекин унинг истеъдодига гап йўқ, – дея ҳикоясини бошлади Дилшод. – Мен унинг бир туркум шеърларини ўзим ишлайдиган газетада чоп эттирганман ва шу туфайли яқин таниш бўлиб қолганмиз. Бошидан кечирганларини ҳам ўзидан эшитганман. Тошкентга келганида турадиган жойи бўлмаган. Истеъдодини қадрлайдиган баъзи артистлар вақтинчалик ўз уйларига рўйхатга қўйиб, муваққат бошпаналар топиб беришган. Садафий кўшиқ қилинган шеърлари эвазига берилган қалам ҳақиға тирикчилик қилган. Биласиз, шоир халқи инжиқ, ўз ҳомийлари билан ҳам келишиб яшаши қийин. Садафий ҳам машҳур бир хонанда билан аразлашиб, эшикни қарсиллатиб ёпиб, кўчага чиқиб кетган. Орттирганини ича бошлаган. Кўча-кўйда маст-аласт дайдиб юрган. То тақдирида бугун кўрганингиз аёл пайдо бўлгунича, у наинки дарвиш, ҳатто дайди эди.

– Хотини ҳам ўз тарафиданми?

– Йўқ, у фарғоналик. Шухрат борасида кўшиқчи шоирлар билан беллашиб бўлмаслигини яхши биласиз. Сиз каби китобхонликка муккасидан кетганлар шоирларни китоблари орқали танийди, асарларига қараб баҳолайди. Лекин ҳозир сиздайлар камайиб кетган. Эл шоирларни аввало кўшиқ қилинган шеърлари орқали танийди ва шунга қараб ардоқлайди. Шу сабабли Садафийнинг таърифини бу аёл Фарғонада турибоқ эшитган. Тошкентга келиб ишлаб кетган бирон кўшиқсевар мардикор айтганми ёки бошқами, шоирнинг қай аҳволга тушиб қолганидан ҳам воқиф бўлган.

Бу аёл адабиётга, ижодкорлар ҳаётига олдиндан қизиқар экан. «Тошкентга бориб, уни излаб топаман, одам қилиб йўлга соламан, истеъдоди хор бўлишига йўл қўймайман!» – дея аҳд қилиб, шу мақсадда пойтахтга йўл олган.

– Алпомиш Барчинни излаб эмас, Барчин чоҳда ётган Алпомишни халос қилиш учун отланибди-да! Йўлга солиб, одам қиламан деса, водийда шунақаси топилмабдими? Нега энди довон ошиб, айнан Садафийни излаб келибди?

– Бу кўнгил иши-да, ака! Сизнингча бўлса, Барчин ҳам қалмоққа ёки Ултонтозга тегиб кетаверса бўларди-ку! Асли шеърият шайдоси бўлган бу аёлни Садафийнинг шеърлари мафтун этган.

Хуллас, аёл Тошкентга келиб, таҳририят радиодаги ижодкорлардан шоирни сўраб-суриштирган. Билганлар: «Садафийни катта бозорлардаги аравакашлар ё мардикорлар орасидан топасиз», – дейишган. Чунки сўнги пайтларда шоирнинг ҳаёт тарзи шундоқ бўлган: у бирон аравакашнинг исмини сўраб, унинг исмига қофия қилиб байтлар айтган. Исми шеърга со-

линганидан хурсанд бўлган аравакашлар кўнгилдан чиқариб, бир оз пул беришган. Кун давомида йиғилган пулга шоир ароқ ичган.


Аёл ҳам уни мардикорларга шеърхонлик қилиб турганида топиб олган ва у билан кўришиш учун олисдан келганини рўйи рост айтган. Ҳайрон қолган Садафий, бафуржа суҳбатлашайлик, дея қаҳвахонага таклиф қилган ва шундай дилбар аёл атай уни дея узоқ йўл босиб келганидан қаттиқ таъсирланиб, ароқ буюрган. Аёлнинг илк бор шоирни ичкиликдан қайтариш учун қилган ҳаракатлари натижа бермаган. Бу аҳволда энди нозик мавзуларда гаплашиш имконсизлиги туфайли, улар эрталаб соат саккизда учрашишга келишишган. Чунки Садафийнинг эрталаб ичиш одати йўқ эди. Аксига олиб, эрталаб мардикорларни мелиса босиб, улар ёнида бўлган Садафийни ҳам «Мен шоирман» деганига қарамай, пойтахтда рўйхатда турган-турмаганликларини текшириш учун таянч пунктига олиб боришган. Бу ерда ҳам у шоирлик даъвосидан воз кечмаган ва: «Фалон халқ артистнинг уйида вақтинчалик рўйхатда тураман», – деган. Мелиса бошлиғи ўша манзилга кўнгирак қилса, гўшакни хотини кўтарган ва: «Агар кўлида М.С. деган ёзуви бўлса, ўша шоир бизникида туради», – деган. Татуировкани кўрган бошлиқ узр сўраб, уни озод қилган. Лекин Садафий: «Мени бу ерга мажбуран олиб келишди. Соат саккизда жуда муҳим учрашувим бор эди. Ундан бир соат ўтиб кетди. Мени машинада олиб бориб қўясизлар!» – деб хархаша қилган. Мелиса бошлиғи ноилож ўз чўнтагидан такси пули берган. Пул қўлга теккан, Садафий кўчага чиқиб, бу воқеа алаmidан ароқ ичиб: «Барибир кечикдим, учрашув барбод бўлди. Энди мендан аразлаб, ҳеч қачон келмайди», – деб кўз ёши ҳам қилган.

Аёл эса уни эрталабки саккиздан кечки саккизгача кутгани етмагандек, эртасига ҳам излаган. Қайта топгач, ўзи турмуш қуришни таклиф қилган. Турмуш қуришгач, Садафийни ичкиликдан қайтариб, йўлга сола бошлаган. Бу жонфидоликнинг қанчага тушгани бир ўзига, бир Худога аён. Мана, энди уларнинг пойтахтда ўз уйлари бор. Садафийнинг тўпламлари олдинга юпқа, катта китоби эса қалин муқовада нашр этилди. Келаси ҳафта Санъат саройида унинг адабий кечаси ва китобининг тақдими бўлар экан.

– Аёл зотига қойил-а! – дедим эшитганларимдан мутаассир бўлиб, – Худо кўнглига солган экан-да. Бўлмаса, олдин кўрмаган-билмаган одамни излаб узоқ йўл босиб, топган заҳоти синамасдан тегиб олиш, сўнгра уни йўлга солиб, дарвишликдан бекликка кўтариш – ўзи бўладиган иш эмас, албатта.

– Айниқса, Садафийдек инжиқ шоирни эр қилиш осон бўлмаса керак. Бу аёл эса уни ҳам эр, ҳам шер қилди. Мана шу матонати эвазига ўзи ҳам машҳур шоирнинг хотини бўлиб, гул-гул очилиб юрибди, – дея ҳикоясини якунлади Дилшод Ражаб.





**Маҳмуд РАЖАБ**

# Áóãóí òà³äèð ñ´ðîããà òóóòäè

## ДАРД МАВСУМИ

*Пойлаб туриб бўм-бўи бешик бошида,  
Бу нотинч дунёнинг шовқини, дарди.  
Умр бўйи таъқиб этиб одамни,  
Қабр олдиғача эргашиб борди.*

*Билмадик, не сабаб, не гуноҳ учун,  
Бир муддат жонимиз солмиш озорга.  
Ўн саккиз минг олам ичидан нечун,  
Бизни бу дунёга қилмиш бадарга.*

*Бир кун жонга тегар бу тан – тор қафас,  
Кутармиз озодлик ҳақида пайғом.  
Умр – дард мавсуми, қутилолсак бас,  
Жим-жит қабрларда нақд мангу ором.*

## НОАНИҚЛИК

*Ранглар пинҳон туташди,  
Қора эмас, оқ ҳаммас.*

*Диллар нечук адашди,  
Нопок эмас, пок ҳаммас.*

*Кўзларимга бу борлиқ,  
Бор ҳам эмас, йўқ ҳаммас.*

*Ярим қолган кўнгиллар,  
Оч ҳам эмас, тўқ ҳаммас.*

*Қайси йўлга қайрилма,  
Боши ҳам йўқ, сўнги йўқ.*

*Қай тарафдан келсанг ҳам,  
Тескариси, ўнги йўқ.*



*Э воҳ, бугунги кўзлар,  
На очик, на ёпиқдир.*

*Бандаларнинг эмгани,  
На хом сут, на қатикдир.*

## АГАРДА...

*Эҳ, нақадар зерикарлидир,  
Фақат ҳақиқатга ишонмоқ.  
Севаман деб алдагин мени.  
Сўнгра эса,  
Қучоғингда тутиб қолмасанг,  
Ёрилиб ўламан севинчдан.  
Оғушингдан жой сўрармидим,  
Бу дунёга сиголганимда.*

## ИЛЛЮЗИЯ


*Терак тепасида ўтирган ойни,  
Яшириб қўймоққа топдилар имкон.  
Ой-ку этак билан ёпилмас, лекин,  
Кўзни этак билан ёпмоқ мумкиндир.  
Шамол келаётир дарғазаб, чунки,  
Шамолга тўнкади  
Теракни  
Қимирлатиб кетган кимсалар.*

## ЭЙ ГУЛ

*Эй гул, бугун тақдир сўровга тутди,  
Сени биров узиб бировга тутди.  
Омонат бахт бериб маст этдилару,  
Дўст ниқобин кийган бир ёвга тутди.  
Нечун гўзалликнинг қисқа умрини,  
Тиканлар ичида гаровга тутди.  
Юзларинг қип-қизил, лов-лов ёнадир,  
Ким сенинг юзингни оловга тутди.  
Хазонга етишмоқ бахтига етмай,  
Баҳор айёмида қировга тутди.*







Ўқтам МИРЗО ЁРИЙ

# Ў È é Ë À

## ТУЛКИЛАР ЎҚИМАСИН

Меҳриддин полвон катак қурди. Ҳафта ўтиб бозордан бешта товуқ сотиб олди. Катта ҳовлида товуқлар яйраб қолди. Меҳриддин полвоннинг дастурхонига барака кирди. Ҳар куни уч-тўртта тухум дегандай...

Хонадонда қари кўппак Чўммоқнинг ташвиши кўпайганини айтмаса, ҳамма иш жойида эди. Чўммоқ ҳовли атрофида бошланган ғимир-ғимирлардан хавфсираб кечалари безовта бўлиб чиқар, катак атрофида ўралашиб қолганларни пойлаб, тонг оттирарди. Бир неча бор бир тулкини тутиб олишига сал қолди. Аммо қариллик сабаб, уддасидан чиқолмади. Буни ўзи ҳам сизди. Шунинг учун тулкининг шарпаси сезилди дегунча, ҳуришга зўр берар, зўриққанидан орқаси оғриб кетарди.

Кўппакнинг безовталиги хонадон соҳибига ҳам ўтди. Ярим тунда уйқуси учиб, ҳовли айланадиган бўлди. Ёнига эгаси қўшилгач, кўппак хотиржам тортди.

Кўза кунда эмас, кунида синар экан. Бир куни тулки хонадон соҳибини ҳам, қари кўппакни ҳам доғда қолдириб, катакдаги куланғирлардан бирини бўғизлаб судраб чиқди. Аммо емади, пойлаб келиб, уйқу элитган кўппакнинг олдида ташлади.

Ўзи эса лип этиб панага ўтди. Шарпадан чўчиган Чўммоқ зўр бериб, ҳар томонга қараб ҳура бошлади. Ўзига келгач, бир қадам нарида ётган товуқни қурди. Бориб ҳидлади. Кечикканидан афсусланиб

ғингшиворди. Шовқинни эшитган Меҳриддин полвон уйдан шошиб чиқиб, ўлакса товуқни ҳидлаб турган кўппакни кўриб жон-пони чиқиб кетди.

“Ҳали шу ярамасга ишониб юрибманми”, дедию эшик ёнида турган калтакни ола солиб, бўғизланган товуқ ёнида турган кўппагини савалай кетди. Устма-уст тушаётган зарбга чидай олмаган Чўммоқ ғингшиганича қийшанглаб, зўрға қочиб қутулди. Ўзини ўнглаёлмай, икки-уч кун хашаклар орасида ётиб юрди. Аҳён-аҳёнда оғриқ зўриданми ё тулкининг

ҳийласига чув тушганига алам қилибми, ув тортиб юборарди.

Тулки барибир тулкилигини қилди.

Бу орада бемалол келиб товуқларнинг қолганини ўтариб кетди.

Меҳриддин полвон одам бўлса ҳам бу синоатга тушунмади. Чўммоқ эса бир қулоч тили бўлатуриб, тушунтира олмаганидан пушаймон, “ув” тортиб кўярди. Бўлган воқеа шу!

*Расми Жаҳонгир МИРЗО чизган.*

